

Мундарижа

Туризм индустрияси

Сирожиддин ХАЛИЛОВ.
Миллий туризм тармоғи рақобат устунликларини
ривожлантиришда хизматлар экспортининг
иқтисодий аҳамияти 3

Жамият

Одилжон МАҲМУДОВ.
Оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг
моҳияти ва зарурияти 9

Муқояса

Мансуржон БУСТОНОВ.
Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодий
ўсишнинг фундаментал назарий ва услубий таҳлили 16

Ислоҳот

Одилжон КАМОЛОВ, Насрулло ТИЛАБОВ,
Ўзбекистон республикасининг давлат молиясини
бошқариш тизимини такомиллаштириш 19

Илғор тажриба

Диляфуза БЕРДИЕВА.
Блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали уй-жой
фонди молиявий бошқаруви самардорлигини ошириш 23

Экспорт

Файёза БАЗАРОВА.
Тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги таркибий
ўзгаришлар динамикаси 28

Нуқтаи назар

Лаатофат КАРИЕВА.
Иқтисодий ўсишнинг асосий моделлари ва унда
қўлланиладиган омиллар 33

Тадақиқот

Гулам ЭРНАЗАРОВ.
Уй-жой коммунал хўжалиги ривожланишининг
иқтисодий-статистик таҳлили 36

Янгича ёндашулар

Ортиқжон ХУРРАМОВ.
Туризм соҳасининг рақамлашуви ва
рақамли трансформация 39

Таянч соҳа

Абдуллажон МИРСОДИҚОВ.
Қурилиш соҳасини бошқариш тизимларида
логистикадан фойдаланиш хусусиятлари 43

Нефть ва газ саноати

Собир ЮЛДОШЕВ.
“Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарида
инвестиция фаолиятини
тизимли ташкил этишнинг иқтисодий кўрсаткичлари 47

Таянч йўналиш

Ахмед САПАЕВ.
Транспорт тизимининг ижтимоий-иқтисодий
тараққиётга таъсирини баҳолаш масалалари 50

Ишлаб чиқариш

Феруза АБУЛЧАЕВА.
Кимё корхоналарини ривожлантиришда
бизнесни бошқариш
моделларини такомиллаштириш 56

Молия ва иқтисод

Жасурбек МАҲМУДОВ.
Кичик бизнес субъектлари фаолиятида
молиявий бошқарув усулларининг роли ва
асосий хусусиятлари 61

Ёндашув

Дилшод НИШОНОВ.
Олий таълим рақобатбардошлигини оширишнинг
маркетинг стратегиялари 67

Содержание

Системы прогнозирования

Феруза НОРКОБИЛОВА.
Интеллектуальное системное наполнение объектов
автоматизированной системы
социального развития на базе SQL 73

«Зеленая» экономика

Марина АБДУРАШИДОВА.
Переход топливно-энергетического сектора к
условиям «зеленой» экономики 76

Управление предприятием

Азиза АХМЕДОВА.
Инновационная стратегическая система
управления предприятием 80

Цифровизация общества

Шухрат КАДИРОВ.
Исследование влияния интернет-технологий
на занятость населения 83

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ
ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА
Фармонкул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)
доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)
доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)
доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
доктор экономических наук, профессор (Россия)

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,
доктор экономических наук

Абдурашид ҚОДИРОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Адҳам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори
доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

УЎТ: 338.48(575.1)

Миллий туризм тармоғи рақобат устунликларини
 ривожлантиришда хизматлар экспортининг иқтисодий аҳамияти
 Экономическое значение экспорта услуг в развитии
 конкурентных преимуществ национальной туристской отрасли
 The economic significance of the export of services in
 developing competitive advantages of the national tourism sector

Сирожиддин ХАЛИЛОВ,
 Тошкент давлат иқтисодиёт университети
 “Туризм ва сервис” кафедраси доценти, PhD

Аннотация

Мазкур мақола туризм соҳасини самарали ривожлантиришининг устувор йўналишларига бағишланган. Шунингдек унда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришининг иқтисодий ҳолати ҳам таҳлил қилинган. Бундан ташқари, туризм соҳасидаги долзарб муаммолар ечимига бағишланган илмий тавсиялар келтириб ўтилган.

Данная статья посвящена перспективным направлениям развития туризма. Проанализировано экономическое состояние развития туризма в Узбекистане. Кроме того, были даны научные рекомендации для решения актуальных проблем в сфере туризма.

This article is dedicated to promising areas of tourism development. It has been analyzed economic condition of tourism development in Uzbekistan. Besides, it has been given scientific recommendations for solving important issues in tourism.

Жаҳонда туризм индустрияси барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган бизнес тармоқларидан бири бўлиб, бугунги кунда унинг жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улуши 10,0 фоизни ташкил этади. Шунингдек, яратилаётган янги иш ўринларининг ҳар еттинчиси туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади¹. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) башоратларига кўра, 2025 йилга келиб, халқаро туристик ташрифлар сони 1,6 млрд. кишини ташкил қилиши айтилмоқда. Хўжалик юритиш глобал тизимининг бу соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва яқин йиллар ичида у энг муҳим соҳалардан бирига айланади. Биргина

мисол, туризм соҳасида инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 30 фоизни ташки қилмоқда². Халқаро туризм индустриясининг ривожланиши аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий иш ўринларининг яратилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Туризм индустрияси чет эл валютаси тушумининг муҳим манбаи ва мамлакат ташқи савдо тўлов балансига, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига фаол таъсир этади. Бу омиллардан ташқари, халқаро туризм индустрияси давлатлар ижтимоий-маданий, экологик муҳитида ҳам ўзининг самараларини намоён этади.

БТТ ривожланаётган давлатларга туристик

Калит сўзлар: туризм индустрияси, минтақавий ривожланиш, хорижий туристлар ташрифи, туристик хизматлар экспорти.

¹ <http://vavilon.ru/statistika-v-turizme> – Глобал хабарлар портали маълумотлари.

² www.unwto.org – Бутунжаҳон туризм ташкилоти расмий сайти маълумотлари.

салоҳиятни юксалтириш, инновацион хизмат турларини ишлаб чиқиш, янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳаси субъектларининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича амалий чоралар кўриш, туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар ЯИМда айна соҳа улушини ошириш ҳамда туризмни рентабеллик даражаси юқори соҳалардан бирига айлантириш лозим эканлигини таъкидламоқда. Шу билан бир қаторда, жаҳонда туристик хизматларни тақдим этувчи бизнес субъектлари бошқарувини илмий асосда ташкил қилиш, ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича илмий изланишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, туристик корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва истиқболларини баҳолашга эътибор тобора кучайтириломоқда. Туристтик бизнес субъектларида менежментнинг инновацион платформалар асосида ташкил этилиши, бошқарув самарадорлигини таъминлаш, бошқарув тизимига таъсир кўрсатувчи омилларни баҳолаш бугунги кундаги долзарб илмий муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасини, хусусан, туризм хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, туризм хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, нормативлар ва янги талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Ўз ўрнида, миллий туризм соҳасининг янада ривожланишига ҳамда хорижлик туристлар оқими ва туристик хизматлар экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сонининг кўпайиши ҳамда уларда бошқарувнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш” муҳим

йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди³. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши эса туристик корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, халқаро тажрибалар ва тамойиллар асосида миллий туризм тармоғи бошқаруви самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда ва унинг минтақаларида туризм хизматлари бозорини ривожлантириш, туризм индустриясини бошқаришни замонавий менежмент тамойиллари ва усуллари орқали амалга оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Туризм — миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш жараёнини таъминловчи тармоқ бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида алоҳида ўрин эгаллайди. Янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли бандлигини барқарор суръатлар билан ошириш, халқ фаровонлигини юксалтиришда туристик хизматлар экспортининг ҳам ўрни беқиёс. Мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда туризм индустриясини тартибга солиш бўйича зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, миллий кадриятларни асраш, маданий мерос объектларини тиклаш ва таъмирлаш борасида кенг кўламли амалий чора-тадбирлар комплекси тизимли ва изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳмондўстлик ҳамда туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида хориж мамлакатларидан ташриф буюраётган туристлар оқими жадал ортмоқда.

Ўзбекистон бой тарихий илдизларга ва ноёб маданий меросга эга ҳудуд. Бу эса мамлакатимизда ҳали улкан салоҳияти тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини тараққий эттириш, давлатимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Ўзбекистонда туризм индустрияси ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида туризм соҳасини ривожлантиришда инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ҳамда тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш борасидаги йўналишлар қатъий белгилаб берилган.

Туризм индустрияси юқори даражада ривожланган кўплаб мамлакатларда ҳам хорижий туристлар дам олиши ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган, улар ўзига миллионлаб туристларни барқарор жалб қилмоқда. Шу билан бирга, Африка, Австралия, Жанубий Америка, Жануби-Шарқий Осиё, Мексика каби минтақаларнинг хорижий туристларга хизмат кўрсатишдаги улуши борган сари кўпайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг ўсиши дунё бозорига боғлиқ бўлмоқда. Туризм давлатларни ўзаро яқинлаштирибгина қолмай, балки, халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шунинг учун, халқаро туризм индустриясини оқилона ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш, жойлаштириш воситалари турларини кўпайтириш ва такомиллаштириш ҳамда бу борада жаҳон тажрибасини қўллаш зарурати сезилмоқда.

Дарҳақиқат, туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, биргина 2018 йилда ушбу тармоқ улуши жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,2 фоизини ташкил этган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, туризмнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти унинг мультипликатив самарасига асосланади. Ана шу куч туфайли туризм катта рекреацион имкониятларга эга бўлган мамлакат ва ҳудудларда ривожланишнинг янги босқичини бошлаб беради.

Хусусан, Ўзбекистон туристик имкониятлар кўлами ва тарихий қадамжолар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 300 дан ортиқ туристик объектлар мавжуд⁴. Аммо, бугун ушбу соҳани ривожлантириш

борасидаги имкониятлар ҳали тўлиқ ишга солинмаган. Масалан, 2019 йил якунларига кўра, туризм тармоғининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши Мальтада 26,7 фоиз, Кипрда 21,4 фоиз, Мисрда 18,6 фоиз, Испанияда 14,2 фоиз, Италияда 11,1 фоиз, Португалияда 16,6 фоиз, Туркияда 12,5 фоиз ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Россияда 5 фоиз, Қозоғистонда 6,2 фоиз, Қирғизистонда 3,9 фоизни ташкил этган⁵. Кўриниб турибдики, туризм етарли рекреацион имкониятларга эга бўлган мамлакатларда иқтисодий ривожланишнинг қудратли катализатори сифатида хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири сифатида ривожланмоқда. Туристлик хизматлар экспорти категориясини ёритишдан аввал “хизмат”, “экспорт”, “хизматлар экспорти” сингари тушунчаларнинг мазмунига тўхталиб ўтиш ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ.

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси рўёбга чиқарилаётган бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг бизнес юритиш амалиётини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Яъни, хизматлар экспортини йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатлар импорт портфелини таҳлил қилиш асосида ушбу соҳада юқори самарадорликка эришиш инновацион ёндашувни тақозо қилади.


Хизматлар иқтисодий табиатига кўра моддий неъматлардан фарқ қилади. Товар-моддий қимматликларни экспорт қилишда божхона расмийлаштирувлари ва бошқа божхона тартиб-таомилларига қатъий риоя қилиш зарур. Хизматлар эса ўз хизмат кўрсатувчиларидан ажралган ҳолда тақдим этилмайди. Хизматлар экспорти хизмат кўрсатувчининг ўз мамлакатига ҳам, буюртмачи фаолият олиб бораётган хорижий давлатда ҳам амалга оширилиши мумкин. Хизматлар қийматини моддий неъматлар қиймати сингари баҳолашнинг имкони йўқ. Чунки, хизматлар сифати ва хизматлар сифатига боғлиқ ҳолда уларнинг қиймати ҳам турли вақт, турли маконда ҳар хил белгиланади. Зеро, мамлакат божхона ҳудудидан чиқмасдан ҳам хизматларни экспорт

⁴ uzbektourism.uz – Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги расмий сайти маълумотлари.

⁵ Ўша манбаа.

қилиш мумкин. Мамлакат резидентлари томонидан хорижий давлатлар аҳолиси эҳтиёжларига мос равишда хизматларни реализация қилишга бунда бир-

диган онгли фаолияти⁷. Туристик хизматлар экспортнинг ўзига хос хусусиятлари борасидаги назарий ва амалий масалалар тадқиқотларда батафсил очиб



1-чизма. Рақобат дастаклари асосида туристик хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш йўналишлари⁶.

ламчи эътибор қаратилади (1-чизма).

Айниқса, хизматлар экспорти ҳажмини оширишда маркетинг технологияларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, хизматларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлайди. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, хизмат – инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлат ва жамиятнинг хизматлар истеъмолига бўлган маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтира-

берилмаган. Экспортга оид тадқиқот мавзулари эса чет эл ва маҳаллий иқтисодчилар диққатини ўзига жалб этиб келган. Аввало, экспорт категориясининг этимологиясига тўхталсак. Бу сўз инглизча “export”, лотинча “exporto” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “олиб чиқмоқ”, “четга чиқармоқ” маъноларини англатади. Шундан келиб чиқиб, туристик хизматлар экспортга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Туристик хизматлар экспорти деганда хизмат

⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

⁷ Очиллов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарқанд, 2010 й. 9-бет.

кўрсатувчи томонидан ўз мамлакатда чет эл фуқароларига ёки хорижий мамлакатларда аҳолининг ва меҳнат жамоасининг туристик хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун кўрсатиладиган хизматлар тушунилади. Ушбу тушунча мазмуни кириш туризми билан бевосита боғлиқ. *Кириш туризми* эса Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саёҳатидир.

Фикримизча, ушбу таърифда туристик хизматлар экспортини тўлиқ ифода этиш учун тегишли жиҳатлар ўз ўрнини топган. Мазкур таърифнинг назарий асослари қуйида келтирилган:

Биринчидан, туристик хизматлар экспорти хизмат кўрсатувчи субъект томонидан ҳам ўз мамлакатда, ҳам хорижий мамлакатда амалга оширилиши мумкин. Туристик хизматлар экспортининг шу жиҳати уни товарлар экспортдан фарқлайди.

Иккинчидан, сервиснинг ўзига хосликларини туристик хизматлар экспортига аниқлик киритишда инobatга олиш мазкур иқтисодий категорияни чуқур англашга ёрдам беради, яъни:

- хизматлар моддий неъмат тариқасида кўзга кўринмайди;
- хизмат кўрсатувчи субъектларнинг аксарияти жисмоний шахс сифатида намоён бўлади;
- хизмат кўрсатувчилар алоҳида шахс сифатида ҳар бири ўзига хос;
- хизматларни тақдим этувчилардан ажратиб олиш ёки ажратиб сотиш имконияти мавжуд эмас;
- хизматлар олди-сотди жараёнида предмет кўринишида кўзга ташланмайди;
- хизмат сифати барқарор эмас, чунки, инсон омили таъсирида у турли замон ва маконда айнан бир хил бўлиши қайд этилмайди;
- хизматни захирага олиб қўйиш ёки келгусида фойдаланиш учун сақлаб қўйиш имкони йўқ;
- хизматни бир жойдан иккинчи жойга тақдим этувчисидан ажратган ҳолда кўчириб бўлмайди;
- хизмат фақат тақдим этилаётган жараёндагина истеъмол қилинади;
- айрим хизмат кўрсатиш тармоқларида кутилган натижа ёки наф кейинчалик намоён бўладиган ҳоллар ҳам мавжуд;
- хизматнинг тақдим этилиши ва истеъмол қилиниши бир пайтда содир бўлади;
- хизмат сифатига баҳо беришда асосий устуворлик истеъмолчида эканлиги, ўз ўрнида, бунга нисбатан муносабатнинг субъектив сабабларга

кўра турлича бўлиши эҳтимоли мавжудлигини англади.

Учинчидан, туристик хизматлар экспорти муайян эҳтиёжни қондириш учун кўрсатиладиган ҳар қандай хизмат натижаси каби намоён бўлувчи даромад кўринишида ҳисобга олинади.

Ўз навбатида, умумий экспортда хизматлар улушининг моддий неъматлар экспорти даражасида бўлиши ёки ундан юқорилиги ўрганилаётган мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилиши хусусида муайян хулосалар чиқаришга асос бўлади. Бундай мамлакат иқтисодиётида:

- туристик хизматлар экспорти умумий экспортнинг, одатда, 25-30 фоизини ташкил этади;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-80 фоиздан иборат бўлади;
- хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан банд аҳолининг қарийб 70 фоизи меҳнат қилади;
- аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида туристик хизматлар учун молиявий ажратмалар 25-35 фоизни ташкил этади.

Келтирилган маълумотлардан фойдаланиб шуни айтиш жоизки, умумий экспортда хизматлар улушининг моддий неъматлар экспорти даражасидан паст ёки деярли эътиборга молик бўлмаган ҳажмдалиги ҳам ўрганилаётган мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилиши хусусида муайян хулосалар чиқаришга асос бўлади. Бундан мамлакат иқтисодиётида эса:

- аграр соҳага ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни бирламчи қайта ишлашга нисбатан боғлиқлик кучли бўлади;
- иш билан банд аҳолининг кўпчилиги қўл меҳнатида асосланган ва модернизациялашмаган ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат қилади;
- аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида туристик хизматлар учун молиявий ажратмалар деярли мавжуд бўлмайди.

Ўзбекистонда ҳам туристик хизматлар экспорти билан фаол шуғулланиб келаётган бизнес субъектларига кўмаклашишнинг ноёб тизими яратилган. Унга кўра туристик хизматлар экспорти билан шуғулланиб келаётган маҳаллий бизнес субъектларига кўмаклашиш қуйидаги йўللار асосида амалга оширилмоқда:

- ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришларини тизимли ўрганиш;
- потенциал ташқи бозорларнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- туристик хизматларнинг ташқи бозорларда-

ги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш шулар жумласидандир.

Туристтик хизматлар экспорти билан шуғулланиб келаётган маҳаллий бизнес субъектларига кўмаклашиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, ишончли ҳамкорлар топиш, мижозлар талабини тўлароқ қондириш, миллий

туристик маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, экспорт географиясини кенгайтириш каби имкониятларни тақдим этиши билан муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, Ўзбекистон миллий туристик маҳсулотининг жаҳон бозоридаги мавқеи йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 5 январь, ПФ-5611-сон // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.
3. Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Самарқанд, 2019 й. – 18-24 б.
5. Амонбоев М., Халилов С. Туризм индустрияси ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” электрон журналининг 3-сони. Тошкент 2019.

Оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг моҳияти ва зарурияти

Особенности и необходимость обеспечения экономической стабильности семьи

Features and importance of ensuring economic stability of the family

Одилжон МАХМУДОВ,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти доценти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада оила иқтисодининг илмий-назарий асослари, оила иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг моҳияти ва зарурияти ҳамда назарий жиҳатлари ёритилган.

В статье описаны научно-теоретические основы экономики семьи, теоретические аспекты экономической стабильности семьи, а также важность и необходимость обеспечения экономической стабильности семьи.

The article describes the scientific and theoretical foundations of family economics, the theoretical aspects of family economic stability, as well as the importance and necessity of ensuring family economic stability.

Мавзунинг долзарблиги. Таъкидлаш жоизки, республикамизда оилани ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш давлат даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш хусусиятларини ўрганиш, биринчи навбатда, оиланинг моддий аҳволини мукамал тадқиқ этишни тақозо этади. Ўзбекистонда 2020 йил январь-март ойларига келиб, ўртача иш ҳақи 2,5 миллион сўмни ташкил этди¹. Тадқиқот объекти ҳисобланган республикамининг айрим вилоятларида эса бу кўрсаткич 20 фоизга камроқ. Вилоятларда жон бошига тўғри келувчи даромадлар 2015 йилга нисбатан 2020 йилда 4,5, харажатлар 4,52 бараварга

органлигини кўрсатди². Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда яшовчи оила харажатларининг аксарият қисми, яъни, 53,9 фоиз озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга, 16,1 фоиз хизматлар учун харажатларга сарфланган.

Шу билан бирга, вилоятларда болалар, қариялар салмоғининг нисбатан юқорилиги, шунингдек, яратилган иш ўринлари сони ўсиш суръатининг меҳнат ресурсларига нисбатан пастлиги натижа-сида оилада 1 та боқувчига ўртача 1,4 боқиманда тўғри келмоқда. Юқорида қайд этилган ҳолатлар вилоятларда оилаларнинг иқтисодий аҳволида қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда республикамизда, қолаверса, вилоятларда оилаларни, айниқса кам таъминланган,

Калит сўзлар: оила, иқтисодий барқарорлик, уй хўжалиги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий барқарорлик.

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистикаси. 01. 2020

² Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана. – Тошкент, 2020. – С. 72-73

боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, вилоятларда оиланинг моддий ҳолатида юз бераётган ўзгаришлар унинг иқтисодий барқарорлигига таъсир қилмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалаларини атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш ва илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда фанда оиланинг ижтимоий-иқтисодий асослари, унинг ижтимоий-руҳий ва биологик жиҳатларини ўрганишга доир тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалага иқтисодий жиҳатдан ёндашганда оила уй ҳўжалигининг асоси бўлиб, у микроиқтисодий тизимнинг асосий бўғини ҳисобланади ва макроиқтисодий тизимга, яъни, миллий иқтисодиётга бирикади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Уй ҳўжалиги ёки ҳозирда иқтисодий адабиётларда кенг қўлланилаётган оила ҳўжалигининг микроиқтисодий субъектга айланаётганлиги “оила” тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини ёритиб беришни тақозо этади. Хусусан, А.Ўлмасов ўз илмий ишларида “оила” тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Оила кишиларнинг қон-қариндошлик, мулк ва манфаат умумийлиги ҳамда талаб эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, мақсади ягона бўлган мажмуа, яъни, ижтимоий тузилмадир”³. Оилашунос олима М.Бўриева “Оила инсонларнинг табиий биологик, никоҳ, қон-қариндошлик, иқтисодий ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий-демографик гуруҳдир”⁴, деб таъриф берган. Д.Эгамова эса масалага чуқурроқ ёндашиб, “Оила – табиий-биологик, никоҳ ва туғишганлик, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар асосида бириккан, ўзаро жавобгарлик ва маънавий масъулият билан бир-бирига боғланган кишилар гуруҳи бўлиб, ўз фаолияти давомида миллатни ижтимоий, демографик хусусиятларини авлоддан авлодга етказиб берувчи ижтимоий-демографик ячейкадир”⁵, деб изоҳ берган.

Демак, оила – физиологик-табиий, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни қондиришнинг никоҳ асосида тартибга солинадиган тизими бўлиб, бир-бири билан ижтимоий-руҳий жиҳатдан қарин-

дош-уруғчилик муносабатлари асосида иқтисодий жиҳатдан мулкий муносабатлар уйғунлигида биргаликда фаолият юритувчи кишилар бирикувидир.

Юқоридаги таърифда “оила” тушунчаси билан бевосита алоқадор ҳамда уни акс эттирувчи иқтисодий қарашлар мавжудки, яъни, қариндош-уруғчилик муносабатидан ташқари, унинг ҳўжалик фаолиятини йўлга қўядиган мулкий муносабатларга алоҳида урғу берилган. Зеро, оила муносабатлари мулкка асосланганлиги сабабли ишлаб чиқариш воситалари бевосита оилага қарашли, шунингдек, меҳнат қилувчилар ҳам, меҳнат натижасидан баҳраманд бўлувчилар ҳам айнан шу оилага мансуб кишилардир.

Олиб борилган тадқиқотимиз даврида иқтисодий адабиётларни ўрганиш “оиланинг иқтисодий барқарорлиги” тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий омиллари, фаолиятига доир жиддий тадқиқотлар ўтказилмаганлигини кўрсатади. Шу ўринда айтиш керакки, оила психологияси, оила педагогикаси, оила демографияси, социология каби фанлар доирасида ўтказилган тадқиқотларда муайян маънода оила барқарорлигини таъминлашга доир баъзи умумназарий фикрлар билдирилган. Аммо, айтиш пайтда оила барқарорлигини таъминлашга бевосита асос бўладиган, унинг иқтисодий омилларига оид назарий-услубий база ва концепция ҳам ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси

Иқтисодчи олимларнинг мавзуга доир ёндашув ва қарашларини тадқиқ этиш ҳамда уларга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш асосида мақоланинг назарий-услубий жиҳатлари, шунингдек, бозор муносабатлари шароитида оиланинг ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги ва иқтисодий барқарорлигини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида мақоланинг амалий жиҳатлари шакллантирилди. Мазкур тадқиқотни амалга оширишда социологик услуб, илмий абстракциялаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, жамиятда оиланинг қатор вазифалари мавжуд бўлиб, энг муҳим вазифаларидан бири унинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ. Шу боис ҳар қандай оила уй-рўзгордаги маиший муаммоларни ҳам-жиҳатликда ҳал этиб, ўзини-ўзи иқтисодий жиҳатдан таъминлаган тақдирдагина мустахҳам бўлиши, жа-

³ Ўлмасов А. Оила иқтисоди. –Т.: “Меҳнат”, 1998 й. – 4-б.

⁴ Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997 й. – 5-б.

миятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг фаол субъектига айланиши мумкин.

Оила жамиятнинг бирламчи ижтимоий-иқтисодий бўғини ҳисобланиб, унда аҳолининг такрор барпо бўлиши, болалар тарбияси амалга оширилади, уларни индивидуалликдан ижтимоийлашув томон ҳаракати таъминланади. Шунингдек, оилада аҳоли даромадлари шаклланиб, аъзоларининг моддий-иқтисодий ҳамда истеъмол эҳтиёжлари қондирилади.

Оиланинг яна бир муҳим вазифаси унинг демографик вазифаси бўлиб, унда авлодлар алмашуви жараёни юз беради. Ўз навбатида, авлодлар алмашуви жамиятнинг давомийлигини таъминлайди.

Ҳозирги замон оиласи ўзининг дастлабки шаклланиш давридаги ишлаб чиқариш ячейкаси сифатидаги хусусиятига эга эмас. Лекин, оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондирувчи моддий асос сифатидаги хўжалик-иқтисодий фаолиятини тўла ўзида сақлаб қолган. Ушбу фаолият натижасида оила бюджети шаклланади ҳамда ундан фойдаланиш оилавий мулкка эга бўлиш, ишга лаёқати бўлмаган оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш учун имкониятлар яратилади.

Оила фаолиятининг иккинчи соҳаси бўлган тарбиявий, демографик, ижтимоий жараён оиланинг аҳолини такрор ишлаб чиқарувчи табиий ва ижтимоий функцияси билан узвий боғлиқ. Оила ўзига хос алоҳида таъсир билан авлод тарбиясида муҳим ўрин тутаяди. Оилани ёш авлодни шахс сифа-

тида шакллантирувчи муҳим макон дейиш мумкин. Аммо, оиланинг тарбиядаги ижтимоий масъулияти унинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда турлича бўлади.


Демак, оила функциясининг нафақат маънавий-ахлоқий, тарбиявий жиҳатлари, балки, унинг ижтимоий-иқтисодий асосларини тадқиқ этиш жараёнида оилалар фаолияти ўта серқирра ва мураккаб функциялардан иборат эканлиги маълум бўлади.

Иқтисодиётдаги бозор муносабатлари билан боғлиқ ўзгаришлар оилавий муносабатларда кечадиган жараёнларга ҳам таъсир ўтказади. Ҳозирги вақтда иқтисодий адабиётларда оиланинг иқтисодий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг тўлиқ таснифи келтирилмаган.

Шу сабабдан омилларнинг батафсил таснифини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Оилага таъсир кўрсатувчи иқтисодий меъёрий, ижтимоий, демографик омилларнинг ўзаро ва биргаликдаги таъсири қуйидагилар:

- тўғридан-тўғри ёки бевосита, унинг натижасида оила мустаҳкамланади, бунда моддий фаровонлик вужудга келади (иқтисодий омил);
- билвосита, оила яшаётган шароитлар мажмуи билан боғлиқ.

Тақдим этилаётган таснифимиз муаммонинг охиригача, яъни, батамом ечимини назарда тутмайди, албатта. Бироқ, унинг ёрдамида оила иқтисодий



1-чизма. Оила иқтисодий барқарорлигини ташкил этувчи компонентлар⁶.

⁵ Эгамова Д.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида Қашқадарё вилоятида оиланинг социал-демографик хусусиятлари. Иқт.фан. номзод. дисс. – Т.:2006 й. – 14-б.

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

барқарорлиги ҳолатини аниқлаб таҳлил этиш мумкин бўлади. Шунингдек, омилар гуруҳларидаги ўзаро ички боғланишларни қайд этган ҳолда берилган тасниф “оила” яхлит тизимида оила боқувчисининг роли, оилавий коэффициентини аниқлаш имконини беради. Баҳоловчи кўрсаткичлар сифатида аҳолининг жон бошига тўғри келадиган даромадлар назарда тутилади. Биавосита (ёрдамчи) кўрсаткичлар сифатида аҳоли таркибидаги тўлиқ ва нотўлиқ оилаларнинг мавжудлиги ва ажралиш миқдорларини кўрсатиш мумкин.


Умуман олганда, тадқиқот олиб борилган даврдаги кузатишларимиз ҳамда илмий-назарий таҳлиллари умуллаштириб, “оиланинг иқтисодий барқарорлиги” тушунчасининг мазмун ва моҳиятини очишга ҳаракат қилдик. Бу боғлиқликни 1-чизмада кўришимиз мумкин.

Унга кўра, “оиланинг иқтисодий барқарорлиги” деганда ижтимоий ҳаётда оилани иқтисодий фаолиятлари натижалари давлат ва нодават ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлашлари асосида оила институтида зарурий эҳтиёжларни қондирилганлик даражасига айтилади. Албатта, оиланинг иқти-

кишилар ҳамда уларнинг ҳаёт фаолиятларининг барқарор манбаи бўлган оилаларнинг ижтимоий ҳолати, моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги, унда вояга етаётган шахсларнинг интеллектуал салоҳияти, ахлоқий баркамоллиги билан белгиланади. Шу билан бирга, оилаларнинг, айниқса, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бевосита ижтимоий муҳофаза тадбирлари орқали амалга оширилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, оилаларнинг иқтисодий таъминланганлик даражаси уч гуруҳга ажратилди:

1. Кам таъминланган оилалар. Бу тоифа оилалар, ўз навбатида, ночор, энг кам таъминланган ва нисбатан кам таъминланган оилаларга бўлинади. Ночор оилалар – бу энг минимал истеъмолни ҳам қондиришга имконияти етмайдиган, оч қолиши мумкин бўлган оилалардир. Энг кам таъминланган оилалар ночордан нисбатан яхшироқ, лекин топган даромадини фақат озиқ-овқатга сарфлайдиган оилалар. Нисбатан кам таъминланган оилалар эса барқарор даромадга эга бўлишига қарамай, истеъ-



2-чизма. Оилаларнинг иқтисодий таъминланганлик даражаси⁷.

содий барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим жиҳати давлат ва нодават ташкилотларининг оилаларни қўллаб-қувватлаши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишдаги фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг тараққий этганлик даражаси, аввало,

мол неъматларининг фақат энг зарурини қоплаш имкониятига эга бўлган оилалардир.

2. Ўртача таъминланган оилалар. Бундай тоифадаги оилалар ўз эҳтиёжини нисбатан кам таъминланган оилаларга қараганда иқтисодий жиҳатдан яхшироқ бўлиб, кунлик эҳтиёжларини ўртача қон-

⁷ Муаллиф томонидан тузилган

диришга етадиган оилалардир.

3. Нисбатан яхши таъминланган оилалар. Бундай оилаларда ўз эҳтиёжларини қондириш билан бирга даромадларининг бир қисмини турмуш фаровонлигини яхшилашга, ўқиш ва билим олиш, саёҳатга чиқиш, сиҳатгоҳларда дам олишга йўналтириш имкони ҳам туғилади.

Оиланинг иқтисодий барқарорлиги давлат ва жамиятнинг оилага бўлган муносабати таъсирида шаклланиб, ижтимоий муассасаларнинг қўллаб-қувватлашлари асосида ривожланиб боради. Энди бу жараёни кузатиш учун оиланинг иқтисодий барқарорлигига таъсир эътувчи омиллар ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқиш зарур.

Оиланинг иқтисодий барқарорлигига таъсир эътувчи омилларни ўрганишда социологик услуб кенг қўлланилади. Мазкур услуб етарли бўлмаган статистик маълумотларни тўлдириш ва тадқиқ этилаётган муаммонинг маълум даврдаги ҳолати, унинг ривожланиш қонуниятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда кишиларнинг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодаловчи энг ишончли услуб ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистонда оилалар ижтимоий муҳофазасини ўрганишга бағишланган дастлабки социологик тадқиқот иқтисодчи олима Н.Зокирова томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтказилган⁸. Социологик тадқиқотнинг мақсади кам таъминланган оилаларни давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигини аниқлашдан иборат бўлиб, мазкур тадқиқотда 1680 оила иштирок этган. Сўровда қатнашганлар ичида 53,2 фоиз респондент аёл, 46,8 фоизини эркеклар ташкил этган. Саволнома ўтказишда 41,1 фоиз аёл саволларга оила бошлиғи, 29,4 фоизига оила бошлиғининг рафиқаси жавоб берган. Респондентларнинг ўртача ёши 39 ёшни, маълумоти бўйича: олий маълумотлилар – 8,1 фоиз, ўрта техник маълумотлилар – 13,7 фоиз, ўрта маълумотлилар – 73,5 фоиз, тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотлилар – 3,2 фоиз, бошланғич маълумотлилар 0,5 фоиз, маълумоти йўқлар – 1 фоизни ташкил этган.

Анджон вилоятида ҳам оилаларнинг иқтисодий фаолияти, ижтимоий муҳофазасига доир социологик тадқиқотлар маҳаллий олимлар томонидан ўтказилган, чунончи, географ олим М.Мамажонов томонидан Анджон вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва уни яхшилаш чора-тадбирлари бўйича вилоятнинг Анджон ва Асака шаҳарлари, Анджон, Булоқбоши, Балиқчи, Олтинкўл, Марҳамат, Жалоқудуқ, Хўжабод, Шаҳрихон туманларида социологик тадқиқот ўтказилган⁹.

Анджон вилоятида оилаларнинг ижтимоий муҳофазасига доир кейинги социологик тадқиқот иқтисодчи олим С.Аъзамов томонидан ўтказилган [17]. Тадқиқотда вилоятнинг Асака ва Пахтабод туманларида истиқомат қилувчи оилалар иштирок этган. Сўров тадқиқотининг мақсади ҳимояга муҳтож бўлган болали оилаларни ижтимоий ҳимояланганлик даражасининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш бўлган. Сўровда қатнашганларнинг 5,0 фоизи 25 ёшгача бўлган, 37,0 фоизи 26-35 ёшдаги, 42,0 фоизи 36-45 ёшдаги, 16,0 фоизи эса 45 ёшдан катта ёшдаги оилалар ташкил этган.

Республикамизнинг айрим вилоятларида оилаларнинг иқтисодий барқарорлиги ва ижтимоий муҳофазаси ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган навбатдаги социологик тадқиқот бевосита диссертант томонидан Наманган, Фарғона, Анджон вилоятларининг шаҳар ва туманларида ўтказилди. Тадқиқот туманлардаги маҳалла кишлоқ кенгаши ва маҳалла идорасида сақланадиган уй хўжаликлари рўйхат китоби бўйича танлов асосида амалга оширилди.

Танловни амалга ошириш учун танлов қадами қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$k = \frac{N}{n} \quad (1.1)$$

Бу ерда: k – танлаш қадами;

N – маҳалладаги барча оилалар рўйхати бўйича сони;

N – танлов ҳажми.

Масалан, оилаларнинг умумий сони 400 та. Режага биноан 50 та оилада сўров ўтказилиши керак. Танлов қадами юқорида келтирилган формулага кўра 8 га ($k=400:50=8$) тенг. Демак, барча оилалар

⁸ Зокирова Н. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси оилалари мисолида). Иқт.фан.номз.дисс. – Т,2001. 95-98-б.

⁹ Мамажонов М. Анджон вилояти аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишнинг географик жиҳатлари. География фан.номз.дисс. – Анджон, 2004. – 116-118-б.

умумий рўйхатидан ҳар 8-оилада сўров ўтказилиши керак.

Биз юқоридаги танлов усули бўйича ҳар бир туманда 500 тадан сўров ўтказдик. Сўровда жами 2000 нафар респондент иштирок этди. Шулардан 988 нафари (49,4 фоиз) аёл, 1012 нафари (51,6 фоиз) эркеклар ташкил этди.

Тадқиқотда кенг қўлланилган услублардан яна бири тизим-таркиб усулидир. Бу усул объектнинг фақат ўзи ўрганаётган ҳодисанигина эмас, балки, бошқа каттароқ объект доирасида, биргаликда ва ўзаро алоқадорликда таҳлил қилишни назарда тутди. Оиланинг иқтисодий фаолиятини тизим-таркиб усулида тадқиқ этилганда, объект оила ҳисобланса-да, ундан каттароқ объект – аҳоли ва унинг таркибидаги миқдор ҳамда сифат ўзгаришларни ҳам ўрганиш талаб этилади.

Оилалар сони, оила даромадлари ва харажатлари, оила истеъмол таркибидаги ўзгаришларни мутолоқ сонлар ёки нисбий миқдорда ифодалашда математик услуб кенг қўлланилади. Шунингдек, оила аъзоларининг жон бошига тўғри келувчи даромад ва харажатларни ҳисоблашда ҳам бу услубдан фойдаланилади.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадлар миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$I = \frac{D}{A} \quad (1.2)$$

Бу ерда: I – аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад миқдори;

D – аҳоли даромадларининг умумий миқдори;

A – аҳоли сони.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи харажатлар миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P = \frac{R}{A} \quad (1.3)$$

Бу ерда: P – аҳоли жон бошига тўғри келувчи харажат миқдори;

R – аҳоли харажатларининг умумий миқдори;

A – аҳоли сони.

Оиланинг иқтисодий барқарорлигига оиланинг моддий аҳволи, яъни, бир боқувчига тўғри келувчи демографик юк, ишсизлик даражаси бевосита таъсир қилади.

Аҳолининг демографик юк коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W = \frac{l}{L} \cdot 100 \quad (1.4)$$

Бу ерда: W – аҳолининг демографик юк коэффициенти;

l – меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сони;

L – меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони.

Ишсизлик даражаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$I = \frac{P}{P} \cdot 100 \quad (1.5)$$

Бу ерда: I – ишсизлик даражаси;

p – ишсизлар сони;

P – ишчи кучи сони.

Оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи ҳамда унга таъсир этувчи жараёнларни ўрганишда математик, статистик, социологик, тизим-таркиб услубларидан кенг фойдаланилди.

Хулоса ва таклифлар

Оила барқарорлиги муаммосига доир юқорида эътибор қаратилган ёндашувларнинг ҳар бири ўз ўрнида муҳим аҳамиятга эга. Лекин гап турли фактларнинг реал кўринишлари ҳақида кетганда, бу каби ёндашувлар ҳар доим тўғри бўлиб чиқмайди. Шу ўринда, ўз навбатида, оила аъзоларининг оила ички ҳаёти фаолиятининг энг асосий ва муҳим турлари жараёнидаги ўзаро муносабатлари тенденцияларини ҳам қараб ўтиш ўринлидир. Бунда, фикримизча, қуйидаги энг муҳим фаолият турларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Оилада етакчилик, раҳбарлик.

Биз одатда ўзбек оилалари тўғрисида сўз юритганда, эркекнинг бош бўлишини тўғридан-тўғри оиланинг барқарорлиги шарти сифатида ўйлаймиз. Балки, халқимиз менталитети нуқтаи назаридан бу тўғридир. Аммо, етакчилик бошқа-ю, раҳбарлик бошқа. Гап эр-хотиннинг оилада ўзларининг асл ролларини ўйнагани ҳолда (эркак – инструментал ролни, аёл-экспрессив), раҳбарликни ўзаро мувофиқлаштири олишдадир.

Зеро, оилавий ҳаёт – рақобат, мусобақа макони эмас (бу кўпроқ иқтисодий, сиёсий ҳаётга хос), айнан оилада яққол устунликка эришиш ҳеч қачон яшшиликка олиб келган эмас ва шундай бўлиб қолади.

Кўпчилик демографларнинг фикрига кўра, аксарият барқарор оилалар бу “икки бошли” – демократик оилалардир. Бунинг маъноси шуки, эр-хотин баҳсли, мураккаб муаммоларни биргаликда ҳал эта-

дилар. Умуман, оила ҳаётини доимо оила етакчиси бошқара олмайди, уни маслаҳатларга, тенг муносабатларга муҳтож ҳолатлари кўп бўлади. Худди шу ҳолатни аёлга нисбатан ҳам ишлатса бўлади. Буни ўтказилаётган эконометрик ҳисоблаш натижалари ҳам исботлайди.

2. Оилада функцияларнинг тақсимланиши.

Махсус демографик адабиётларда оилавий функцияларнинг тақсимланиши ва уларни авлодлар ўртасидаги муносабатларга, жамиятга таъсири нуқтаи назаридан оилаларни хилларга ажратиб аллақачон одат тусига кирган. Оилаларнинг барча кўринишлари ўзбекларда мавжудлигини таъкидлаган ҳолда, демограф олимлар хулосаси сифатида айтиш мумкинки, оиланинг ички фаолияти жараё-

нида унинг мустаҳкам амал қилиши, ўз навбатида, қуйидаги муҳим жиҳатларга боғлиқ:

– оила аъзолари функцияларининг белгиланиши;

– оилада функциялар тақсимланишининг мавжуд қадриятларга мослиги ва ҳ.к.

Шуни таъкидлаш мумкинки, оила барқарорлиги ва оила аъзоларининг ўзаро хатти-ҳаракатлари даражаси ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, “оила барқарорлиги” тунунчасини бир сўз билан ифодалаш қийин, бунда кўрсаткичлар тизимини комплекс тадқиқ этиш зарур бўлади. Зеро, оила барқарорлигининг ўзи кўп омили ҳодисадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. –Т.: “Меҳнат”, 1998 й. – 4-б.
2. Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана. – Тошкент, 2020. – С. 72-73.
3. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: “Университет”, 1997 й. 5-б.
4. Эгамова Д.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида Қашқадарё вилоятида оиланинг социал-демографик хусусиятлари. Иқт.фан. номзод. дисс.. – Т.: 2006 й. – 14-б.
5. Бубнов Ю.М. Социологические факторы гормонизации супружеских отношений. Автореферат док. соц. наук. – М.: 1996 г. – С.6.
6. Боровский И. Экономика семьи. – Воронеж, 2003 г. – С.15.
7. Зокирова Н. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси оилалари мисолида). Иқт. фан. ном. дисс.. – Т., 2001 й. 95-98-б.
8. Мамажонов М. Андижон вилояти аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишнинг географик жиҳатлари. География фан.ном.дис. – Андижон, 2004 й. – 116-118-б.
9. Солодников В.В. Социологический анализ предразводной ситуации в молодых семьях. Автореферат диссертации канд. филос. наук. - М., 1986.
10. Малярова Н.В. Семейный конфликт как объект прикладного социологического исследования: теоритические и методические проблемы. - М., 1984 г.
11. Каримов Х.К. Социально-психологические особенности супружеских конфликтов в узбекской семье. Авторефератов канд. псих.наук. Т., 1994 г. ва бошқалар.
12. Холматова М., Муравьева Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўғасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.
13. Антонов А.И., Медков В.М. Социология семьи, М.: 1996 г. С. 51-52.
14. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 87-88 бетлар.
15. Ўзбекистон Республикаси Статистикаси.01/2020.
16. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/02/27/qashshoqlik/>

**Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодий ўсишнинг
фундаментал назарий ва услубий таҳлили**
**Фундаментальный теоретико-методологический анализ
экономического роста в условиях перехода к цифровой
экономике**
**Fundamental theoretical and methodological analysis of economic
growth in the context of the transition to a digital economy**

Мансуржон БУСТОНОВ,
Наманган муҳандислик-технология институти,
“Иқтисодиёт” кафедраси и.ф.н., доцент.

Аннотация

Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий ўсишнинг эконометрик ҳамда фундаментал назарий ва услубий таҳлили амалга оширилган.

В статье представлен эконометрический анализ экономического роста в цифровой экономике, а также фундаментальный теоретико-методологический анализ.

The article presents an econometric analysis of economic growth in the digital economy, as well as a fundamental theoretical and methodological analysis.

Иқтисодиётни эконометрик моделлаштириш нафақат ташкилий-техник томонидан, балки, уларнинг услубий ва назарий жиҳатлари бўйича ҳам мураккаб ҳисобланади. У ҳалқаро андозаларга асосланиб янги концепция ташкил этиш, амалдагиларидан самарали фойдаланиш, уни танқидий ўрганиш ва модернизация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, прогноз қилишни талаб этади. Ҳодисалар ўртасидаги баҳолашни ифода этувчи статистик моделларни қуриш вақтда корреляцион ва регрессион таҳлил методига катта эътибор берилмоқда.

Корреляцион ва регрессион таҳлил методи бевосита эконометрик моделлаштириш асосида амалга оширилади ва унинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

– тадқиқот мақсадни шакллантириш (тадқиқот объектини таҳлил қилиш, прогноз, ривожланти-

ришнинг имитацияси, бошқарув қарори ва ҳ.к) моделнинг иқтисодий ўзгарувчиларини аниқлаш;

– ўрганилаётган иқтисодий ҳодисани таҳлил қилиш, моделлаштириш бошлангунга қадар маълум бўлган ахборотни шакллантириш;

– иқтисодий моделнинг тури аниқланади, ўзгарувчилар ўртасида ўзаро боғлиқлик математик шаклда ифодланади, моделнинг дастлабки шартлари ва чекловчилари ифодланади ҳамда албатта, ушбу босқичлар қаторида зарур статистик ахборотлар тўпланади.

Шундай бўлса-да, тадқиқотда дастлаб Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг 2000-2020 йиллардаги статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда экстенсив ўсишнинг эконометрик таҳлили амалга оширамыз. Бунинг учун мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми – УИМнинг асосий капиталга

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, эконометрик таҳлил, фундаментал назарий ва услубий таҳлил.

инвестициялар – АКІ, иқтисодиёт тармоқларида асосий фондлар қиймати – АFQ, иқтисодиётда бандлар сони – ІBS, иқтисодиётда фаолият кўрсатётган корхона ва ташкилотлар сони – KС ва мавжуд табиий ресурслардан олинган даромад – TRD омиллари таъсири натижасида ўзгаришини эконометрик таҳлил қиламиз. Бу борада албатта, таъсир этувчи омиллари тўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун улар ўртасидаги корреляция коэффициентлари аниқланади. Ялпи ички маҳсулот ҳажми – YIM омилга нисбатан асосий капиталга инвестициялар – АКІ ($r_{YIM,AKI}=0,97429$), иқтисодиёт тармоқларида асосий фондлар қиймати – АFQ ($r_{YIM,AFQ}=0,974436$), иқтисодиётда бандлар сони – ІBS ($r_{YIM,IBS}=0,81908$), фаолият кўрсатётган корхона ва ташкилотлар сони – KС ($r_{YIM,KS}=0,97429$) кучли зичликда ва мавжуд табиий ресурслардан олинган даромад – TRD ($r_{YIM,AKI}=-0,20284$) кучсиз тескари боғланганлигини кўриш мумкин.

Коэффициентлардан фойдаланган ҳолда дастлаб чизиқли логорифмик тенглама аниқланади ва у куйидагича ифодланади:

$$\begin{aligned} LnYIM = & -0.38635173LnAKI + \\ & + 0.474LnAFQ + 8.456LnIBS + \\ & + 1.05LnKS + 0.067LnTRD - 75.45 \end{aligned} \quad (1)$$

Математика қоидаларига ва ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил қилинган 1-регрессия тенгламасини потенцирлаб олинади ва унга кўра куйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$YIM = \frac{AFQ^{0.474} * IBS^{8.456} * KS^{1.05} * TRD^{0.067}}{AKI^{0.38635173} * 75.45} \quad (1^*)$$

Аниқданган 1*-регрессия тенгламасига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, агар иқтисодиёт тармоқларида асосий фондлар қиймати ва мавжуд табиий ресурслардан олинган даромад ҳажмини 1 млрд. сўмга оширишни кўзда тутадиган бўлсак, у ҳолда ялпи ички маҳсулот ҳажми қўшимча, мос равишда 0,3 млрд. сўм ва 1481,4 млрд. сўм, агар ҳозирги кунда мамлакатда иқтисодиётда бандлар сонини ва фаолият кўрсатётган корхона ҳамда ташкилотлар сонини мингтага оширилса, мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми қўшимча мос равишда 45,8 млрд. сўм ва 1560,2 млрд. сўмга ошириш мумкин. Шунини

таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатда инвестицияга тўйинган бўлиб асосий капиталга инвестициялар ҳажмини 1 млрд. сўмга қисқартириш мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини қўшимча 1,3 млрд. сўмга ошишига олиб келиши аниқланди.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омиллари сифат жиҳатидан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалдан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Интенсив ўсиш модели бир қатор янги тавсифларга, хусусиятларга ва устунликларга эга:

– иқтисодиёт ўсишининг бир мунча қийин усули бўлиб, унда илмий-техник ривожланиш ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шунга мувофиқ, у ишлаб чиқариш кучлари, техника, технологияларнинг юқори даражада ўсишини ва ходимларнинг юқори маълумотини ва мутахассислигини назарда тутаяди;

– иқтисодиётнинг айнан мана шу ўсиш усули ресурсларнинг чегараланганлик муаммосини ҳал этиш имконини беради. Бу эса, айнан мана шу усулда иқтисодиёт ўсишининг асосий манбаларидан бири бўлиб ресурсларни тежаш, ҳисобланади, бу жамият учун ресурслар ўсишига қараганда бир мунча арзонга тушади.

Натижавий YIM – омилга нисбатан меҳнат унумдорлиги – MU ($r_{YIM,MU}=0,999583$), капитал унумдорлиги – KU ($r_{YIM,KU}=0,869922$), илмий тадқиқот ва ишланмаларга харажат – ІТХ ($r_{YIM,ITX}=0,936813$) омиллари кучли зичликда тўғри боғланган ва олий ўқув юртини тамомлаганлар сони – OMS ($r_{YIM,OMS}=-0,508543$) омили натижавий омилга нисбатан ўртача зичликда тескари боғланганлиги аниқланди. Танланган омилар ўртасида хусусий корреляция коэффициентига эътибор қаратадиган бўлсак, $r_{x1,x2} < 0,8$ шартга кўра мультиколлинеарлик мавжуд эмас, аммо, олий ўқув юртини тамомлаганлар сони барча омилар билан тескари боғланганлигини кўриш мумкин.

Интенсив иқтисодий ўсиш модели қийматларига кўра асосан, MAPE=0,1015 бўлиб, бу, ўз навбатида, MAPE=0,1015<10% шарт бажарилганли-

гидан прогноз аниқлиги юқори ва ўз навбатида $TIC=0,000607 < 1$ коэффицентни шунчалик ногла интилишидан аниқланадиган тенглама параметрларининг барчаси аҳамиятли. $=0,05$ ва $k_1=16$; $k_2=4$ бўлганда $F_{жад} = 5.844117$ га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати $F_{хис} = 54529.1$ тенглигидан $F_{жад} < F_{хис}$ шартга биноан 3^* -регрессия тенграмаси ҳам аҳамиятли ва $DW=1.987$ тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенграманинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади. Барча параметрларнинг аҳамиятлигини эътиборга олган ҳолда жадвалда келтирилган коэффицентларга асосланиб қуйидаги чизиқли тенглама ҳосил қилинади:

$$\begin{aligned} \ln YIM = & 1.4031 \ln MU + 0.04 \ln KU - \\ & - 0.03412024 \ln ITX - 0.06 \ln OMS + 1.332 \end{aligned} \quad (2)$$

Ҳосил қилинган чизиқли логорифмик 2-тенграмани логорифмик тенграмалар хусусияти ва хоссаларидан келиб чиққан ҳолда потенциалланади:

$$YIM = \frac{MU^{1.4031} * KU^{0.04} * e^{1.332}}{ITX^{0.03412024} * OMS^{0.06}} \quad (2^*)$$

Ушбу интенсив ўсиш бўйича аниқланган 2^* -регрессия тенграмасига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда меҳнат унумдорлигини минг сўмга ва капитал унумдорлигини 1 миллион сўмга оширишга эришилса, ялпи ички маҳсулот ҳажми мосравишда қўшимча 15,2 минг сўм ва 40,3 млн. сўмга ошириш ҳамда илмий тадқиқот ишланмаларига ҳаражатларни 1 млрд. сўмга камайтирилса, 15,5 млрд. сўмга ошишини таъминлашлиги аниқланди. Бу ҳолат ўз навбатида, мамлакатда илмий тадқиқот ишланмаларини амалиётга жорий этишни камлиги ва бунинг натижасида

уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини пастлиги билан изоҳлаш мумкин (мавжуд ишланмаларни имкон қадар кўпроқ тижоратлаштириш ишларини ва уларни йўлга қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим).

Ҳозирги кунда мамлакатда олий ўқув юрлари битирувчиларининг кўпайиб бораётганлиги мамлакат иқтисодиётини интенсив ўсишига салбий таъсир этаётганлиги бу, ўз навбатида, битирувчиларни иш билан таъминлаш лозимлигини келтириб чиқаради. Чунки, олий маълумотли мутахассисларнинг иш билан таъминлаш натижаси ҳар минг нафар олий маълумотли мутахассисларни ишга жойланиб фаолият олиб бориши ялпи ички маҳсулот ҳажмини 450,3 млрд. сўмга қўшимча ошишига олиб келиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аҳоли ўртасида олий маълумотлилар сони ўсишининг юқори суръатлари, иқтисодий ўсиш учун зарарли эмас балки, фойдалидир, чунки, иқтисодиёт кўпроқ одамларни тадқиқотга жалб қилишга имкон беради. Ушбу турдаги эндоген ўсиш модели ишлаб чиқаришда ишлатиладиган барча киришларга нисбатан шкалага қайтишнинг ўсишини кўрсатади. Ўрта товарлар соҳасида рақобат йўқлиги сабабли ихтирочилар даромадни оралиқ товар ишлаб чиқарувчиларга патент ҳуқуқларини сотиш орқали олишлари мумкин. Тадқиқотларнинг патент ҳуқуқлари ёки тадқиқотчиларга бериладиган субсидиялари нуқтаи назардан ҳимоя қилиниши энг мақбул ҳолга айланади, чунки, тадқиқот бутун иқтисодиётда билим захирасини кўпайтириш орқали самарадорликни оширади. Бу эса, ўз навбатида, интенсив ўсишни таъминлашда олий маълумотлилар сони билан ишланмалар ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Паньшин Б. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития / Б. Паньшин // Наука и инновации. 2016 г. – Т. 3. № 157. – С. 17-20.
2. Бухт Р., Хикс Р. (2018) Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. Т. 13. № 2. С. 143–172 (на русском и английском языках). DOI: 10.17323/1996-7845-2018-02-07.
3. Baller S., Dutta S., Lanvin B. The Global Information Technology Report 2016. Innovating in the Digital Economy. Geneva: World Economic Forum, 2016. 47 p. URL: <https://www.wsf.com/public/resources/documents/GITR2016.pdf>

УЎТ: 336.145.2

Ўзбекистон республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш

Совершенствование системы управления государственными финансами Республики Узбекистан

Improving the public financial management system of the Republic of Uzbekistan

Одилжон КАМОЛОВ,
и.ф.н.
Насрулло ТИЛАБОВ,
и.ф.н., ТДИУ “Молия” кафедраси доцентлари.

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган ва таҳлил этилган.

В статье рассматриваются и анализируются вопросы совершенствования системы управления государственными финансами в Узбекистане.

This article discusses and analyzes the issues of improving the system of public financial management in Uzbekistan.

Бугунги кунда давлат молияси тўғрисида жамоатчиликка кенг қамровли маълумотлар бериш ва шаффофликни таъминлаш, самарадорлик ва натижадорликка босқичма-босқич эришишга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатига ўтиш учун стратегик ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш каби йўналишлар бўйича кенг қамровли тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти

ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди [3].

Ўзбекистонда давлатнинг стратегик мақсадларига эришиш учун йўналтирилган ислохотларни давлат молиясини бошқаришни такомиллаштиришга асосланган ҳолда амалга ошириш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини ҳамда фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга ошириляётганлиги, шу жумладан, Давлат бюджети Парламент томонидан тасдиқланиши, “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри чоп этилиши, Openbudget.uz ахборот портали ишга туширилиши, Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотлар миллий ҳамда Халқаро

Калит сўзлар: давлат молияси, бюджет, даромад, харажат, пандемия, стратегия, солиқ, шаффофлик, самарадорлик, давлат харидлари, прогноз, парламент, трансферт.

валюта жамғармасининг Давлат молиявий статистикаси (GFS) стандартларига мувофиқ эълон қилинишига қарамасдан, Давлат молиясини бошқаришни янада такомиллаштиришни талаб этадиган бир қатор йўналишлари мавжуд. Яъни,

- давлат молиясини бошқариш тизимида давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли мақсадларига эришиш борасида стратегик ўрта муддатли истиқболларини белгилаш;

- бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг ҳисобини алоҳида юритиш, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағларини консолидациялашган бюджетда акс этириш;

- маҳаллий бюджетларни мустақил равишда белгилаш имконини берадиган бюджетлараро трансфертларни ҳисоблашнинг шаффоф услубиятини ишлаб чиқиш;

- давлат харидлари ва инвестицияларини бошқариш самарадорлигини ошириш, давлат қарзини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, давлат активлари ва мажбуриятларини бошқариш учун мавжуд таваккалчиликларни баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда бюджет тизимини ўрта ва узоқ муддатли молиялаштиришга ўтказиш бўйича ишлар анча олдин бошланган ва бугунги кунда янада авж олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда. Бюджетни ўрта ва узоқ муддатга режалаштириш ҳақида гап борганда кўп ҳолларда асосан иккита масалага яъни, бюджетнинг даромадлар қисмини таъминлаб берадиган иқтисодий ўсиш ва унинг барқарор бўлиши ҳамда харажатларнинг натижадор бўлиши ҳақида фикрлар билдирилади. Чунки, бюджетни ўрта ва узоқ муддатга тузилиши зарурияти, аввало, давлат олдига қўйилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифасини узоқ муддатли жараён эканлигидан келиб чиқади. Худди узоқ ва ўрта муддатли режалаштириш каби натижага йўналтирилган бюджетлаштириш ёки дастурий-мақсадли молиялаштиришга ўтиш ҳам кўп йиллардан бери мамлакатимиз бюджет тизими кун тартибидаги масаладир. Бунда алоҳида эътибор бериладиган масала шундан иборатки, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришга ўтиш учун бюджетни ўрта ва узоқ муддатли режалаштириш механизмлари бўлиши кераклиги таъкидланиб келинади.

Агарда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (дастурий-мақсадли молиялаштириш) тизими

ёки унинг элементлари бўлмаса, бюджетни ўрта ва узоқ муддатга режалаштиришнинг мантиқий асослари йўқолади. Яъни, бюджетни ўрта ва узоқ муддатга режалаштириш айнан натижаларга эришишни таъминлашга қаратилган чоралардан биридир.

Мамлакатимизда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижаларни баҳолаш индикаторларига келганда мураккабликларга дуч келаётгани, бу масала айниқса ижтимоий йўналтирилган бюджет шароитида муаммога айлангани сир эмас. Лекин фикримизча аввало, бюджет маблағларини натижага йўналтиришдан олдин ушбу натижаларга эришилишидан мақсадларни аниқлаб олиш лозим. Ҳар қандай натижа маълум бир мақсадларни рўёбга чиқариши лозим. Шу маънода бюджетни натижадорлигини таъминлаш ва ошириш учун уни ўрта ва узоқ муддатга режалаштиришдан олдин бу натижаларга эришишдан қандай мақсадларни кўзлаганимизни аниқлаб олишимиз лозим бўлади. Агарда бу мақсадлар халқаро ҳамжамият мақсадлари билан ҳамоҳанг бўлса нур устига аъло нур бўлар эди.

Бюджетни режалаштиришнинг амалдаги тизимида стратегик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги бюджет маблағларини солиқ-бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари ва Давлат бюджетининг молиявий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаш имкониятини чеклайди. Бу эса, ўз навбатида, бюджет мажбуриятларининг мантиқсиз ўсишига ва ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги етарли даражада назорат қилинмаслигига олиб келади.

Давлат сиёсатининг ўрта ва узоқ муддатли мақсадларини қўллаб-қувватлаш ва унга эришиш талабларига жавоб берадиган самарали давлат молиясини бошқариш тизимини яратиш мақсадида “молия йили давомида молиявий ресурсларнинг етарлилигини баҳолаш” тамойилидан “қабул қилинаётган сиёсий қарорларнинг ўрта ва узоқ муддатли оқибатларини ва ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигини баҳолаш” тамойилига ўтишни назарда тутувчи стратегик ёндашувни солиқ-бюджет сиёсати доирасида кенг жорий этиш зарур.

Тўлақонли ўрта муддатли бюджетли режалаштиришга ўтиш мақсадида солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ва Давлат бюджетини ўрта муддатли даврга тайёрлаш тамойилларини, аниқ мақсадлар ва уларга эришиш муддатларини белгиловчи ҳамда фискал таваккалчиликлар таҳлили ҳи-


собга олинган ҳолда ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш механизмини амалга ошириш чораларини кўриш зарур.

Шу билан бирга, солиқ-бюджет прогнозларини тайёрлашда давлат органлари томонидан фойдаланиладиган ўрта муддатли макроиқтисодий прогнозлар ишончилигини ошириш чораларини кўриш ва бу маълумотларни ҳисобот даври якунлари бўйича ҳақиқий кўрсаткичлар билан таққослаш орқали баҳолаб бориш лозим.

Бюджет жараёни босқичлари (Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларини тайёрлаш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш) бюджетни ўрта муддатли режалаштиришга ўтилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг назорат функциялари, Молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг (бюджет маблағларини тақсимловчилар) роли ва функционал вазифалари қайта тақсимланиши муносабати билан қайта кўриб чиқилади [2].

Бунда, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга дастлабки бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чегараланган миқдорларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан етказиш орқали мазкур ажратиётган маблағларнинг Ҳукумат томонидан белгиланган устувор йўналишларга мувофиқлиги ҳамда тақдим этиладиган бюджет сўровларининг сифат даражасининг ошишига эришиш кўзда тутилмоқда.

мақсадлар 17 тани ташкил этиб, мақсадлар таркибида 169 та вазифа ва уларни бажарилишини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш учун фойдаланиладиган 244 та индикаторлардан иборат. Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар, жумладан, барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ташаббуслар ҳам доимо қўллаб-қувватланиб келинган. Хусусан, мамлакатимизда барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида миллий мақсадларни белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, мамлакатимизда миллий барқарор ривожланиш мақсадлари белгилаб олинди ва улар умумий сони 16 тани ташкил этади ҳамда уларга эришиш учун 124 та вазифалар танлаб олинган. Шунингдек, кейинчалик ушбу вазифаларни бажарилишини мониторинг қилиш учун ишчи гуруҳи томонидан 206 та индикаторлар шакллантирилди. Айнан ушбу индикаторлардан мамлакатимиз бюджет тизимида ўрта ва узоқ муддатларда натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда фойдаланилиши мумкин. Бунинг учун дастлабки қадамлар қўйилди дейишимиз мумкин. Жумладан, мамлакатимизда айнан 2019 йил учун тасдиқланган давлат бюджети бўйича давлат бюджети ҳаражатларининг барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ-



1-чизма. Барқарор ривожланиш миллий мақсадларининг давлат бюджетидан молиялаштирилиши [1].

Мамлакатларнинг мақсадлари турли хил бўлсада, бугунги кунда унинг энг зарурлари БМТ томонидан жамланиб “барқарор ривожланиш мақсадлари” номи остида тартиб этиб келинмоқда. Ушбу

лиги таҳлили амалга оширилди ва у 71,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса натижага йўналтирилган бюджетлаштиришга ўтишда барқарор ривожланиш мақсадларидан фойдаланиш мумкинлигини камида

71,5 фоизга исботламоқда.

Мамлакатимизда давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадлари билан боғлиқлиги бўйича таълим соҳаси етакчилик қилмоқда. Барқарор ривожланиш миллий мақсадларига боғланган харажатлар бўйича унинг жами бюджетга нисбатан улуши 26,6 фоизни, барқарор ривожланиш мақсадларининг умумий улушидаги (71,5 фоиз)даги қисми 37,2 фоизни ташкил қилмоқда. Кейинги ўринда соғлиқ ва фаровонликка харажатлар бўлиб, уларнинг улуши 11 фоизни, барқарор ривожланиш мақсадларининг умумий улушидаги (71,5 фоиз)даги қисми эса 15,3 фоизни ташкил қилган (1-чизма).

Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторларидан фойдаланиш нафақат натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни амалга оширишга балки, бюджет харажатларининг нечоғли глобал мақсадларга мослигини ҳамда кутилаётган натижаларга эришишнинг бошқа йўллари бўйича ҳам маълумот бериши, яъни “тўғри йўлда эканлигимизни баҳолашга” ёрдам бериши мумкин.

Давлат молиясини бошқариш тизимида самарали тизимли ислохотларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- давлат молияси тўғрисида ишончли, шаффоф, долзарб ва мuddатли комплекс маълумотлар мавжуд бўлади;
- ўрта мuddатли бюджетни режалаштириш тўлақонли татбиқ этилади;
- ўрта мuddатли истиқболда макрофискал прогнозлаш ва таҳлил қилишнинг барқарор ва башорат қилинадиган тизими яратилади;
- маҳаллий бюджет параметрларини шакллантириш ва тасдиқлаш жараёнида вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари ва мустақиллиги кенгайтирилади, ўз навбатида, уларнинг масъулияти сезиларли даражада оширилади;

тириш ва тасдиқлаш жараёнида вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари ва мустақиллиги кенгайтирилади, ўз навбатида, уларнинг масъулияти сезиларли даражада оширилади;

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига мос равишда бюджет маблағларини тақсимлаш самарадорлиги оширилади, солиқ-бюджет сиёсатининг мақсадларига эришишнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашнинг сон ҳамда сифат кўрсаткичлари жорий этилади.

Давлат бюджети ижроси жараёнида эса қуйидаги самарадорликка эришиш мумкин:

- давлат инвестицияларининг самарадорлиги ва бошқарилиши яхшиланади;
 - давлат молия тизимининг барқарорлиги мустаҳкамланади, солиқ-бюджет таваккалчиликлари ишончли баҳоланади ва минималлаштирилади;
 - давлат қарзини самарали бошқариш тизими жорий этилади;
 - бюджет жараёнида жамоатчилик ва фуқаролар иштирокини кенг фаоллаштириш учун бюджет маълумотларининг ошкоралик даражаси оширилади;
 - самарали электрон давлат харидлари тизими жорий этилади;
 - халқаро молия институтларининг рейтинг ва индексларида Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланади.
- Юқорида қайд этилган мақсадлар мантиқий кетма-кетликдан келиб чиқиб шаклланади. Аксарият соҳаларда асосий эътибор амалдаги давлат молиясини бошқариш тизимининг базавий элементларини ёки услубиётини такомиллаштиришга қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ЎРҚ-589, 09.12.2019 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 24 августдаги 506-сон Қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Мамлакат Президентининг Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2021 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар хусусида Олий Мажлисга мурожаатномаси. 29.12.2020 й.

УЎТ: 65.014.1

Блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали уй-жой фонди молиявий бошқаруви самарадорлигини ошириш Повышение эффективности финансового управления жилищными фондами при использовании блокчейн-технологии Improving the efficiency of financial management of housing stocks using blockchain technology

Дилфуза БЕРДИЕВА,
Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти, PhD.

Аннотация

Мазкур мақола уй-жой фонди молиявий бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти “рақамли бошқарув”, “ақилли бошқарув шартномаси”, “рақамли шартнома” технологияларини ҳамда молиявий харажатларни оптималлаштириш, молиявий зарарлар ҳажмини камайтириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион харажатларини мувофиқлаштиришда мақсадли технологияларни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар мавжуд услубий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Научная и практическая значимость результатов исследований по повышению эффективности финансового управления жилищным фондом заключается в оптимизации технологий «цифрового управления», «умный договор управления», «цифровой контракта» и финансовых затрат, снижения финансовых потерь, производства, рекомендаций. Разработанные для применения целевых технологий при согласовании административных и операционных затрат, объясняются тем, что они служат для улучшения существующей методологической базы.

The scientific and practical significance of the results of research on improving the efficiency of financial management of housing stock is the optimization of «digital management», «smart contract management», “digital contract” technologies and financial costs, reducing financial losses, production, The developed recommendations on the use of targeted technologies in the coordination of administrative and operating costs are explained by the fact that they serve to improve the existing methodological framework.

Кириш

Жаҳонда уй-жой фонди бошқаруви молиявий хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада замонавий технологиялар, жумладан, блокчейн технологиясига муҳим восита сифатида қаралмоқда. Жаҳон иқтисодиёти форуми прогнозига кўра “соҳаларда айнан блокчейн

технологиясини қўллаш орқали 2030 йил охирига келиб трансегаравий ҳисоб-китоб операциялари бўйича 27 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағни тежаш имконига эришилиб, Блок-занжирли операциялардаги маъмурий ва операцион харажатлар 11 фоиздан ортиқ қисқариши прогноз қилинмоқда”¹. Бу ҳолат янги молиявий давр бошла-

Калит сўзлар: блокчейн модели, молиявий харажатлар, уй-жой мулкдорлари, молиявий рисклар, электрон онлайн платформа, комиссия шартномаси, дебитор ва кредитор қарздорликлари, смарт бошқариш шартномаси.

ниши бўлиб, шу жиҳатдан замонавий технологиялар, жумладан, “Блокчейн” моделдан фойдаланиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда уй-жой фонди молиявий бошқаруви фаолиятини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, 2030 йилгача бўлган даврда улар фаолиятини рақамлаштиришни босқичма-босқич жорий этиш, бу жараёнда замонавий молиявий моделлардан фойдаланиш орқали молиявий бошқаруви хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларда кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Иқтисодийнинг реал сектори корпоратив тузилмаларида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш, корпоратив тузилмаларнинг молиявий бошқарувини замонавий телекоммуникация инфратузилмаси, алоқа технологияси, электрон тижорат ва дастурий таъминот бозорининг фаол иштирокчига айлантириш ҳамда рақамли иқтисодий ташкил этиш”² каби вазифалар белгиланган. Бу молиявий-иқтисодий секторни рақамлаштириш, жумладан, блокчейн моделдан фойдаланиш асосида уй-жой фонди бошқарувида молиявий хавфсизликни таъминлаш, бошқарув компанияларининг бошқарув жараёнида молиявий харажатларни оптималлаштириш, молиявий зарарлар ҳажми ва молиявий рискларни

бошқаруви самарадорлигини оширишда блокчейн технологиясидан фойдаланиш имкониятларини баҳолашда турлича назарий ва амалий ёндашувлар шаклланишига эришилди. Хусусан Э.В. Талапина уй-жой фонди анъанавий бошқарувида кўплаб муаммоларни юзага келишини, бошқарув жараёнида шаффофлик ва аниқлик тамойилларининг мавжуд эмаслиги коррупция ҳамда маъмурий харажатларнинг ошишига олиб келишини тизимдаги мавжуд монопол корхоналарнинг фаолияти учун самарасиз эканлиги билан изоҳлайди [1].

О.Н. Байсеркеев ўз илмий тадқиқотида “блокчейн” соҳанинг ривожланиш имкониятларини, хусусан, бошқарувчилар, ходимлар иши самарадорлигини баҳолаш орқали уларни рағбатлантиришга қандай эришиш мумкинлигини кўрсатади [2].

Блокчейннинг тақсимланган маълумотлар базасини ташкил этиш тизими, юқорида айтиб ўтилганидек, уй-жой фонди молиявий бошқарувида харажатларни сезиларли даражада оптималлаштириш ва шу билан операциялар самарадорлигини оширишга имкон беради (1-чизма).

Иқтисодий самарага бошқарув фаолияти жараёнида вужудга келадиган битимлар кам харажат қилишига эришилади, чунки, воситачилик хизматларининг мажбуриятлари ва қиймати бундан му-



1-чизма. Уй-жой фонди молиявий бошқарувида блокчейн технологиясини қўллаш орқали эришиладиган самара³.

камайтириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотлар кўлимини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунга келиб уй-жой фонди молиявий

стасно бўлади. Шу билан бирга, мажбуриятларни бекор қилиш натижасида инвестиция қилинган бюджет даромадлари битимлар сонининг кўпайи-

¹ Coinbazz.com/2018/08/06/blockchain

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон; 31.10.2020 й., 06/20/6099/1450-сон; 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон).

ши билан қопланади. Бундан ташқари, иш ҳақини камайтириш ҳам мумкин, чунки, ушбу технологиядан фойдаланганда битим муддати сезиларли даражада камаяди.

Уй-жой фонди бошқарувида блокчейн технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш шартлари таҳлили барқарор ҳуқуқий ва технологик базасиз ушбу технологияга ўтиш салбий иқтисодий самарага, яъни, молиявий йўқотишларга, шу-

зорат қилиб бориш, хизмат сифати назорати узлуксизлигини таъминлаш, дебитор ва кредитор қарздорликни доимий мониторингини амалга ошириш, маълумотлар базасини шакллантириш орқали келгуси даврларга мўлжалланган илмий прогнозларни ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш мумкин.

Агар “Смарт бошқарув шартномаси” ни тузишда блокчейн технологиясидан фойдаланилса, ошко-



3-чизма. Блокчейн технологияси асосида бошқарув компаниялари ва мулкдорлар ўртасидаги “Ақилли бошқарув шартномаси” схемаси⁴.

нингдек, салбий ҳолатларга, ижтимоий таъсирга, ахборот платформасига ишончининг пасайиши ва йўқолишига олиб келиши мумкин деган хулосага келиши билан намоён бўлади [3]. Блокчейн технологияси 24-7-365 форматда узлуксиз фаолият олиб бориши ҳамда коммунал хизматларига молиявий ўтказмаларнинг бир неча сонияда манзилига етиб бориши, бошқарув компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ўртасидаги молиявий бошқарув тизимини самарали амалга ошириш узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, бошқарувда блокчейн технологиясига асосланган “ақилли бошқарув шартномаси”дан фойдаланиш орқали сохталаштиришларни олди олиниб, хизматлар сифати ва таннархини узлуксиз мониторинг қилиш имконияти яратилади. Блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали бошқарув компаниялари томонидан кўрсатиладиган хизматлар таннархини доимий на-

ралик принципи юқори даражада амалга оширилади. Мулкдор онлайн хизмати орқали тўловларни амалга ошириши орқали, қайси ташкилотга қанча маблағ ўтказиши ва етказиб берувчи ташкилот ўтказмани олганлигини кўриб туради (3-чизмада). Уй-жой коммунал хизматларини амалга оширишда аҳолининг ҳисоб-китоб харажатлари камаяди. Бу уй-жой коммунал хизматлари бозори иштирокчилари ўртасида шаффофлик ва очиқлик принципини амалга оширишга имкон беради, шунингдек, кўп қаватли уйни бошқариш учун ташкилий харажатларни камайтиради.

Масалан: марказлашган ҳисобхона ташкил қилинмасдан олдин ҳар бир ширкат ўз ҳисобчисига ўрта ҳисобда 450000 сўм иш ҳақи ҳисоблаган.

1-жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, жами бўлиб бир ойга 2327 та ширкат ҳисобчиси жами 1 ойда ойлик маоши ҳисоби 1 047150 минг сўмни

³ Муаллиф томонидан тайёрланган.

⁴ Муаллиф томонидан тайёрланган.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари марказлашмаган ва марказлашган бухгалтерия тизимида ҳисоб-китоби⁵

т/р	Кўрсаткичлар	Формула	2020 йил
Марказлашмаган бухгалтерия ҳисоб-китоби			
1	Тошкент шаҳардаги УМШлар сони (дона)	(a)	2327
2	Ҳисоб-китоб маркази ташкил этилгунча ойлик маоши (сўмда)	(b)	450 000
3	УМШ ўз ҳисобчисига жами 1 ойда ойлик маоши ҳисоби (минг сўмда)	(c = a*b)	1 047 150
4	УМШ ўз ҳисобчисига жами 1 йилда ойлик маоши ҳисоби (минг сўмда)	(d = c*12 ой)	12 565 800
Марказлашган бухгалтерия ҳисоб-китоби			
1	Тошкент шаҳардаги УМШлар сони (дона)	(a)	2327
2	Ягона ҳисоб-китоб маркази ташкил этилгандан сўнг бухгалтерия хизматлари учун бир ойда ўрта ҳисобда (сўм)	(e)	262 000
3	УМШ ўз ҳисобчисига жами 1 ойда ойлик маоши ҳисоби (минг сўмда)	(j = a*e)	609 674
4	УМШ ўз ҳисобчисига жами 1 йилда ойлик маоши ҳисоби (минг сўмда)	(i = j* 12 ой)	7 316 088
Тежаладиган маъмурий харажатлар			
5	Ҳисоб-китоб маркази ташкил этилгандан кейинги УМШларда йилига тежаладиган маъмурий харажатлар фарқи (минг сўм)	(k = d - i)	5 249 712
9	УМШда 1 йилда ўртача тежаладиган маъмурий харажатларнинг фойздаги улуши (%)	m = (i / d) * 100%	58,2
10	УМШда 1 йилда ўртача тежаладиган маъмурий харажатларнинг фойздаги улуши (%)	n = 100% - m	41,8

ташкил этади. Ҳисобхона ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ширкат марказлашган ҳисобхона бухгалтерия хизматлари учун бир ойда ўрта ҳисобда 262000 сўмдан тўланади, бир ойда жами 2327 та ширкат 609 674 минг сўмни ташкил этади. Ширкатларда 1 йилда ўртача тежаладиган маъмурий харажатларнинг фойздаги улуши 41,8 фоизга камаймоқда. Бундай вазиятда бир йилга жами ширкатлар бўйича 5 249 712 минг сўм маблағ тежалади. Демак, битта бошқарув компания ўртача 105-110 тагача ширкатларга хизмат кўрсатадиган бўлса, натижада бундай бошқарув компания ўзининг маъмурий харажатларини 3,5 фоизли пунктга пасайтиришга эришади.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларида маъмурий харажатларни камайтиришда бошқарув компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда кўп квартиралли уйларни бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, кўп квартиралли уйларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар бўйича ҳисоб-китоб ишларини юритишда очиқлик ва шаффоликни таъминлаш учун махсус электрон платформа яратиш юзасидан берган

таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 январдаги 67-рақамли “Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорида инobatта олиниб, мазкур қарорга мувофиқ “Ягона ҳисоб-китоб маркази” Давлат унитар корхоналари томонидан уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва профессионал бошқарув ташкилотларига ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш учун “Обод уй” электрон ахборот платформаси яратилди (Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 04/03-4686-сон маълумотномаси). Натижада, фаолият юритаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан амалга оширилаётган маъмурий харажатлар улуши 2019 йилда 3,5 фоизли пунктга пасайтирилишига эришилди [4].

Хулоса қилиб айтганда, уй-жой фонди молиявий бошқаруви самарадорлигини оширишда блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали келгусида блокчейн технологиясидан уй-жой фонди бошқарув тузилмалар молиявий-хўжалик фаолиятлари

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

давомида фойдаланиш орқали контрагентлар билан доимий узвий онлайн алоқада бўлишга; келгуси даврга мўлжалланган молиявий прогнозларни юқори эҳтимолик даражаси билан башорат қилишга; молиявий опрецияларни амалга ошириш давомида инсон омилини чеклашга ва бу орқали корруп-

цион схемаларга барҳам беришга; уй-жой фонди молиявий бошқарув жараёнида молиявий назорат тизимини йўлга қўйиш харажатларини оптималлаштиришда ҳамда молиявий хавфсизлик даражаси рейтингини шакллантириб боришда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелда “2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2922-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3177393>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 январда “Кўп квартирали уйлари бошқариш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 67-сонли қарори.
3. Бердиева Д.А. Уй-жой фонди молиявий бошқаруви механизми самарадорлигини ошириш. Автореферат. Тошкент. 2021 й. 54 б. [3, 4]
4. Алтиев Қ.С. Корпоратив тузилмаларнинг молиявий хавфсизлигини оширишда “блокчейн” моделидан фойдаланиш имкониятлари. Автореферат. Тошкент. 2021 й. 32 б.
5. Талапина Э.В. Применение блокчейна в государственном управлении: перспективы правового регулирования. // Вопросы государственного и муниципального управления. 2020. № 3. 96-113 стр. [1]
6. <https://vgmu.hse.ru/data/2020/09/30/1369439908/Тапалина.pdf>
7. Байсеркеев О.Н. Технология блокчейн в менеджменте. // <https://bonmgt.kz/novosti> // https://bonmgt.kz/f/19_tehnologiya_blokchein_v_menedzhmente.pdf. [2]

Тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги таркибий ўзгаришлар динамикаси

Dynamics of structural changes in the export of textile products

Динамика структурных изменений экспорта текстильных изделий

Файёза БАЗАРОВА,
Тошкент молия институти доценти в.б.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати маҳсулотларини экспорт қилиш динамикаси, улар экспортининг географик таркиби ва ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинган. Миллий иқтисодиёт таркиби ҳамда экспорт йўналишларини диверсификациялаш зарурати ва имкониятларига баҳо берилган. Қийёслаш, динамик қаторлар, трендларни таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган. Ўзбекистон тўқимачилик тармоғи маҳсулотларини ривожланган давлатлар бозорларига кириб бориш имкониятларига баҳо берилган.

Проанализированы динамика, географическая структура и перспективы развития экспорта текстильной продукции Узбекистана. Дана оценка необходимости и возможностей диверсификации структуры национальной экономики и направлений экспорта. Используются методы сравнения, динамических рядов, трендового анализа. Дана оценка возможностям текстильной отрасли Узбекистана по вхождению на высококонкурентные рынки развитых стран.

The dynamics, geographical structure and prospects for the development of exports of textile products in Uzbekistan are analyzed. The assessment of the necessity and possibilities of diversification of the structure of the national economy and export directions is given. Methods of comparison, time series, trend analysis were used. An assessment is made on the possibilities of the textile industry of Uzbekistan to enter the highly competitive markets of developed countries.

Мавзунинг долзарблиғи. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг экспорт салоҳиятини ошириш вазифаси кун тартибида турган ва неча йиллардан буён ўз долзарблигини йўқотмаган йўналишлардан ҳисобланади. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва соҳа маҳсулотларининг экспортини ошириш мамлакатнинг табиий ресурслари, демографик имкониятлари ва мавжуд ишлаб чиқариш базасига асосланган. Соҳа жадал ривожланишининг синергетик эффекти юқори бўлиб, катта миқдорда меҳнат ресурсларини банд қилиш билан

бирга, мамлакатда катта миқдорда етиштириладиган пахта толаси ва бошқа материалларни чуқур қайта ишлаган ҳолда қўшимча қиймат яратишга ва валюта тушумларини таъминлашга ихтисослашган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ўзининг чиқишларида мамлакат далаларида етиштириладиган пахта толасининг барчасини мамлакат ичкарида чуқур қайта ишлаб хорижга катта қийматга эга тайёр маҳсулотларни сотишга ўтиш тўғрисида соҳа масъулларига вазифалар белгилаб берган.

Калит сўзлар: тўқимачилик маҳсулотлари экспорти, экспортнинг географик таркиби, рақобат, экспорт салоҳияти, экспортни диверсификациялаш.

Адабиётлар таҳлили. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги таркибий ўзгаришлар масалалари маҳаллий ва хорижлик олимлар томонидан агрофлича ўрганилган йўналишлардан ҳисобланади. Шунингдек, тўқимачилик саноатининг ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва такомиллаштириш билан боғлиқ жуда кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ва тегишли адабиётлар нашр этилган.

Маҳаллий олимлар томонидан тўқимачилик маҳсулотларини экспорт жараёнларида сифат тизимлари ва маркетинг тадбирларининг ўрни, аҳамияти Ҳ. Кадиров ва Н. Мўминоваларнинг илмий изланишларида ўрганилган. Муаллифлар томонидан миллий тўқимачилик маҳсулотларини юқори рақобат даражаси шаклланди хориж бозорларига экспорт қилиш ва чакана савдо тизимлари орқали харидорларга сотиш учун нафақат халқаро сифат менежменти стандартларига, балки, ўша мамлакатларда шаклланди маҳаллий қонунчилик, логистика, миллий ва маданий ўзига хосликларга алоҳида эътибор бериш лозимлиги асослаб берилган¹.

Хориж мутахассисларининг тўқимачилик маҳсулотлари экспортига бағишланган илмий ишлари талайгина бўлиб улардан айримларининг тадқиқотларини таъкидлаш ўринли деб ўйлаймиз. Хусусан,

хорижлик олимлар М. Sharma, R. Dhiman (Ҳиндистон), Eve M.H. Chan, K.F. Au (Хитой), D.Baiardia, C.Bianchi (Италия) тадқиқотларида Ҳиндистон ва Хитой тўқимачилик маҳсулотлари экспортига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилинган ва уларнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари ҳамда сабаблари ўрганилган².

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг экспортида кейинги йилларда ижобий динамика кузатилиб ушбу жараённи хомашё экспортидан нисбатан юқори қўшилган қийматни ўзида мужассам қилган тайёр маҳсулотлар экспортига ўтиш стратегиясининг натижаси сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбекистон ҳукумати томонидан енгил саноат, айниқса тўқимачилик соҳасига хорижий инвесторларни жалб этиш, шунингдек, ички молиявий ресурсларни сафарбар этишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ва ниҳоят ўз самарасини бера бошлади десак, хато қилмаймиз.

Ҳақиқатдан ҳам, 2018-2020 йилларда Ўзбекистон тўқимачилиги маҳсулотлари экспортида сезиларли ижобий динамика қайд этилди. Хусусан, 2018 йилда соҳа маҳсулотлари экспортининг умумий қиймати 1,3 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 1,9 млрд. АҚШ

1-жадвал.

2018-2020 йилларда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси, млн. АҚШ доллари ва фоизда

	2018	улуши	2019	улуши	2020	улуши	2020/2018
Тўқимачилик маҳсулотларининг жами экспорти	1300,3	100	1626,9	100	1922,2	100	147,8
Пахтадан йиғирилган ип	726,6	55,9	926,1	56,9	940,7	48,9	129,5
Тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари	289,6	22,3	354,8	21,8	506,5	26,4	174,9
Гиламлар	31	2,4	32	2,0	29,2	1,5	94,2
Нақшли мато	65,5	5,0	84,8	5,2	144,5	7,5	220,6
Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	36,1	2,8	51,9	3,2	88,8	4,6	246,0
Пахтадан газламалар	65,7	5,1	69,2	4,3	96,8	5,0	147,3
Ипак ва ипак маҳсулотлари	49,9	3,8	71,8	4,4	74,9	3,9	150,1
Пахта маҳсулотлари	26,8	2,1	27,4	1,7	30,9	1,6	115,3
Бошқалар	9	0,7	8,8	0,5	9,7	0,5	107,8
Ўзбекистон Республикасининг жами экспорти	14250	9,1*	17458,7	9,3*	15127,7	12,7*	106,2

* Тўқимачилик маҳсулотларининг жами мамлакат экспортидаги улуши, фоизда.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹ S. H Kadyrov. Sewing and textile companies: role of international quality management in export promotion. - Economics and Innovative Technologies, 2019 - uzjournals.edu.uz.

² 6. Н.М.Муминова. Тўқимачилик маҳсулотларига талабни шакллантиришда халқаро маркетинг тамойиллари. Иқтисодиётда инновациялар № 1 (2021), 70 бет.

долларига етди ёки 2018 йилга нисбатан 147,8 фоизга ошди. Шу билан бирга, ушбу давр оралигида Ўзбекистон жами экспортининг умумий қийматини 106,2 фоизга ортганини эътиборга олсак, тўқимачилик соҳаси экспортининг суръатлари қанчалик юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг умумий экспорти таркибида тўқимачилик маҳсулотларининг улуши йилдан-йилга ўсиб боришини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2018 йилда тўқимачилик маҳсулотларининг жами мамлакат экспортидаги улуши 9,1 фоизга тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 9,3 фоизни ва 2020 йил якунига кўра 12,7 фоизни ташкил этиб, олтин экспортдан кейинги иккинчи поғонани эгаллади³.

2018-2020 йиллар давомида тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг абсолют рақамлардаги қийматини ошириб бориши ва жами экспортдаги улушининг кенгайиб бориши яқин ва ўрта истиқболда мамлакат экспортини янада кенгайтириш учун устувор тармоқ сифатида сақланиб қолишдан далолат беради. Ҳақиқатдан ҳам тармоқнинг экспорт салоҳияти ўта юқори бўлиб, экспертларнинг

фикрларига кўра, тегишли ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар қабул қилинган тақдирда, қисқа муддатларда соҳанинг экспорт ҳажмини бир неча баравар ошириш имкониятлари мавжуд.

2018-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг давлатлар кесимидаги таркиби таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган даврда асосан ривожланаётган давлатларнинг бозорлари бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспорти учун устувор аҳамият касб этмоқда.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон тўқимачилиги маҳсулотлари асосан қўшни давлатлар ва географик жиҳатдан нисбатан яқин ва логистика имкониятлари қулай бўлган мамлакатлар бозорларига йўналтирилган.

Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилишдаги шерик мамлакатларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга катта улушга эга бўлган 4 давлат киради: Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Туркия. Иккинчи гуруҳга нисбатан паст улушга эга бўлган қолган барча давлатлар

2-жадвал.

2018-2020 йилларда тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг географик таркиби, млн. АҚШ доллари ва фоизда

	2018	улуши	2019	улуши	2020	улуши	2020/2018
Мамлакатлар/жами экспорт	1300,3	100	1626,9	100	1922,2	100	147,8
Россия Федерацияси	542,8	41,7	592,3	36,4	655,5	34,1	120,8
Хитой Халқ Республикаси	326,7	25,1	437,6	26,9	438,2	22,8	134,1
Қирғизистон	70,2	5,4	96,6	5,9	283,9	14,8	404,4
Туркия	119,8	9,2	196,7	12,1	206,1	10,7	172,0
Польша	22,3	1,7	25,3	1,6	43,4	2,3	194,6
Қозоғистон	39,2	3,0	39,7	2,4	42,3	2,2	107,9
Тожикистон	8,7	0,7	13,7	0,8	34,7	1,8	398,9
Украина	18,8	1,4	29,5	1,8	33,1	1,7	176,1
Эрон	25,3	1,9	55,2	3,4	26,4	1,4	104,3
Миср	3,2	0,2	12,1	0,7	18,2	0,9	568,8
Беларусь Республикаси	23,3	1,8	24,1	1,5	17,2	0,9	73,8
Покистон	5,5	0,4	10,4	0,6	16,5	0,9	300,0
Озарбайжон	5,9	0,5	10,9	0,7	12,5	0,7	211,9
Бангладеш	19,2	1,5	12,3	0,8	10,7	0,6	55,7
Бошқа давлатлар	69,2	5,3	70,5	4,3	83,5	4,3	120,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

³ M Sharma, R Dhiman. Determinants affecting Indian textile exports: a review. - Biz Bytes J Manag Technol, 2016 (Vol 6. Issue: 2, 2016) - researchgate.net., Eve M. H. Chan, K. F. Au. Determinants of China's textile exports: An analysis by gravity model. The Journal of The Textile Institute. Volume 98, 2007 - Issue 5., D.Baiardia, C.Bianchi. At the roots of China's striking performance in textile exports: A comparison with its main Asian competitors. China Economic Review. Volume 54, April 2019, Pages 367-389.

⁴ O'zbekiston Respublikasi Tashqi savdo aylanmasi. (2020-yil yanvar-dekabr oylari uchun dastlabki ma'lumot). Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси нашри. Тошкент 2021, стр-35.

киради.

Россия Федерацияси Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг энг йирик экспорт бозори сифатида устувор аҳамиятга эга. 2018, 2019 ва 2020 йиллар давомида Россия Федерацияси бозорида мос равишда 524,8 млн., 592,3 млн. ва 655,5 млн. АҚШ доллари миқдорига қийматга эга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган текстил маҳсулотлари сотилган. Айни шу даврда Россия Федерациясига экспорт ҳажми ўртача суръатларда ўсиб 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 120,8 фоизни ташкил қилган.

Аҳамиятли томони шундаки, Қирғизистоннинг ички бозори нисбатан тор ва Хитой, Бангладеш, Туркия ҳамда бошқа давлатлардан импорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари билан етарли даражада тўйинган. Шунга қарамай Ўзбекистондан импорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари (2020 йилда 283,9 млн. АҚШ доллари ҳажмида) ўзининг қулай нархи, сифати ва минимал транспорт харажатлари билан Қирғизистон бозорида бемалол рақобатбардош ҳисобланиши билан бирга, қўшни Қозоғистон ва Россия Федерациясига катта ҳажмларда реэкспорт қилиб келинади.

Ўзбекистон тўқимачилик экспортининг каттагина улуши Хитой ва Туркиянинг ҳиссасига тўғри келиши жуда катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Маълумки, Хитой ва Туркия, юқори даражада рақобат шаклланган ривожланган мамлакатлар бозорларига тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослашган давлатлар қаторига киради. Ушбу мамлакатлар ташқи бозорларда ўзаро рақобатда энгиш учун бир қанча афзалликларга эга ва улардан самарали фойдаланиб келишади. Ўзбекистоннинг айнан шу иккала мамлакат, яъни, Хитой ва Туркия бозорларига мос равишда 438,2 млн. ва 206,1 млн. АҚШ доллари тенг қийматдаги тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиниши миллий маҳсулотимизнинг сифат ва бошқа рақобат омиллари бўйича етарли даражада салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради.

Польшанинг экспорт бозорлари ҳажмига кўра бешинчи поғонада жойлашганлиги Ўзбекистон экспортнинг географик диверсификацияланиш жараёнлари бошланаётганлигидан далолат беради. Украина ва Беларусь республикасининг ҳам Ўзбекистон экспорти учун аҳамияти яқин ва ўрта истиқболда муттасил ошиб бориши кутилмоқда.

Экспорт ҳажмларининг ўсиш суръатларига қараб ҳам янги ва бўлажак тенденцияларни илға

олиш қийин эмас. Хусусан, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан экспорт қийматининг энг юқори ўсиш суръатлари Миср (568,8 фоиз), Қирғизистон (404,4), Тожикистон (398,9) ва Покистон (300 фоиз) давлатларига тўғри келди.

Тан олиш лозим, бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажмлари бу соҳада катта мавқега эга мамлакатлар (Хитой, Бангладеш, Индонезия, Вьетнам, Туркия ва бошқалар)га қиёслаганда анча камтарона ҳисобланади. Мисол учун, 2019 йилда Хитой 118 млрд. АҚШ доллари тенг қийматга эга тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган бўлса, Бангладеш экспорти 30 млрд. АҚШ доллари кўпроқни ташкил этди.

Тўқимачилик маҳсулотларини йирик экспорт қилувчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ушбу мамлакатларнинг қуйидаги устунлик ва афзалликларини таъкидлаш лозим. Биринчидан, арзон ва кўп сонли ишчи кучи билан таъминланганлиги ҳамда миллий валютани нисбатан фаол қадрсизланиши валюта айирбошлаш курсини экспортёрлар учун фойдалилик жараённи мунтазам ошиб боришини таъминлайди.

Иккинчидан, жаҳон бозорларига сув йўллари орқали чиқилиши транспорт харажатларининг минимал даражасини ва маҳсулот нархларининг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Учинчидан, экспорт ва савдода турли минтақавий, ҳудудий преференцияларга эга бўлиш ҳам ўта муҳим бўлиб, қулайликлар тақдим этилган бозорларда устувор позицияларни эгаллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчидан, тўқимачилик тармоғида меҳнат унумдорлиги даражаси. Йирик тўқимачилик маҳсулотлари экспортёрлари тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатларда бошланғич босқичларда меҳнат унумдорлиги ўта паст бўлган бўлса-да, олиб бориладиган модернизация, ишчиларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, хориж мутахассисларини жалб қилиш қисқа муддатларда бу борада ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон ҳукумати томонидан тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва экспортини оширишга қаратилган иқтисодий, молиявий, солиқ, божхона, транспорт йўналишларида кўплаб имтиёз ва қулайликлар жорий қилинди. Нагигада, экспорт кўлами ортиб, унинг географияси кенгаймоқда. Мутахассисларнинг эксперт баҳолашларига кўра, 3-5 оралиғида тўқимачилик

тармогининг экспортини камида 5 млрд. АҚШ доллари ва ундан кўп миқдорда ошириш учун реал шарт-шароит ва салоҳият мавжуд. Ўйлаймизки, мамлакат ҳукумати томонидан қўшимча равишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистон ҳукумати нисбатан юқори рақобат ва юқори нархлар даражаси шакланган Европа Иттифоқи бозорига кириб бориш жараёнини жадаллаштириш учун миллий тўқимачилик корхоналарига ташкилий-иқтисодий кўмаклашишни кучайтириш лозим. Маълумки, Европа Иттифоқи 2021 йилнинг 10 апрелидан Ўзбекистон GSP+ (Generalized System of Preferences) савдо преференциялар (имтиёзлар) режимини тақдим этди. Унга кўра, энди Ўзбекистон экспортлари 6200 товар турларини божхона тарифлари тўловларисиз Европа Иттифоқи бозорларига олиб кириш имкониятига эга бўлдилар.

Иккинчидан, алоҳида тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослашган экспорт

ишлаб чиқариш ҳудудларини шакллантириш ва ушбу ҳудудларга экспортни қўллаб-қувватловчи йўлдош тадбиркорлик фаолиятларини жамлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, ушбу зоналарнинг ўзида экспорт маҳсулотларини божхона расмийлаштирувини ташкил этилиши маҳсулотларни харидорга етказиш жараёнидаги муддатларни сезиларли камайтириш, таннархини пасайтириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратар эди.

Тўртинчидан, тўқимачилик корхоналарини инженерлик-коммуникация тизимларига тўсиқларсиз уланишлари учун имкониятларини кенгайтириш, электр энергияси, хом ашё, транспорт-логистика хизматлари узлуксизлигини таъминлаш соҳа истиқболини кенгайтиришга олиб келади.

Бешинчидан, соҳада банд бўлган меҳнат ресурсларни жадал ўзгарувчан бозор талабларига мослашувчан малака ошириш тизимлари орқали мунтазам ўқитиш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O'zbekiston Respublikasi Tashqi savdo aylanmasi. (2020-yil yanvar-dekabr oylari uchun dastlabki ma'lumot). Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси нашри. – Тошкент, 2021, 35 б.
2. M Sharma, R Dhiman. Determinants affecting Indian textile exports: a review. - Biz Bytes J Manag Technol, 2016 (Vol 6. Issue: 2, 2016) - researchgate.net
3. Eve M. H. Chan, K. F. Au. Determinants of China's textile exports: An analysis by gravity model. The Journal of The Textile Institute. Volume 98, 2007 - Issue 5
4. D.Baiardia, C.Bianchi. At the roots of China's striking performance in textile exports: A comparison with its main Asian competitors. China Economic Review. Volume 54, April 2019, Pages 367-389.
5. H Kadyrov. Sewing and textile companies: role of international quality management in export promotion. - Economics and Innovative Technologies, 2019 - uzjournals.edu.uz.
6. Н.М. Муминова. Тўқимачилик маҳсулотларига талабни шакллантиришда халқаро маркетинг тамойиллари. Иқтисодийта инновациялар. 1-сон (2021), 70-бет.

УЎТ: 330

Иқтисодий ўсишнинг асосий моделлари ва унда қўлланиладиган омиллар

Основные модели экономического роста и применяемые в ней факторы

Basic models of economic growth and factors applied in it

Лагофат КАРИЕВА,
Тошкент давлат техника университети доценти в.в.б.

Аннотация

Мақолада ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва роли кўриб чиқилади. Иқтисодий ўсишнинг асосий моделлари, уларда қўлланиладиган сабаблар ва омиллар чуқур таҳлил қилинади.

В статье исследована сущность и роль экономического роста в общественном воспроизводстве. Осуществлен углубленный анализ основных моделей экономического роста, причин и факторов, которые в них используются.

The article examines the essence and role of economic growth in social reproduction. An in-depth analysis of the main models of economic growth, the reasons and factors that are used in them is carried out.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг замонавий стратегиясини ишлаб чиқиш иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион моделини шакллантиришга асосланади. Бунинг сабаби шундаки, инновацион ривожланиш модели ишлаб чиқаришнинг янги технологик усулига ўтишни таъминлайди ва бу, ўз навбатида, рақобатбардош ишлаб чиқаришни шакллантириш ва иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш учун шароит ярағайди. Шу билан бирга, иқтисодий ўсиш бутун халқ хўжалиги комплекси фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи мезонидир. Аҳоли бандлигининг юқори даражасини таъминлаш, инфляциянинг юқори даражасини пасайтириш, ташқи иқтисодий мувозанатга эришиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш билан бир қаторда иқтисодий ўсиш давлатнинг макроиқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Иқтисодийёт фанининг шаклланиши ва ривож-

ланиши даврида жамият тараққиётининг янги шароитларига мослашиб, “иқтисодий ўсиш” категорияси ҳақидаги олимларнинг қарашлари доимий равишда такомиллаштирилди. Демак, меркантилистлар ва классик сиёсий иқтисод вакиллари иқтисодий ўсиш борасидаги қарашлари турлича эди. Илк меркантилистлар мамлакатнинг бойлиги ундаги олтин ва кумуш миқдори билан ўлчанади, деб ҳисоблашган. Меркантилистлар саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш зарурлигини товар экспорти қимматли металллар миқдорини кўпайтириши ва балансни фаоллаштириши билан асосладилар. Меркантилистлар биринчи марта иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг ролини таъкидлаб, тегишли моделни таклиф қилдилар.

Иқтисодий ўсиш омилларини чуқурроқ таҳлил қилиш бўйича дастлабки тажрибаларни классик сиёсий иқтисодчи А.Смит асарлари билан боғлаш мумкин. У бойлик ишлаб чиқаришнинг кўпайиши

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, иқтисодий ривожланиш, ялпи ички маҳсулот, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш.

ҳисобига ўсади, деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, унинг фикрича, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашмаслиги иқтисодий ўсишнинг кафолати ҳисобланади: (“кўринмас қўл” назарияси), халқ бойлигига меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришиш мумкин; меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши натижасида ўсиб боради; фаолиятнинг бир туридан иккинчисига ўтишда вақтни тежаш, ихтироларни рағбатлантириш ва инсон меҳнатини энгилаштирадиган янги воситаларни ишлаб чиқаришдир. Кейинги тадқиқотларида А.Смит бойлигининг асосий манбаи айланма соҳаси эмас, балки айнан моддий ишлаб чиқариш соҳасидир, деган хулосага келади. У иқтисодий ўсишга эришиш учун биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди [1].

Иқтисодий ўсишнинг замонавий назариясини шакллантиришда Ж.М. Кейнс назариясининг пайдо бўлиши алоҳида роль ўйнади, у “ўсишни тўсиб қўйиш”дан қочиб ва иқтисодий даромадлар даражасини белгиловчи омилларни аниқлашга ҳаракат қилди. Ж.М. Кейнс ва унинг издошлари ўз тадқиқотларида давлатнинг иқтисодий сиёсати иқтисодиётда динамик мувозанатни таъминлаши ва миллий даромаднинг барқарор ўсиш суръатлари билан тавсифланиши лозимлигини таъкидладилар. Бу назария тарафдорларининг фикрича, энг муҳим категориялар орасидаги функционал муносабатларни ўрганиш фақат макро даражада амалга оширилиши керак. Демак, Ж.Кейнс мултипликатор концепциясини ишлаб чиқди, бу миллий даромаднинг ўсиш суръати, инвестициялар миқдори, истеъмол ва жамғармалар ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади [2].

Иқтисодчи олим Ф. Рамсей уй хўжаликлари истеъмолини оптималлаштириш гоёсини шакллантиради. Таклиф этилаётган фойдалилик функцияси, шунингдек, узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг бир маҳсулотли модели шундан иборатки, миллий даромад оқими маълум бир вақтда мавжуд ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат ресурслари томонидан яратилади. Бу оқим икки қисмга бўлинади: бири истеъмолга, иккинчиси эса жамғаришга кетади. Бу иккинчи қисм бўлиб, шунга мос равишда ишлаб чиқариш фондларининг ўсишини белгилайди K' , яъни: $C + K' = F(K, L)$; бу ерда K – мавжуд ишлаб чиқариш активлари, C – истеъмол, L – ишлатилган меҳнат ресурслари. Бунда барча кўрсаткичлар t вақтини билдиради. Ушбу моделда ишлаб чиқариш

функцияси вақт ўтиши билан ўзгармайди, шунинг учун техник тараққиёт йўқ. Ушбу модел иқтисодий ўсиш назариясининг ривожланишига ҳам, умуман макроиқтисодий моделлаштиришга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди [3].

Неокейнс назариясида потенциал ўсиш суръатининг асосий параметри жамғариш тезлиги ҳисобланади ва давлат томонидан тартибга солиш зарурати назарда тутилади. Неокейнсчилик вакили Р. Харрод ўзининг “Иқтисодий динамика назариясининг конспекти” (1939) ва “Динамик иқтисод фанига қараб” (1948) асарларида иқтисодий ўсишнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқди, жамғармалар ва инвестициялар ўртасидаги боғлиқликни кузатди, жамғарма ва инвестициялар ўртасидаги доимий мувозанатни сақлаш учун асосларни яратди. Олим ишлаб чиқариш омилларидан тўлиқ фойдаланиш барқарор ўсиш суръатларини таъминлайди, деб ҳисоблади: $g / c = s$; бу ерда g – маълум бир давр учун умумий ишлаб чиқаришнинг реал ўсиши; c – капиталнинг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати, яъни, капитал зичлиги нисбати; s – миллий даромадаги жамғармаларнинг улуши. Р. Харрод ҳақиқий, кафолатланган ва табиий ўсиш суръатларини ажратди [4].

Е. Домар динамик мувозанатнинг ҳал қилувчи шарт иқтисодий ўсишнинг доимий суръатига бўлган эҳтиёждир ва у таклиф қилган модел, худди Р. Харрод модели каби, иқтисодий ўсишнинг ягона омили сифатида фақат капитал ҳажмини оширишни ҳисобга олади. Мувозанатнинг асосий шарт Р. Харродда жамғарма ва инвестициялар тенглиги, Е. Домарда эса пул даромадлари ва ишлаб чиқариш қувватларининг тенглиги ҳисобланади. Э. Домар модели тўлиқ бандликни таъминлайди, Р. Харродда – бу табиий суръатнинг шартидир. Аммо, бу фарқлар асосий эмас. Шунинг учун ҳам иқтисодий адабиётларда бу моделларни ягона моделга – Харрод-Домар моделига бирлаштириш одатий ҳолдир. Харрод-Домар модели назарий таҳлил воситаси ҳисобланади, чунки у фақат инвестицияларни иқтисодий ўсиш омили сифатида кўриб чиқади ва кўплаб тахминларни қабул қилишга асосланади.

Эндоген ўсиш назарияси 1980 йилларнинг охирида тегишли неоклассик концепциянинг аниқ номукамаллиги билан юзага келди. П. Ромер ва Р. Лукас томонидан таклиф қилинган эндоген ўсиш моделининг асосий хусусияти иқтисодий ривожланишнинг ички омиллари ва механизмларига

йўналтирилганликда бўлиб, улар биргаликда яхлит миллий-давлат иқтисодий тизимларининг ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга қодир. Бунда ўз миллий хўжалик тизимини шакллантириш, уни миқдор ва сифат жиҳатидан яхшилаш учун мамлакатда мавжуд барча ресурслар ва механизмларни максимал даражада жалб этишга кўмаклашишга қаратилган фаол иқтисодий сиёсат муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, Р. Лукас моделни таклиф қилди, унинг асосида иқтисодий ўсишни технологик тараққиётнинг экзоген берилган ўсиш суръатлари асосини қўлламасдан тушунтиришга ҳаракат қилинади. Амортизация даражасининг пасайиши ҳам иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарор ўсишига олиб келади [5].

Замонавий иқтисодиёт иқтисодиёт фанида ҳали адекват тизимли аксини топмаган янги тенденцияларга эга бўлди: миллий иқтисодиётни ривожлантиришда институционал омилар ролининг

ўсиши, тармоқ тизимларини маҳаллийлаштириш, миллий иқтисодиётнинг очиқлиги, глобал молиявий кенгайиш, ахборот асимметрияси, ҳукумат, уй хўжаликлари, фирмалар хатти-ҳаракатларининг қисқариши ва бошқалар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, турли иқтисодий йўналишлар вакиллари “иқтисодий ўсиш” тоифасига ҳам, у билан боғлиқ муаммоларга ҳам катта эътибор беришган. Қарашлар эволюциясини орқага қараб таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш мумкин, иқтисодий фикр ривожланишининг дастлабки босқичларида (XIX аср) олимлар “иқтисодий ўсиш” тоифасининг ўзига, кейин эса (XIX аср) етарлича эътибор берганлар, (XIX-XXI асрлар) улар имкон қадар ўсиш омилларига эътибор қаратдилар. Ушбу муаммони ўрганиш методологиясининг ривожланиши билан иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилар сони аста-секин ўсиб борди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А. Смит. – М.: Наука, 1993. 569 с.
2. Кенйс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег / Дж. М. Кейнс // Избранные произведения. – М.: Экономика, 1993 г. – 543 с.
3. Ramsey F. Mathematical Theory of saving / F. Ramsey // Economic Journal. 1928. Vol. 38. – P. 543-559.
4. Вечканов Г.С. Макроэкономика / Г.С. Вечканов, Г.В. Вечканова. – 3-е изд. – СПб.: Питер, 2009 г. – 560 с.
5. Romer P. Increasing Returns and Long-Run Growth / P. Romer // Journal of Political Economy. 1988. № 94. – P. 1002–1037.

Уй-жой коммунал хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-статистик таҳлили

Экономико-статистический анализ развития жилищно-коммунального хозяйства

Economic and statistical analysis of the development of housing and communal services

Гулам ЭРНАЗАРОВ,
Давлат статистика кўмитаси
Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти
катта ўқитувчиси, и.ф.н. (PhD)

Аннотация

Ушбу мақолада уй-жой коммунал хўжалиги ривожланиши иқтисодий-статистик таҳлил қилиниб, уй-жой коммунал хўжалиги бозорини ўрганиш орқали коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини янада такомиллаштириш йўллари очиб берилган.

В данной статье проведен экономический и статистический анализ развития жилищно-коммунального хозяйства, раскрыты пути дальнейшего совершенствования сферы коммунальных услуг путем изучения рынка жилищно-коммунальных услуг.

An economic and statistical analysis of the development of housing and communal services in the digital economy was carried out, ways were discovered to further improvement of the public services by studying the housing and communal services market.

Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилган кенг кўламдаги ислохотлар доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини уй-жой билан аҳоли таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ..." юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Бу каби устувор вазифалар муваф-

фақиятли ҳал этилиши уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ва уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишни, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришни ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Шунинг учун республикамизда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган тақлиф ва амалий тавсиялар

Калит сўзлар: уй-жой коммунал хўжалиги, статистика, уй-жой фонди, аҳоли турмуш шароити, намунавий ва кўп қаватли уйлар, муниципал сектор, халқаро тажриба, шериклик механизмлари, дастурий таъминот, қиёсий таҳлил.

ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, 2019 йилда бирлашма таркибидаги коммунал хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар томонидан аҳолига ҳамда бошқа истеъмолчиларга узлуксиз коммунал хизмат кўрсатиш, уй-жой фонднинг техник ҳолатини яхшилаш ва атроф-ҳудудни ободонлаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Бошқарма тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг умумий ҳажми 1950137,5 млн. сўмни ташкил этган (1-жадвал).

2019 йил дастурига мувофиқ коммунал хизмат корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар ҳажми, жумладан, “Toshkent issiqlik markazi” ДУК, “Maxsustrans-ishlab chiqarish boshqarmasi” ДУК каби ташкилотларда 100 фоизга бажарилган. “Toshissiqquvvati” ДУКда эса режа 82,0 фоизга, “Сувсоз” ДУКда 96,4 фоизга удаланган ҳолос. Аҳоли томонидан иссиқлик энергияси ва сувнинг меъеридан ортиқ истеъмол қилинганлиги уларда режа бажарилмаслигига сабаб бўлган.

Шаҳар водопроводи ва тозалаш иншоотларининг қуввати шаҳарнинг яқин 20 йилга мўлжалланган эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Таҳлилларимизга кўра, Тошкент шаҳрида сув истеъмолининг энг юқори меъёри 1 кишига бир суткада 330 литр қилиб белгилангани ҳолда унинг амалдаги сарфи жуда юқори. Масалан, Сирғали туманида уйлардаги умумий ҳисоблагич кўрсаткичларига қараганда, амалдаги 1 кишига 600–700 литр сув сарфланмоқда. Якка тартибдаги сув ҳисобини юритиш асбоблари билан жиҳозланган квартираларда эса бу кўрсаткич 180–200 литрни ташкил қилади.

“Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ҳисобини юритиш асбоблари билан жиҳозлаш” республика лойиҳаси доирасида муайян тадбирлар амалга оширилди. Хитойнинг машинасозлик маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш корпорацияси (Машимпэкс) билан шартнома бўйича олиб борилган ишлар шундай ишлар сирасига киради. Мазкур шартномага кўра ХХРнинг имтиёзли кредитидан фойдаланган ҳолда 2008 йил 1 июлгача кўп қаватли уйларнинг квартираларига ва якка тартибда қурилган турар-жойларига 475,8

1-жадвал.

Тошкент шаҳри коммунал хизмат корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар ҳажми (млн. сўм) [2].

Т/р	Ташкилотлар номи	2018 йил		2019 йил	
		Бажарилган ишлар ҳажми	Таркиби, фоиз	Бажарилган ишлар ҳажми	Таркиби, фоиз
1.	“Toshkent issiqlik markazi” ДУК	467078,6	100,0	765845	100,0
2.	“Toshissiqquvvati” ДУК	496491,9	87,7	813362,9	82,0
3.	“Сувсоз” ДУК	229972,9	100,2	273658,8	96,4
4.	“Maxsustrans-ishlab chiqarish boshqarmasi” ДУК	82391,4	102,3	97270,8	100,0
Жами:		1068959,8	x	1950137,5	x

Сув таъминоти тизими. Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрида сув таъминоти бир суткада 2,3 млн. м³ сув етказиб бериш қувватига эга бўлган 8 та сув иншоотидан, шу жумладан, 2 та ернинг юза қисмида жойлашган ва 6 та ер ости манбаларидан амалга оширилмоқда. Етказиб берилаётган сувнинг 70 фоизидан кўпи ернинг юза қисмида жойлашган сув иншооти улушига ва 30 фоизга яқини эса ер ости манбалари улушига тўғри келади. Тошкент шаҳри сув таъминоти тизимининг ривожланиши аҳоли сони ва зичлигининг ортиши ҳамда шаҳар саноатининг ривожланиши билан бир вақтда юз берди.

мингта совуқ сув ҳисобини юритиш асбоби ўрнатилди. Бу бир суткада 150 минг м³ ёки бир йилда 54,8 млн. м³ сувни тежаш имконини берди.

Иссиқлик таъминоти тизими. Тошкент шаҳрининг марказлашган иссиқлик таъминоти ҳозирги вақтда қозонхона 10 та иссиқлик маркази (ИМ), Тошкент иссиқлик электр маркази (ТоШИЭМ), 6 та идоравий ва 126 локал қозонхона орқали амалга оширилади. Ишлаб чиқарилаётган иссиқлик энергиясининг 95 фоиздан кўпи 10 та ИМ ва ТоШИЭМ улушига тўғри келади. 2-жадвалдан кўриниб турганидек, иссиқлик манбаларининг қуввати 2015–

Тошкент шаҳри иссиқлик марказларида қувватларнинг ўсиш динамикаси [3].

Йиллар	Қувват, Гкал/соат	2015 йилдагига нисбатан фоизда	Йиллик ўсиш, фоизда
2015	4505	100,0	102,4
2016	4580	101,7	101,6
2017	4598	102,1	102,8
2018	4670	103,7	103,1
2019	4721	104,8	102,3

2019 йилларда ўртача йилига 4580 Гкал/соатни ташкил этган.

Ҳозирги вақтда 10 та иссиқлик маркази ва Тошкент иссиқлик электр марказининг умумий қуввати 7073,586 Гкал/с.ни ташкил қилади, барча истеъмолчиларнинг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжи эса 6500 Гкал/с.га тенг. Шундай қилиб, умуман олганда, иссиқлик манбалари ўрнатилган қувватлар бўйича катта захирага эга.

Иссиқлик манбаларидан иссиқ сувда иссиқлик энергиясини истеъмолчиларга етказиш магистрал ва тақсимлаш теплофикация тармоқлари орқали амалга оширилади. Шаҳар иссиқлик тармоғининг умумий узунлиги икки қувурли ҳисоблаганда 1600 км. канал. Биринчи тушувчи қувур бўйича иссиқлик манбаларидан иссиқ сув истеъмолчиларгача етказиб берилади. Иккинчи қувур бўйича иситиш асбоблари орқали ўтган иссиқ сув пасайган ҳарорат билан қозонхонага қайта иситиш учун қайтиб тушади. Шундай қилиб, марказлашган иссиқлик таъминоти магистрал ва тақсимлаш қувурлари, уй ичи тармоқлари ва квартиралардаги иситиш асбоблари (батареялар, конвекторлар, регистрлар) ёпиқ тизимни ўзида намоён этиб, иссиқ сув узлуксиз айла-

ниб туради.

Шаҳар иссиқлик таъминоти яхши ташкил этилган тизимни ўзида намоён этишига қарамай, унда жиддий камчиликлар мавжуд. Шулардан энг муҳими иссиқлик тармоқларининг анча эскириб қолганлигидир. Магистрал ва тақсимлаш қувурларининг хизмат қилиш меъёрий муддати 20-25 йилни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда 500 км.га яқин қувурлардан меъёрий муддатидан ортиқча фойдаланилмақда. Демак, улар алмаштирилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, иссиқлик таъминоти ва сув таъминотини бошқаришнинг мавжуд тизими такомиллашувни талаб қилади. Биринчи навбатда бу иссиқлик таъминотига тааллуқли. Истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб берувчи “Toshkent issiqlik markazi” давлат унитар корхонаси табиий монополист ҳисобланади. Иккинчи томондан мазкур корхона иссиқлик энергиясининг улгуржи харидори ва олиб сотувчиси ҳам. Газни харид қилиш ва сотиш ҳажми пасайишининг умумий тенденцияси энергияни тежаш юзасидан турли ташкилий-техник тадбирлар ҳисобидан эришилган ижобий натижа бўлиб, айниқса газ ҳисобини юритиш асбобларининг ўрнатилиши муҳим ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. // www.lex.uz
2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси маълумотлари.
3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси “Toshkentissiqlikmarkasi” давлат унитар корхонаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

УЎТ: 339.138

Туризм соҳасининг рақамлашуви ва рақамли трансформация Цифровизация и цифровая трансформация туристического сектора Digitization and digital transformation of the tourism sector

Ортиқжон ХУРРАМОВ,
“Сервис соҳаси иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси,
Бухоро давлат университети

Аннотация

Ушбу мақолада туризм соҳасининг рақамлашуви ва рақамли трансформация ҳақида фикр ва мулоҳазалар берилган. Рақамли трансформация сайёҳликнинг янги ва кўпинча олдиндан айтиб бўлмайдиган йўналишларини вужудга келтирмоқда. Рақамли технологиялар ҳар хил ўлчамдаги туристик корхоналар учун, туризмдаги қиймат занжирларининг тузилиши ва ишлаши учун, умуман сектор учун муҳимдир.

В данной статье дается представление и отзывы о цифровизации и цифровой трансформации туристического сектора. Цифровая трансформация создает новые и часто непредсказуемые направления для туризма. Цифровые технологии важны для туристических предприятий любого размера, для структуры и функционирования цепочек добавленной стоимости в туризме и для сектора в целом.

This article gives an idea and feedback on the digitization and digital transformation of the tourism sector. Digital transformation is creating new and often unpredictable trends in tourism. Digital technologies are essential for tourism businesses of all sizes, for the structure and functioning of tourism value chains and for the sector as a whole.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши ва қўлланилиши инсонларнинг яшаш тарзи, ишлаши, саёҳати ва бизнесини тубдан ўзгартирди ва бу жараён давомида туризм соҳаси ҳам ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда рақамли маркетинг ва электрон тижоратга янги бозорларни эгаллаш, мижозларни жалб қилиш ва бренд яратиш йўли сифатида катта эътибор берилмоқда. Ушбу технологиялар бозорга кириш ва хабардорликни таъминлаш, улашни кенгайтириш ва молиявий транзакцияларни осонлаштириши жиҳатидан рақобатдош глобал бозорда унумдорликни ошириш ёки инновацияларни ривожлантиришда юқори самарадорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Рақамли технологиялар сайёҳлик саноатида сезиларли ўзгаришларни олиб келди, туристик кор-

хоналар, маҳсулотлар ва тажрибалар, бизнес экотизимлари ва йўналишларини тубдан ўзгартирди. Рақамлаштириш, шунингдек, сайёҳлик ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг анъанавий фаолиятини янги муносабатлар, бизнес моделлари ва пайдо бўлаётган ваколатлар орқали ўзгартирди. Рақамли платформаларнинг кўпайиши туристик маҳсулотлар, хизматлар ва тажрибаларнинг хилма-хиллиги ва ҳажмини оширди, талабга биноан функционал имкониятлар иқтисодий операцияларнинг тезлигини, бозорни хабардор қилиш ва фикр-мулоҳазаларни тезлаштирди. Ушбу ўзгаришлар истеъмолчилар талабларини қондириш ва янги бозорларга чиқишга интилаётган сайёҳлик корхоналари учун янги имкониятлар ҳамда қийинчиликларни яратди.

Калит сўзлар: туризм, рақамли туризм, илғор ахборот технологиялари, телекоммуникацион тизимлар, интернет.

Кичик ва ўрта бизнес туризмида инновацион рақамли маданиятни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлар жаҳон миқёсида рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Туризмда рақамлаштириш натижасида қуйидаги имкониятлар вужудга келади:

- туризмда ижодкорлик ва янгиликка олиб келади;
- ташриф буюрувчиларнинг тажрибаларини оширишни осонлаштиради, сайёҳларнинг баҳра олиш даражасини оширади;
- янги бизнес моделларини, янги қиймат занжирларини, янги бизнес экотизимларини вужудга келтиради;
- истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар учун янги имкониятлар яратади.

Рақамлаштириш корхоналар ва бизнес экотизимларини ўзгартириш учун рақамли технологиялар ва маълумотлардан фойдаланади. У бозорларни ва ишлаб чиқариш жараёнларини ўзгартиради, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан инновациялар ва рақобатбардошликка катта таъсир кўрсатади. Туризм соҳасида рақамлаштириш кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўзларининг бозор доираларини кенгайтириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, операцион самарадорликни ошириш ва рақобатбардошликни кескинлаштириш имкониятларини тақдим этади.

туризм секторида ўз аксини топмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятларини намоиш этадиган туризм соҳаси, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши натижасида улкан ўзгаришларни бошдан кечирмоқда.

Туризмда илғор ахборот технологиялари ривожини учта асосий босқичларга бўлишимиз мумкин:

1-босқич. Савдо ва маркетинг. 20-асрнинг сўнги ўн йиллигида (1990-2000) интернетнинг жорий этилиши мақсадли ташкилотлар ва корхоналарга маркетинг воситаси сифатида технологияларни ишлатишга имкон берди. Рақамли савдо нуқтаси ва қўллаб-қувватловчи дастурий таъминот корхоналарга ички операцияларни яхшилашга ёрдам берди. Веб-сайтлар анъанавий маркетинг материаллари ўрнини боса бошлади, тармоқли резерв тизимлари бизнес операцияларни осонлаштира бошлади ва тарқатиш тизимлари бутун тармоқ бўйлаб мувофиқлаштиришни кучайтирди.

2-босқич. Рақамли бизнес экотизимлари. 2000 йилдан 2010 йилгача интернет саёҳатчилар учун асосий маълумот манбаи сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлади. Интернет технологияларининг ютуқлари виртуал бозорда маҳсулот ва хизматларни қидириш, таққослаш ва онлайн транзакция қилиш имкониятини яратди. Expedia каби инновацион онлайн воситачилар пайдо бўлди, анъанавий сайёҳлик агентлиги бизнес модели ўзгарди. TripAdvisor син-

1-жадвал.

Туризмни рақамлашув босқичлари¹.

1-босқич. 1990-2000 йиллар	2-босқич. 2000-2010 йиллар	3-босқич. 2010 йилдан бошлаб
<ul style="list-style-type: none"> – электрон кассалар – молиявий дастурий таъминот – мобиль телефонлар – электрон почта – интернет – интернет-банкнинг – оффис дастурий таъминоти – видеоконференциялар – веб-сайтлар – дестинацион карталар 	<ul style="list-style-type: none"> – смарт телефонлар – компьютер графикаси дастурлари – компьютерлаштирилган чипталарни сотиш тизимлари – онлайн брон қилиш тизимлари – электрон почта орқали маркетинг – мижозлар билан муносабатлар тизимлари 	<ul style="list-style-type: none"> – кенгайтирилган ҳақиқат – виртуал реаллик – мобиль иловалар – булутли ҳисоблаш хизмати – ижтимоий тармоқлар – Google Analytics – Web 2.0 – чатботлар ва тезкор маслаҳатлар – ҳамкорликдаги иқтисодийёт

Рақамлаштириш олиб келадиган рақобат устунлигини таъминлаш, самарадорликни ошириш, янги маҳсулотлар, хизматлар ва тажрибаларнинг инновацион салоҳиятини ошириб бориш бугунги кун

гари туристик сайтлар истеъмолчилар қарорларини қабул қилишда таъсирчан роль ўйнади. Сайёҳлар тобора кўпроқ онлайн тарзда брон қилиб харидларни амалга оширишлари, ўз навбатида, глобал

¹ Интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

бозорларнинг кенгайишига ёрдам берди.

3-босқич. Тизимларнинг интеграцияси. 2010 йилдан бошлаб булутли ҳисоблаш хизмати, мобил технологиялар, кенгайтирилган ва виртуал ҳақиқат, GPS, авторизация ва рақамли тизимларнинг ўзаро мувофиқлиги каби ютуқлар рақамли ва жисмоний оламларнинг ўзаро боғлиқлигини осонлаштирди.

Фойдаланувчи томонидан яратилган таркибни осонлаштирадиган ижтимоий медиа платформалари ва Web 2.0 билан биргаликда бирлашиб, ушбу ютуқлар сайёҳлик корхоналарининг глобал қамровини тезлаштирадиган янги ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини очди.

Туризм иқтисодиётининг жадал ривожланиши шароитида демографик кўрсаткичларнинг, истеъмолчилар талабининг ўзгариши, шу билан бирга рақамли муҳитни кундан кунга ривожланиб бориши каби асосий ва узоқ муддатли тенденциялар янги имкониятлар очмоқда ва ўз навбатида қандайдир даражадаги янги қийинчиликларни туғдирмоқда. Рақамли туризм соҳасидаги янги тенденция глобал тенденцияларга эътиборнинг кучайиши, шунингдек, динамик ривожланаётган жамиятда мослашишга стратегик ёндашувларни ишлаб чиқиш, манфаатдор томонларнинг кенг иштирокига асосланган хизматларни тақдим этишга янги ёндашувларни қабул қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Яқин келажакда туризм қандай ривожланиши мумкинлигини тушуниш учун ушбу соҳага таъсир кўрсатадиган асосий глобал тенденцияларга эътибор бериш керак. Ушбу тенденциялар глобал аҳамиятга эга бўлган узоқ муддатли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва технологик ўзгаришларни акс эттиради. Қоида тариқасида, уларнинг таъсири ўнлаб йиллар давомида пасаймади ва шунинг учун у дунё миқёсида иқтисодиётни ва ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш ва айлантиришга қодир, бу албатта туризм саноатида ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Глобал тенденциялар янги ва кўпинча кўринмайдиган муаммолар, таҳдидлар ва имкониятларни келтириб чиқиши мумкин. Улар бутун иқтисодиётга ҳам, унинг алоҳида тармоқларига ҳам таъсир қилади. Кейинги ўн йилликда иқтисодиётнинг тuzилиши сезиларли даражада ўзгариши кутилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг даромадлари ўсиши, шунингдек, аҳолининг қариши билан янги истеъмолчилар гуруҳлари пайдо бўлади. Демографик ўзгаришлар келгуси йилларда истеъ-

молчилар талабига сезиларли таъсир қилади. Шу сабабли, ушбу истеъмолчилар гуруҳига йўналтирилган товарлар ва хизматлар турлари кўпайиши керак. Инфратузилма ва қўллаб-қувватлаш хизматлари ташриф буюрувчиларнинг ортиб бораётган талабларига ва ўзгариб бораётган эҳтиёжлари ва афзалликларига мослаштирилиши керак.

Шунингдек, Z деб номланган авлодга (1990 йилларнинг охири – 2010 йилларнинг бошларида туғилган ёшлар) ҳам эътибор қаратиш лозим, улар глобал туризм бозоридаги сезиларли ўзгаришларга ҳам таъсир қилади. Бу авлод тез ривожланаётган ахборот технологиялари шароитида ўсиб бормоқда ва бу уларнинг истеъмолчиларининг эҳтиёжларига таъсир эта олмайди. Эҳтимол, бу авлод таққослаганда кўпроқ талабчан бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, олдинги авлодларга қараганда Z авлод вакиллари кўпинча ўзлари индивидуал саёҳат қилишни, турли хил автомобиллар, хоналар, спорт анжонларини ижарага олишни афзал кўришади.

Ҳозирги пайтда ресурсларни тежаш ва қайта тиклаш муаммолари энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мавжуд ресурсларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш истаги туризм индустриясининг ривожланишига ҳам таъсир қилади. Туризм ва меҳмондўстликдаги ресурсларнинг самарадорлиги кўпроқ экологик тоза материаллар ва муқобил энергия манбалари (масалан, кўёш панеллари)дан фойдаланишга йўналтирилган энергия тежайдиган технологиялардан фойдаланишга имкон берадиган ақли уй каби инновацион технологияларни, шунингдек қайта ишланган материаллардан фойдаланишни ўз ичига олади. Бундай технологиялардан унумли фойдаланиш таниқли брендлар Marriott ва Hilton каби меҳмонхоналар томонидан синовдан ўтган ва ақли автоматлаштирилган тизимлар меҳмонхонанинг энергия тизимидан тортиб ходимларнинг иш юкламаларигача тежашга имкон беради.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши янги сайёҳлик бозорлари ва бизнес моделларини яратади. Ҳозирги пайтда сайёҳларнинг ёш авлоди умумий саёҳатчиларнинг 20 фоизини ташкил қилади ва йилига 203 миллиард АҚШ долларини олиб келади. Жаҳон туризм бозорининг таҳлили шундан далолат бермоқда, 20-30 ёшдаги аҳоли ҳар йили бошқа тоифаларга қараганда йилига кўпроқ саёҳат қилади (йилига тўрт ёки ундан кўп), аммо бундай саёҳатлар одатда қисқароқ бўлади.

Airbnb тадқиқоти шуни кўрсатдики, ҳаёт сифатининг устуворликлари ва кўрсаткичлари рўйхатида кўпчилик саёҳат қилишни уй ёки машина сотиб олишдан ҳам муҳимроқ деб билишади. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт ва ахборот маконининг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда, истеъмолчилар ўзларининг афзалликлари ва манфаатларига ёки дўстларининг ижобий тажрибасига эътибор қаратиб, стандарт пакетли турларни сотиб олишдан бош тортиб, ўз туристик йўналишларини ўзлари яратишни афзал кўришади.

Ушбу ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ ўзгаришлар саёҳатлар, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги моделлари, бизнеснинг янги амалиётлари ва экотизимлари ҳамда туризмда салоҳиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича янги ёндашувларни талаб қилади. Ушбу муҳитни яратиш ва тарбиялашда давлат сектори, кичик ва ўрта бизнес вакиллари муҳим роль ўйнайди.

Рақамлаштириш сайёҳлик ташкилотлари ва давлат идораларига ресурслардан самарали ва унумли фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида катта

маълумотлардан фойдаланиш, реал вақт режимида маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятларини очиб беради. Ресурсларни стратегик даражада ишлаб чиқиш, тақсимлаш кичик ва ўрта бизнес доирасида операцион даражада юқори даражада рақамлаштиришни талаб қилади. Бу юқори даражада боғланган, тармоққа уланган секторга эҳтиёж туғдиради ҳамда биргаликда ишлашга тайёрликни талаб қилади. Булутли ҳисоблаш хизмати, рақамли платформалар ва ўз-ўзини бошқаришни ҳам, давлат-хусусий бошқарувни ҳам осонлаштириши мумкин. Электрон бошқарувни ривожлантириш ва пировардида рақамли туризм ҳамкорликдаги тармоқ алоқаларини ривожлантиришга таянади. Электрон бошқарувни ва охир-оқибат рақамли туризмни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар платформа технологияларини амалга ошириш имкониятлари, маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш имкониятлари каби технологик ютуқлар билан бир қаторда туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Benyon D. et al. Presence and digital tourism //AI & society. 2014. – Т. 29. №4. – С. 521-529.
2. Buhalis D. eTourism: Information technology for strategic tourism management. – Pearson education, 2003.
3. Kayumovich K. O. Prospects of digital tourism development //Economics. 2020. №1 (44).
4. Khurramov O. K. The role of the tourism sector in the digitalization of the service economy //Economics and Innovative Technologies. 2020. Т. №1. – С. 6.
5. Navruz-zoda B. N., Khurramov O. K. Features and opportunities of digital tourism and its development in Uzbekistan //European research: innovation in science, education and technology. – 2020. – С. 22-24.
6. Наврўз-зода Б.Н., Хуррамов О.К. Роль информационных технологий в цифровом туризме. «International scientific survey of problems of economics, finance and management / Международный научный обзор проблем экономики, финансов и менеджмента». Boston. USA. 2020.
7. Хуррамов О.К. Ўзбекистонда рақамли туризмни ривожлантириш истиқболлари. “Сервис” илмий-амалий журнал. 2020 йил 2-сон. Б. 34-39.

УЎТ: 338.43

Қурилиш соҳасини бошқариш тизимларида логистикадан фойдаланиш хусусиятлари Особенности использования логистики в системах управления строительной сферы Features of the use of logistics in construction industry management systems

Абдуллажон МИРСОДИҚОВ,
Фарғона давлат университети таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда қурилиш соҳасида микро даражадаги бошқарув тизимини комплекс такомиллаштириш масалалари назарий маълумотлар асосида ўрганилган. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқаришнинг моддий, истеъмол ва иқтисодий оқимларининг ҳаракатини, инвестиция лойиҳасининг турли иштирокчиларини мувофиқлаштиришнинг хусусиятини белгиловчи ўзига хос хусусиятлари асосланган.

В статье рассмотрены вопросы комплексного совершенствования системы микроуровневого управления в строительной отрасли нашей страны на основе теоретических данных. В сфере строительства базируется ряд специфических особенностей производства, определяющих движение материальных, потребительских и экономических потоков, характер координации участников инвестиционного проекта.

The article deals with the issues of complex improvement of the multilevel management system in the construction industry of our country on the basis of theoretical data. In the field of construction, a number of specific features of production are based, determining the movement of material, consumer and economic flows, the nature of coordination of various participants in the investment project

Иқтисодиёт тармоқлари таркибида қурилиш соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Айниқса сўнгги йилларда бу соҳа иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Бироқ соҳанинг ривожланиш жараёнида қурилиш мажмуаларининг барча иштирокчилари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг маълум бир тарқалиши юз берди.

Капитал қурилиш жараёнини бошқаришда логистик занжирларни шакллантиришга ёндашувларнинг мавжуд иқтисодий ва ташкилий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш соҳа ривожлани-

шининг ҳозирги босқичида катта аҳамиятга эга. Бу қурилиш ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги материаллар ва қурилиш технологияларини қўллаш, қурилиш мажмуаси корхоналари ўртасида горизонтал иқтисодий алоқалар даражасини кенгайтириш, қурилишда иқтисодий оқимларнинг интенсивлигини ошириш ва соҳа фаолияти билан боғлиқ тармоқларнинг зарурий даражадаги интеграцияси билан боғлиқ. Бундай шароитда моддий, ахборот ва молиявий оқимларни логистик жиҳатдан мувофиқлаштириш, қуриладиган объектларга қурилиш, харид қилиш, ташиш, етказиб бериш ва

Калит сўзлар: саноат, қурилиш соҳаси, логистика, капитал қурилиш, қурилиш мажмуалари, логистика занжирлари, бошқарув интеграцияси.

ишлаб чиқариш-технологик конфигурацияларини тайёрлаш вақтида ҳамда жараён юз бераётган маконда келишилган фаолиятни таъминлашнинг аҳамияти объектив равишда ортиб бормоқда. Қурилиш хизматлари бозорида қурилиш корхонасининг рақобатбардошлиги асосан капитал қурилиш-ни логистик бошқариш тизимининг мавжудлиги ва самарадорлиги, барча инвестиция ва қурилиш цикллари, яъни, буюртмани истеъмолчига етказиб беришдан бошлаб қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва самарадорлиги каби миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан белгиланади [1].

Қурилишда логистика тизимини бошқариш занжирларидан фойдаланиш турли захираларни камайтириш, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини назорат қилиш, қурилишда юзага келувчи турли рискларни камайтириш, маҳсулот ҳаракати жараёнларини жадаллаштириш ва капитал айланмасини тезлаштириш, логистика ресурсларини етказиб беришни синхронлаштиришни таъминлаш, қурилиш ва монтаж ишлари жараёни билан ишлаб чиқариш ва технологик ускуналар учун инвестиция ва қурилиш циклининг юқори самарадорлигини таъминлайди.

Иқтисодий адабиётларда капитал қурилиш логистикасининг турли жиҳатлари ва қурилишда логистик тизимларни бошқариш катта аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда В.В. Ананьев, В.Н. Бартенев, А.Г. Белоусов, В.В. Волков, Е.Г. Гребнев, И.А. Гуторова, А.П. Долгов, В.В. Щербак каби олимлар тадқиқот ишларини олиб борган [2].

Мамлакатимизда қурилиш соҳасида микро даражадаги бошқарув тизимини комплекс такомиллаштириш муаммолари тадқиқот ишларида етарли даражада ёритилмаган. Қурилиш соҳаси корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш муаммосининг аҳамияти, тенденцияларнинг ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш, уни илмий адабиётларда таҳлил этиш учун ёндашувлар мавжуд. Бироқ, иқтисодий конъюнктуранинг ноаниқлиги шароитида логистик занжир асосида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг илмий асосланган ва тасдиқланган усуллари мавжуд эмас.

Қурилиш – бу бозор ўзгаришлари даврида энг катта ўзгаришларга дуч келадиган иқтисодиётнинг соҳаларидан биридир. Бу эса, бутун ишлаб чиқариш занжирини лойиҳа босқичидан қурилиш объектларини ишлаб чиқаришга қадар тижоратлаштириш билан боғлиқ. Қурилиш комплекси доираси

ҳар доим кенгаяди, шунинг учун у инвестиция ва қурилиш комплексига айланади.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида “ло-йиҳани бошқариш” (лойиҳа бошқаруви) концепцияси доирасида ягона инвестиция-қурилиш айланиши, тезкор дизайн ва қурилиш (Lean design, Lean construction), таъминот занжири бошқаруви (Supply Chain Management) шаклланиши шароитида қурилишни бошқаришнинг замонавий усуллари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳани амалга ошириш тизими, дизайн, қурилиш ва етказиб бериш жараёнларининг ўзаро ҳамкорлигига йўналтирилган муҳандислик тамойилларига мос келадиган, қурилишнинг иқтисодий оқимларини логистик мувофиқлаштириш ва қурилиш фирмаси, субпудратчилар, қурилиш саноати корхоналари ва инвестиция-қурилиш жараёнининг бошқа иштирокчилари иштирокида логистика тизимини шакллантириш зарур [3].

Тадқиқотда қурилиш соҳасининг иқтисодий оқимлари характеристикаси берилди, қурилиш ишлаб чиқариши логистик занжирида ишлаб чиқариш ва технологик конфигурацион органларнинг роли ва аҳамияти аниқланди, логистика асосий мақсад ва вазифалари, логистика тизимларини шакллантириш хусусиятлари, логистика функциялари, қурилиш ишлаб чиқариш операциялари ва харажатлари таркиби аниқланди, харид логистикаси соҳасида логистика йўналишларини шакллантиришнинг мумкин бўлган йўллари кўриб чиқилди.

Етказиб берувчилар, савдо воситачилар, сотиб олиш корхоналари ва қурилиш компаниялари ўртасида технологияларни бирлаштириш асосида иқтисодий оқимларнинг интенсивлиги ортиб бормоқда. Улар куйидагиларда акс этади:

- доимий қурилиш муддатини камайтириш учун бир вақтнинг ўзида қаратилган қурилиш ишлаб чиқариш, рационализаторлик бозор эҳтиёж ташаббуси, кўчмас мулк ҳаёт циклини ошириш ва қурилиш ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;

- янги серияли уйларни лойиҳалаш ва янги қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ истеъмолчиларнинг талабларини ўзгартириш;

- қурилиш технологияларини потенциал жуфтлаштириш чегараларини кенгайтирадиган, қурилиш материалларининг турли хил бирикмаларидан, товар айирбошлашнинг шакллари ва усулларидан фойдаланадиган миқдорларнинг муаммоларини ҳал

қилиш учун тор функционал қурилишдан қурилиш ташкилотларини қайта йўналтириш;

– қурилишни саноатлаштириш даражасини ўзгартириш, асосий қурилиш технологияларини бирлаштириш;

– қурилишнинг моддий-техник таъминоти иштирокчилари хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллиги уларни горизонтал ва конгломерат интеграциясининг логистика салоҳиятидан янада кўпроқ фойдаланишга ундайди [4].

Қурилиш соҳасида логистика ёндашувидан муваффақиятли фойдаланиш қуйидаги омиллар гуруҳига таснифланади:


1. Ташкилий омиллар. Пудратчилар, ишлаб чиқариш босқичлари, қурилиш объектлари ва бошқалар ўртасида қурилишда ресурсларни тақсимлашни мувофиқлаштириш кўлами тегишли ташкилий бошқарув тузилмаларини яратишни назарда тутаяди. Ягона бошқарув (бошқарув тизими) мавжудлиги иқтисодий оқимларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишнинг умумий стандартларини яра-

тади, бошқарув тартиб-таомилларининг ахборот бирлашувини шакллантиради.

2. Технологик омиллар. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш қувватларининг доимий ва тўлиқ юкланишини, қурилиш жараёнлари вақтида бирлашишни, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш операцияларининг бирлигини таъминлашни талаб қилади.

3. Иқтисодий омиллар. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқаришнинг барча иштирокчилари фаолияти молиявий-иқтисодий натижаларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг қурилиш соҳасида ишлаб чиқаришнинг якуний иқтисодий натижаларига таъсири логистика тизимини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш логистика тизимининг умумий вазифаси қурилиш майдончасига қурилиш материалларини етказиб беришнинг тўлиқлиги, ўз вақтида ва тежамкорлигини таъминлашдан иборат.

Қурилиш соҳаси логистика занжири корхоналар фаолиятига нисбатан қўлланилади, яхлит логистика тизимининг шаклланишига олиб келади, натижада интеграцион таъсирларнинг шаклланишини таъ-



1-чизма. Қурилиш соҳаси логистика тизими модели.

минлайди:

– товар-моддий ҳаракатларнинг барча жараёнларини мувофиқлаштириш, шу жумладан, қурилиш материалларини сотиб олиш, қадоқлаш, асосий воситаларни бошқариш ва тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни бошқариш;

– материалларни бошқариш ва назорат қилиш функцияларини интеграциялаш (бошқарув интеграцияси);

– қурилиш компанияси ва ҳамкорларининг технологик жараёнларини интеграциялаш (технологик интеграция);

– моддий ва ахборот оқимларини интеграциялаш;

– компаниянинг бизнес мақсадлари учун оқи-

лона ташкилий тузилмани (ташкилий интеграция) шакллантиришни ўз ичига олган яхлит логистика тизими сифатида шаклланиш.

Хулоса сифатида кўрсатиб ўтиш мумкинки, ҳар қандай тизимнинг бошқарилиши учун энг муҳим шарт унинг барқарорлиги бўлиб, унда маълум бир алгоритм билан ишлайдиган тизимнинг мувозанатга яқин бўлган шароитларда ишлаш мақсадига эришишни тушуниш мумкин. Етарли барқарорлик шароитлари таркибий тузилиш ва функцияларнинг симметрия даражаси билан белгиланади, бу эса, қурилиш фаолиятининг ҳақиқий кўрсаткичларини режалаштирилган қийматдан ва вақтдан четга чиқишни назорат қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент шаҳри. 2018 йил 14 ноябрь.

2. Казарновский А.С. Логистизация потоковых процессов в сфере капитального строительства. Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Самара 2004. – стр. 24.

3. Казарновский А.С. Предпосылки формирования логистических систем в строительстве // Проблемы качества экономического роста: Материалы междунар. науч. конгресса, 27-28 мая 2004 г. Ч. 2. - Самара, 2004. - 0,2 печ. л.

4. Джабриев А.Н., Эгамов Р.М. Қурилиш индустрияси корхоналарида рақобатдошликни ошириш йўллари. “Иқтисодийтни либераллаштириш шароитида инвестицион-қурилиш ва инновацион жараёнларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжумани материаллари. 2019 йил 17, 18 май. Самарқанд: 2019 йил. – 20-24-бетлар.

УЎТ: 553. 982

“Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарида инвестиция фаолиятини тизимли ташкил этишнинг иқтисодий кўрсаткичлари
Экономические показатели систематической организации инвестиционной деятельности на предприятиях АО «Узбекнефтегаз»
Economic indicators of systematic organization of investment activity in enterprises of «Uzbekneftegaz» JSC

Собир ЮЛДОШЕВ,
 Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада асосан “Ўзбекнефтгаз” АЖ нефть-газ тармогининг етакчиси сифатида асосий эътиборни – углеводородларни қазиб олиш, уларни қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, нефть ва газни қайта ишлашга йўналтирилаётган инвестиция лойиҳалари ҳамда хорижий инвестицияларни мазкур соҳага жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратишдаги таҳлилий маълумотлар ёритиб берилган.

В статье основное внимание уделено в основном аналитической информации АО «Узбекнефтегаз» как лидера нефтегазовой сети в отношении вопросов по созданию благоприятных условий для добычи углеводородов, увеличению их объемов, инвестиционным проектам, направленным на переработку нефти и газа, а также привлечению иностранных инвестиций в эту сферу.

In the article, the main attention was given mainly to the analytical information of JSC «Uzbekneftegaz» as the leader of the oil and gas network on the creation of favorable conditions for the extraction of hydrocarbons, their increase in the volume of production, investment projects aimed at the processing of oil and gas, as well as attracting foreign investments to this sphere

Бугунги кунда Республикамизда нефть-газ саноатида инвестицион фаолиятни олиб бориш жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Хусусан, ўз фаолиятини 1992 йилда бошлаган “Ўзбекнефтгаз” АЖ нефть-газ тармогининг етакчиси сифатида асосий эътиборни – углеводородларни қазиб олиш, уларни қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, нефть ва газни қайта ишлашга қаратган. Жамият асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаради ҳамда ички ва ташқи бозорга етказиб бериб боради. Шунингдек, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти нефть ва газ саноатини ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-ша-

роитларни яратиш келмоқда.

Давлат инвестиция дастури доирасида нефть ва газ соҳасида 2016-2020 йиллар давомида 13 650,6 млн. доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилган. Мос равишда ушбу инвестицияларнинг энг катта қисми 2018-2020 йилларда давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар бўлиб, сўнгги 3 йилда 2 893 млн. долларга тенг бўлган. Умуман олганда, 2016-2020 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш кўрсаткичи асосий манба йўналиши бўлиб, 7 349,6 млн. долларни ташкил этган.

Шу билан бирга жамиятнинг ўз маблағлари ҳисо-


Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция лойиҳалари, нефть, газ тўғридан-тўғри инвестициялар.

Давлат инвестиция дастури доирасида нефть ва газ соҳасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, (млн. долл.)¹

Ўзлаштириш манбалари	Жами	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
ЖАМИ	13 650,6	2 992,7	3 635,5	2 331,2	3 250,9	1 440,3
Ўз маблағлари	2 473,4	1 010,3	434,8	548,7	281,4	198,2
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	7 349,6	1 646,4	2 648,6	952,5	1 887,0	215,0
Давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	2 893,0	0,0	0,0	830,0	1 066,0	997,0
ФРРУ (ЎзТТЖ) маблағлари	879,6	316,1	547,0	0,0	16,5	0,0
Тижорат банкларнинг кредитлари	55,0	19,9	5,1	0,0	0,0	30,0

бидан коронавирус пандемияси шароитида ҳам 2020 йилда 198,2 млн. доллар инвестициялар ўзлаштирилган. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамиятининг маблағларини ҳам сўнгги 5 йилда 879,6 млн.

ни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар катта кўламга эга бўлмоқда. Ишлаб чиқаришни янгилаш янги объектларни ишга туширишга кўплаб инвестициялар жалб қилинмоқда. Қуйидаги жадвалда ушбу



Давлат инвестиция дастури доирасида нефть ва газ соҳасида ўзлаштирилган инвестициялар динамикаси 2016-2020 йиллар (млн. долларда)².

доллари ўзлаштирилган. Лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ва уларни ишга туширишда айнан нефть-газ тармоғига 2016-2020 йилларда тижорат банкларнинг кредитлари жами 55 млн. доллар ҳажмда ўзлаштиришга эришилган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестициялар-

инвестициялар ҳажмини кўриш мумкин бўлади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни янги қурилиш объектларига жалб қилиш жадвалининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда янги қурилиш объектларига инвестицияларни жалб қилиш 2019 йилга нисбатан 3,2 фоизга, 2015 йилга

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни янги қурилиш объектларига жалб қилиш динамикаси (млн. долл.)³.

Йиллар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами, шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича	2029,52	1709,65	2234,96	3533,98	3531,79	3645,0
Хусусий маблағлар	124,7	146,48	96,9	311,98	202,55	220,0
ФРРУ (ЎзТТЖ) маблағлари	106,98	34,71	55,0	115,0	120,0	200,0
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	1787,84	1507,46	2058,06	3070,0	3151,24	3000,0
Тижорат банкларнинг кредитлари	10,0	21,0	25,0	37,0	58,0	25,0

¹ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

² “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

³ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

нисбатан эса қарийб 1,8 баробарга кўпроқ кўрсаткич қайд этилган. Шу жумладан, хусусий маблағлар ҳисобига инвестицияларни жалб қилиш 2017 йилда 96,9 млн. долл.га тенг бўлган ҳолда энг паст натижага эришилган. 2018 йилда бу кўрсаткич анча яхшиланган ва 311,98 млн. долл.га етказилган. 2020 йилда пандемия оқибатлари ўлароқ, хусусий маблағларни жалб қилиш 2019 йилга нисбатан 8,6 фоизга ортган ва 220 млн. долларга тенг бўлиб, 2018 йилга қараганда қарийб 29,5 фоизга пасайиш кузатилган. 2020 йил якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобига 200 млн. долл.га тенг бўлиб, 2019 йилга нисбатан қарийб 1,7 баробарга кўпроқ бўлган ҳамда сўнгги 6 йилда энг катта ҳажмда инвестиция маблағлари айнан шу йўналишга қаратилган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни модернизация ва реконструкция қилиш ишларига жалб қилиш жадвалига кўра, 2020 йилда объекларни таъмирлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кескин пасайган. Унга кўра, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 37,8 фоизга, 2018 йилга нисбатан 55,4 фоизга, 2017 йилга нисбатан 42,3 фоизга, 2016 йилга нисбатан 55,6 фоизга ҳамда 2015 йилга нисбатан 39,4 фоизга инвестицияларни жалб қилиш камайганлигини кўриш мумкин. Бунда 2020 йил якунига кўра, хусусий маблағлар ҳисобига 123,57 млн. долл., Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобига 40 млн. долл., хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига 112,5 млн. долл., тижорат банклари кредитлари ҳисобига 101,95 млн.долларга тенг бўлган. Шунга қарамай, ягона ижобий кўрсаткич тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига тўғри келган ҳолда 2020 йилда 2019 йилга нисбатан қарийб 1,75 баробарга кўпроқ бўлган, лекин 2018 йилга қараганда деярли 52,5 фоизга пастлаган. “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни модернизация ва реконструкция ишларига жалб қилиш бўйича энг юқори кўрсаткич 2016 йилга тўғри келиб, 849,9 млн. долларга тенг бўлган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни бошқа йўналишлардаги объектларга жалб қилиш динамикасига кўра, ушбу йўналиш бўйича жами корхонага 2020 йилда киритилган инвестицияларнинг 22,8 фоизга тенг бўлган. Яъни, 2020 йилда бошқа йўналишлардаги лойиҳалар учун 1190,62 млн. долл. жалб қилинган. Шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича хусусий маблағлар салмоғи 2020 йилда 84 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобига 6 йил мобайнида 10,6 млн. долл. Бу албатта жуда паст кўрсаткич ҳисобланади. Шу билан бирга хорижий инвестициялар ва кредитлар томонидан 2020 йилда 190 млн.долл инвестиция жалб қилиниб, 2015-2020 йиллар оралиғида 1239,52 млн. долларни ташкил қилган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, 2015-2020 йиллар давомида айнан ушбу йўналишга 7369,62 млн. доллар жалб қилинган бўлса-да, жамият учун фойда келтирган бўлса-да, бу нефть ва газ тармоғини ривожлантириш учун хизмат қилмайдиган, ихтисослик нуқтаи назаридан бутунлай бошқа йўналишдаги лойиҳалар ҳисобланади.

2016-2020 йиллар давомида Тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига ишга туширилган лойиҳалар қиймати 28,4 млн.долларга тенг бўлиб, бу кўрсаткичга эришиш учун фақатгина 2016-2018 йиллардаги объектлар фаолияти йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига 2016-2020 йиллар мобайнида “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидagi лойиҳаларни ишга тушириш учун умумий ҳисобда 105,1 млн. доллар сарфланган. Бу инвестицион лойиҳалар ишга тушиш даври эса мос равишда 2016-2017 йилларга тўғри келмоқда.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 2016-2020 йилларда ишга туширилган лойиҳалар натижаси ўлароқ бу даврда умумий яратилган янги иш ўринлари сони 3550 тани ташкил этган. Энг юқори кўрсаткичларга эса 2017-2018 йилларда эришилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 14 майдаги Фармони.
3. www.ung.uz- “Ўзбекнефтгаз” АЖ расмий ахборот сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Транспорт тизимининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсирини баҳолаш масалалари

Проблемы оценки влияния транспортной индустрии на социально-экономическое развитие

Issues of assessing the influence of transport industry on social-economic development

Ахмед САПАЕВ,
Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада Хоразм вилояти транспорт тизими тараққиёт даражасининг мавжуд ҳолати тадқиқ қилинган. Хоразм вилоятида хизматлар соҳаси таркибий ўзгаришлари, унда жами транспорт хизматларида автотранспорт хизматларининг улуши динамикаси ўрганилган. Транспорт тизимининг вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири эконометрик таҳлил усуллари асосида аниқланган эластиклик коэффициентлари ёрдамида баҳоланган. Минтақада транспорт хизматларини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

В данной статье проанализировано текущее состояние развития транспортной системы Хорезмского региона. Рассмотрены структурные изменения в сфере услуг Хорезмского региона, а также динамика доли автотранспортных услуг в общем объеме транспортных услуг. Влияние транспортной системы на социально-экономическое развитие региона оценивалось с использованием коэффициентов эластичности, определенных на основе методов эконометрического анализа. Разработаны научные предложения и рекомендации по развитию транспортных услуг в регионе.

This paper analyzed current state of development of the transport system in Khorezm region. It reviews structural changes in the service sector of Khorezm region, as well as the dynamics of the share of auto transport services in total transport sphere. The effect of transport system on socio-economic development of the region was assessed using elasticity coefficients determined by the basis of econometric analysis methods. It developed scientific proposals and recommendations for the development of transport services in the region.

Мавзунинг долзарблиги. Транспорт тизими ҳудуд ва тармоқлар тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омиллардан бири бўлиб, улар учун ресурслар ва товарлар ҳаракатини таъминлайди. Натижада ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан мутаносиб равишда транспорт хизматларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Ўз навбатида транспорт хизматлари иқтисодиёт

тармоқлари тараққиётини таъминлашдаги таянч йўналишлардан бўлиб, асосий хизматларни кўрсатишда минтақавий иқтисодиёт ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, ижтимоий тараққиётни таъминлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, аҳолининг аксарият қисми кундалик ҳаётида транспорт хизматларидан фойдаланади. Бундан кўринадики, аҳоли сонининг

Калит сўзлар: транспорт, транспорт тизими, транспорт инфратузилмаси, автотранспорт хизматлари, корреляцион таҳлил, эластиклик коэффициенти.

ошиб бориши транспорт хизматларини бугунги замон талаблари асосида янада ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Келтириб ўтилганларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий иқтисодий тараққиётни таъминлашда транспорт хизматларининг ролини баҳолаш ва унинг истиқболли йўналишларини белгилаб бериш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” [1] ги фармонининг 1-илоvasида “йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” вазифаси белгилаб берилган.

Адабиётлар шарҳи

Транспорт воситаларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли кўпчилик тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Натижада иқтисодчилар транспорт ривожланишининг минтақавий иқтисодий ўсишга таъсирини узоқ вақтдан бери таъкидлаб келишади [2]. Транспорт тизимининг барқарор иқтисодий ўсишдаги аҳамияти, унинг мамлакат макро-иқтисодий кўрсаткичларига боғлиқлик даражалари аниқланган [3]. Транспортнинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти тадқиқ қилинган [4]. Транспортни ривожлантириш бандликни ва иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида қаралади [5]. Транспорт минтақавий иқтисодий интеграция учун муҳим, чунки, у савдо имкониятларини оширади, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва урбанизация учун шароит яратади [6]. Транспорт тизимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири нафақат инфратузилмани ривожлантириш призмаси орқали, балки, кенгроқ миқёсда қараб чиқилиши талаб қилинади [7]. Транспорт ва иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, лекин уларнинг муносабатлари ҳали ҳам тўла ўрганилмаган [8]. Бундан ташқари, олимлар транспорт инфратузилмасига сармоя киритиш минтақавий иқтисодий ўсишни тезлаштира оладими, деган саволга эътибор қаратдилар. Транспорт тизимларининг ривожланиши узоқ

муддатли истиқболда иқтисодий ўсишни тезлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади ва уни институционал ўзгаришларга таъсири мавжуд [9]. Транспорт ривожланиш оқимини тезлаштиради ва ижодий одамларнинг йиғилишини осонлаштиради, бу эса минтақанинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Худди шундай, харажатларни камайтириш ва транспортни ривожлантиришдан келадиган даромадни кўпайтириш билан бирга, йирик капитал ва ишчи кучи бозорига эга бўлган асосий минтақаларда иқтисодий агломерацияни юзага келтиради, бу эса минтақавий инновациялар салоҳиятини оширади [10]. Транспортнинг яхшиланиши иқтисодий ўсиш ва фаровонликка ҳисса қўшади, товар ва хизматлар нархини пасайтиради, савдони рағбатлантиради [11]. Ривожланган транспорт инфратузилмасининг мавжудлиги илмий билимлар ва технологик ишланмаларнинг тарқалишига таъсир қилади, шунинг учун инсон илмий капиталини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди [12].

Таҳлил ва натижалар

Мамлакат ва унинг ҳудудларида ривожланган ҳамда бугунги кун талабларига жавоб берадиган йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмани шакллантириш нафақат ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашга, балки аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Яъни, ҳар қандай ҳудудда транспорт инфратузилмаси кенг қўламли иқтисодий фаолиятнинг таянчи бўлиб хизмат қилади. Транспорт инфратузилмаси иқтисодий имкониятлар ва юқори турмуш даражасини қидириш учун турли йўналишдаги ва турдаги логистика пунктлари орқали инсонлар ва товарларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда транспорт тизими тараққиётини таъминлаш асосида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кейинги даврдаги иқтисодий тараққиётнинг асоси бўлган Ҳаракатлар стратегиясида “йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш

хавфсизлигини ошириш ва атроф-муҳитга зарarli моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш” каби муҳим масалаларни ечишга алоҳида эътибор қаратилган [1].

Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича минтақа тараққиётини таъминлашда транспорт тизимининг ривожланганлик даражаси муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Чунки, транспорт тизимининг ривожини бевосита инфратузилманинг шаклланганлиги билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш учун қулай иқтисодий муҳит яратади. Бошқа томондан эса, товарлар ва ишчи кучи ҳаракатини таъминлагани ҳолда зарурий ишлаб чиқариш омилларини етказиб беришга хизмат қилади.


Транспорт тизимининг ривожини бевосита хизматлар соҳаси билан боғлиқ бўлиб, статистик маълумотларга кўра кейинги даврда Хоразм вилоятида жами хизматларда транспорт хизматлари улушининг пасайиши кузатилади (1-чизма).

турларига нисбатан ўсиш суръатининг паст бўлиши унинг улушидаги салбий тенденциянинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Хусусан, ушбу даврда жами хизматлар ҳажмининг ўзгариши 3,8 баробарни ташкил қилган бўлса, транспорт хизматларида 2,9 баробарни ташкил қилган. Натижада, вилоятда транспорт тизимининг ижобий ривожини таъминланишига қарамасдан нисбий кўрсаткичлардаги салбий тенденция вужудга келган.

Бундан ташқари, транспорт тизимининг таркибий тузулишига эътибор қаратадиган бўлсак, асосий улуш автотранспорт хизматлари ҳиссасига тўғри келади ва мазкур кўрсаткичнинг сезиларсиз даражадаги ўзгаришини ҳисобга олмаганда кейинги даврда барқарор даражада қолганлигини кузатиш мумкин (2-чизма).

Маълумотларда автотранспорт хизматлари улуши 2010 йилда анча паст бўлганлиги ва 2011 йилга келиб кескин кўтаришганини кузатиш мумкин. Аммо 2011-2020 йилларда улушда юқори ўзгаришлар кузатилмаган варицион кенглик




1-чизма. Хоразм вилоятида хизматлар соҳаси таркибий ўзгаришлари динамикаси¹.

Яъни, жами хизматларда транспорт хизматлари улуши 2010 йилда 41,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 24,3 фоизгача пасайганлигини кузатиш мумкин. Аслида транспорт хизматларининг мазкур даврда ўсиши таъминланган бўлишига қарамасдан, хизматларнинг бошқа

3,8 фоизни ташкил қилади. Бундан кўринадики, вилоятда транспорт тизими ривожланиши таъминланган бўлишига қарамасдан талаб даражасида эмас. Чунки, айнан транспорт хизматларининг ўсиш суръатлари нисбатан паст бўлиши, уларнинг жами хизматлардаги улуши пасайиши-

¹ Муаллифи ишланмаси



2-чизма. Жами транспорт хизматларида автотранспорт хизматларининг улуши динамикаси².

га сабаб бўлган. Бундан ташқари транспорт хизматларининг тараққиёти фақат автотранспорт хизматларига боғлиқ бўлиб қолмоқда, яъни, бошқа турдаги транспорт турлари тараққиётига устуворлик бериш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, транспорт хизматлари бозорида рақобат курашини таъминлаш бозор қонунларига амал қилишга асос бўлар эди.

Юқорида Хоразм вилоятида транспорт тизими ривожланишининг минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини эътибор қаратдик. Шунинг учун миқдорий усуллар ёрда-

мида аниқ кўрсаткичлар асосида соҳа ривожини ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолашни амалга оширдик. Вилоятда кўрсатилган транспорт хизматлари ҳажми ҳамда унинг бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда қараб чиқдик.

Ушбу таъсирини тадқиқ қилиш учун эластиклик коэффициентдан фойдаландик. Яъни, вилоятда транспорт хизматларини бир фоизга ошиши муҳим иқтисодий кўрсаткичларни неча фоизга ошишини таъминлашига эътибор қарат-

1-жадвал.

Регрессион таҳлил натижалари³

T/p	Модел кўриниши	Стъудент мезони	Детерминация коэффициенти	Эластиклик коэффициенти
1	$\ln Y = 4.74 + 0.54 * \ln x_1$	$b_0=28.02$ $b_1=21,13$	R2=0.98	0.54
2	$\ln x_4 = 4.68 + 0.41 * \ln x_1$	$b_0=36.86$ $b_1=21,70$	R2=0.98	0.41
3	$\ln x_5 = 0.97 * \ln x_1$	$b_1=288,60$	R2=0.99	0.97
4	$\ln x_6 = 0.89 * \ln x_1$	$b_1=229,80$	R2=0.99	0.89
5	$\ln x_7 = -1.28 + 1.05 * \ln x_1$	$b_0=-2.31$ $b_1=12,45$	R2=0.94	1.05
6	$\ln x_8 = 4.04 + 0.51 * \ln x_1$	$b_0=-19.17$ $b_1=15,87$	R2=0.97	0.51
7	$\ln x_{11} = -3.71 + 1.26 * \ln x_{12}$	$b_0=-5.24$ $b_1=14,52$	R2=0.96	1.26
8	$\ln x_{12} = 3.15 + 0.76 * \ln x_1$	$b_0=9.16$ $b_1=14,52$	R2=0.96	0.76

² Муаллифи ишланмаси

³ Муаллифи ишланмаси

дик.

Эластиклик кўрсаткичи чизиқли функцияда ўзгарувчан эканлигини ҳисобга олган ҳолда ўзгармас эластиклик коэффициентига эга бўлган логарифмик функциядан фойдаланилди. Тадқиқотни амалга ошириш учун 2010-2020 йиллар маълумотлари олинди, яъни, жами кузатувлар сони 11 тани ташкил қилди. Кўрсаткичларимиз қиймат шаклида бўлгани сабабли 2010 базис йил сифатида қабул қилинди ва қолган йиллар ўзгармас нархларда реал қийматларга ўтказилди. Регрессион таҳлилни амалга ошириш учун Gretl дастуридан фойдаландик.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган эконометрик моделлар ва уларнинг адекватлигини ифодаловчи турли мезонлар кўрсаткичларига эътибор қаратиб ўтамиз (1-жадвал).

Бу ерда: Y – Хоразм вилоятида етиштирилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми млрд. сўм (2010 йил нархларида); X_1 – транспорт хизматлари млрд. сўм (2010 йил нархларида); X_4 – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулоти млрд. сўм (2010 йил нархларида); X_5 – саноат маҳсулоти қурилиш қўшган ҳолда млрд. сўм (2010 йил нархларида); X_6 – саноат маҳсулоти млрд. сўм (2010 йил нархларида); X_7 – бажарилган қурилиш ишлари млрд. сўм (2010 йил нархларида); X_8 – кўрсатилган хизматлар ҳажми млрд. сўм (2010 йил нархларида); X_{12} – аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар минг сўм (2010 йил нархларида).

Келтириб ўтилган биринчи жадвалдаги барча моделлар адекват. Хусусан, Стьюдент мезони ва детерминация коэффициентлари натижаларига асосланган ҳолда ушбу моделлардан тадқиқот ишида фойдаланиш мумкинлигини кўриш мумкин.

Ишлаб чиқилган моделлар натижаларига таянган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, вилоят-

да транспорт хизматлари ҳажми билан асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар орасида юқори боғлиқлик ва ўзаро таъсир мавжудлиги аниқланди. Хусусан, транспорт хизматлари реал ҳажмини бир фоизга ошиши вилоятда яратилган ЯХМ миқдорини 0,54 фоизга ошишини таъминлайди. Тадқиқот натижасида вилоятда транспорт хизматларини ривожланишининг саноат ва қурилиш ишлари ҳажмига таъсири юқори эканлиги аниқланди. Бундан ташқари аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажми билан транспорт хизматлари орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, транспорт хизматларини бир фоизга ошиши аҳоли жон бошига умумий реал даромадларни 0,76 фоизга ошириши аниқланди. Бошқа томондан эса аҳоли жон бошига реал даромадларни бир фоизга ошиши транспорт хизматлари ҳажмини 1,26 фоизга ошириши аниқланди.

Хулоса

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, Хоразм вилоятида транспорт тизими барқарор ривожланишига эга бўлишига қарамасдан хизматларнинг бошқа йўналишларига нисбатан пастроқ ўсишга эга бўлмоқда, натижада унинг жами хизматлардаги улуши пасайган. Транспорт хизматлари фақат автотранспорт хизматларига боғлиқ бўлиб қолмоқда, фикримизча бошқа турдаги транспорт турларини ҳам ривожлантириш масалаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, транспорт хизматларининг умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ифодаловчи кўрсаткичлар билан юқори боғлиқликка эга эканлиги аниқланди. Жумладан, аҳоли даромадлари ошиши транспорт хизматлари ривожини таъминлашга хизмат қилса, бошқа томондан транспорт хизматлари ривожини аҳоли даромадларини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”даги фармони.
2. D. Spurling, J. Spurling, M. Cao. Transport economics matters: Applying economic principles to transportation in Great Britain. Brown Walker Press, Boca Raton (2019).
3. Oksana Skorobogatova, Irina Kuzmina-Merlino. Transport Infrastructure Development Performance. 16th Conference on Reliability and Statistics in Transportation and Communication, Rel-

Stat'2016, 19-22 October, 2016, Riga, Latvia.

4. Filip NISTOR, Cătălin POPA. The role of transport in economic development. "Mircea cel Batran" Naval Academy Scientific Bulletin, Volume XVII – 2014 – Issue 2 Published by "Mircea cel Batran" Naval Academy Press, Constanta, Romania.

5. W. Veeneman. Developments in public transport governance in the Netherlands; the maturing of tendering. *Research in Transportation Economics*, 69 (2018), pp. 227-234.

6. R. Vickerman. Can high-speed rail have a transformative effect on the economy? *Transport Pol.*, 62 (2018), pp. 31-37.

7. Koźlak, Aleksandra. (2017). The role of the transport system in stimulating economic and social development. *Zeszyty Naukowe Uniwersytetu Gdańskiego. Ekonomika Transportu i Logistyka*. 72. 19-33. 10.5604/01.3001.0010.6873.

8. Hong, Z. Chu, Q. Wang. Transport infrastructure and regional economic growth: evidence from China. *Transport*, 38 (5) (2011), pp. 737-752.

9. D. Banister, K. Button. *Transport, the environment and sustainable development* Routledge, Abingdon (2015).

10. C. Ding. Transport development, regional concentration and economic growth *Urban Studies*, 50 (2) (2013), pp. 312-328.

11. Baier, S.L., Bergstrand, J.H.: The growth of world trade: tariffs, transport costs and income similarity. *J. Int. Econ.* 53(1), 1–27 (2001).

12. Deng, T.: Impacts of transport infrastructure on productivity and economic growth: recent advances and research challenges. *Transp. Rev.* 33(6), 686–699 (2013).

Кимё корхоналарини ривожлантиришда бизнесни бошқариш моделларини такомиллаштириш Совершенствование моделей управления бизнесом при развитии химических предприятий Improving business management models of chemical enterprises

Феруза АБУЛЧАЕВА,
Фарғона политехника институти таянч докторанти.

Аннотация

Ушбу мақолада бизнесни бошқариш моделлари тўғрисида тушунча, хорижий тадқиқотчиларни ёндашувлари, бизнесни бошқариш моделлари таркибий қисмлари, функциялари, саноат корхоналарини иқтисодий самарадорликка таъсири, моделларни ишлаб чиқиш бўйича талаб этиладиган мезонлар ёритилган ҳамда корхоналарга татбиқ этиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

В данной статье были разработаны концепции моделей управления бизнесом, подходы зарубежных исследователей, составные части и функции моделей управления бизнесом, влияние на экономическую эффективность промышленных предприятий, необходимые критерии для разработки моделей, а также предложения и рекомендации по внедрению.

This article describes the concept of business management models, approaches of foreign researchers, components and functions of business management models, their impact on the economic efficiency of industrial enterprises, the required criteria for model development and proposals and recommendations for implementation.

Бугунги пандемия шароитида ишлаб чиқариш корхоналари олдида турган энг асосий масала оптимал усул асосида корхонанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади. Иқтисодий самарадорликка эришишда замонавий техника-технологиялар, ходимларнинг меҳнат салоҳияти билан бир қаторда бизнес моделларини қўллаш талаб этилмоқда.

Бизнесни моделлаштириш бу корхонани муваффақиятли фаолият юритишига хизмат қилувчи восита ҳисобланади. Саноат корхоналарини бизнес моделларини ишлаб чиқишда мутахассисдан корхона ҳақида пухта билим, креатив фикрлаш, ривож-

лантирувчи стратегияни тузиш каби қобилиятлар талаб этилади.

Саноат корхоналарида бизнес модели концепцияси корхона фойдасига ва мижозга, яъни, ички ва ташқи омилларга йўналтирилган ёндашувга асосланиши лозим. Биринчи ёндашувда корхона ички муҳитидаги бизнес жараёнлар, техника – технологиялар, ходимларнинг меҳнат салоҳияти эътиборга олинса, иккинчи ёндашувда аксинча корхона истеъмолчилари яъни ташқи муҳит омилларига эътибор қаратилади.

Бизнес модели тушунчаси бўйича турлича нуқтаи назар бўлганлиги сабабли ягона таъриф

Калит сўзлар: бизнесни бошқариш модели, рақобатбардошлик, функционал модел, ташкилий модел, ахборот модели, инвестицион жозибаторлик.

“Бизнес модели” атамаси моҳиятининг таърифлари.

Ёндашув	Таъриф
Қийматга йўналтириш – мижоз	Бизнес модели корхона маҳсулотни қандай ишлаб чиқаришни, мижозларга етказиб беришни, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қиймат шакллари қандай яратишни мантиқий равишда тавсифлайди. [4]
	Бизнес модели бу корхонанинг харидорлар учун қиймат яратиш ва ундан фойда олиш усулидир. [3]
Ички бизнес жараёнларига йўналтириш	Бизнес модели – бу корхонани бизнес жараёнидаги энг муҳим параметрларини ўзида жамлаган ёки тасвирлаган кўринишидир. [8]
	Корхонанинг бизнес модели – бу фойда олиш ва рақобатбардош бўлиш қобилияти билан боғлиқ бўлган корхонанинг барча муҳим хусусиятларини аниқ намоиш эта оладиган шакл ҳисобланади. [2]
	Бизнес модел – бу ягона тизим ичида компанияларда ички ва ташқи муҳитни белгилайдиган тегишли модел элементлари тўпламидир. [7]

ишлаб чиқилмаган. Ч.Ким, Р.Моборанлар “Бизнес модели – бу компания турли мезонлар бўйича истеъмолчи эҳтиёжларини қандай қондиришини акс эттирувчи қиймат эгри чизиғи” деб таърифлашган бўлса, [5] Г.Чесборо “Бизнес модели – бу компания учун қиймат яратиш ва фойда олиш мақсадида фойдаланадиган восита” [6] сифатида ёндашишган.

Фикримизча, корхонанинг бизнес модели бу рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилувчи бошқариш жараёнини ташкил этишда график ва матнли тавсифлардан фойдаланиш ҳисобланади.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари истеъмолчиларнинг ўсиб бораётган талабларини узоқ вақт давомида қондириш, янги бозорларни эгаллаш каби масалаларга самарали бизнес моделни ишлаб чиқиш орқали эришилади. Бизнес модели корхонани инновацион ва стратегик бошқарув тизимини лойиҳалаш воситаси сифатида яқин йилларда пайдо бўлди. Бизнесни моделлаштириш дастлаб 70-йилларда йирик лойиҳаларни бошқаришга бўлган эҳтиёж пайдо бўлганида ишлаб чиқилди.

Бизнесни моделлаштириш мавзусидаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина муаллифлар бизнес модели тушунчасини турлича йўналишларда талқин этишган. Баъзи тадқиқотчилар бизнес моделини мавҳум тушунча сифатида ифодалаганлар, бунинг асосида корхона ўз фаолиятини амалга оширадиган қийматни яратиш, сотиш ва мижозларга етказиб бериш усулларини энг умумий шаклда тавсифлаш учун фойдаланадилар. [9]

Яна баъзилари бизнес концепциясига урғу беришган яъни мураккаб бизнес жараёнини бартраф этиш мақсадида мақбул бошқарув механизми

ишлаб чиқишни назарда тутди.

Бизнес модели корхонани ташкилий-иқтисодий жараёнларини қамраб олишга, асосий ишларга диққатни жамлашга, корхона фаолиятини мунтазам назорат қилишда аниқланмайдиган муаммолар ва ўзаро боғлиқликларни, қарама-қаршиликларни ва алтернативаларни аниқлашга имкон беради. Корхона бизнес модели билан ишлаш назарий жиҳатдан унинг фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради.

Бизнесни бошқариш модели томонидан ҳал қилинадиган вазифалар:

- ходимлар эътиборига етказилиши мумкин бўлган бизнеснинг мантиқий ва изчил концепциясини, корхона фаолиятини ташкил этиш тамойилларини тақдим этиш;

- ноёб комбинацияларда ишлаб чиқилиши ва ишлатилиши мумкин бўлган бизнес моделининг муҳим таркибий қисмларининг тузилишини шакллантириш;

- корхонанинг мақсадларига эришиш учун зарур бўлган асосий тенденцияларни аниқлаш;

- инвесторларни қизиқтириш, шунингдек зарур манбааларни олиш учун бошқа манбаалардан фойдаланиш мақсадида бизнеснинг иқтисодий жозибдорлигини кўрсатиш;

- корхона фаолиятини бошқариш, корхона менежерлари томонидан кўриб чиқилган айрим стратегик ва тактик қарорларни баҳолаш мезонларини аниқлаш учун ҳақиқий асос яратиш;

- ташқи ишбилармонлик муҳитида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда корхона стратегик йўналишларини аниқлаш.

Бизнесни бошқариш модели кенг қўламли вази-

фалар доирасида қўлланилади, буларга бизнес мантигини тушуниш, корхонани ташқи ўзгаришларга мослашиш шаклини лойиҳалаш, стратегик режалаштириш ва бизнесни моделлаштириш, бизнесни ташкил этиш ва юритиш мантигига оид ягона алоқа маконини яратиш киради.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнесни моделлаштиришнинг замонавий амалиёти бизнеснинг барча соҳаларида қўлланилади ва ундан ташқари га чиқади. Шундай қилиб, ижтимоий ва экологик лойиҳаларни ташкил қилишда бизнес моделлари кўриб чиқилади, ушбу концепциянинг асослилиги ва амалиётга йўналтирилганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бизнесни бошқариш моделларини маҳаллий саноат корхоналарида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса қишлоқ хўжалигини ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган кимё саноати корхоналарида бизнесни бошқариш моделларини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маълумки кимё саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг базавий тармоқлар сирасига киради ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни жадаллаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб минерал ўғитлар чиқарувчи корхоналарни қуриш орқали ташкил топган. Республиканинг замонавий кимё саноати тарихи Шўрсув олтин гугурт кони 1932 йилда ишга туширилиши билан бошланади. 1940 йилда кимё саноатининг энг йирик корхонаси — Чирчиқ электр-кимё комбинати (бугунги кунда “Максам-Чирчиқ” АЖ) маҳсулот бера бошлади. 1962 йилда Фарғона азотли ўғитлар заводи (бугунги кунда “Фарғона-азот” АЖ) ишга туширилди. 1964 йилда Навоий кимё комбинати (бугунги кунда “Навоийазот” АЖ) маҳсулот бера бошлади. 1969 йилда Олмалик кимё заводи (бугунги кунда “Аммофос” АЖ) ишга туширилди. Ҳозирги вақтда “Максам-Чирчиқ”, “Навоийазот” ва “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятлари азотли ўғитлар аммиакли селитра, карбамида, аммоний сульфати ишлаб чиқарадилар. “Аммофос”, “Самарқанкимё” ва “Қўқон суперфосфат заводи” акциядорлик жамиятлари фосфорли ўғитлар аммофос, супрефос, оддий аммонийли суперфосфат, аммонийсулфофосфат ва нитрокальцийфосфат ишлаб чиқарадилар. Уларни хомашё билан Қизилқум фосфорит комбинати таъминлайди. “Электрохимзавод” ҚК АЖ ўсимликларни муҳофаза қилиш кимё воситаларни ишлаб чиқаради.

Компания корхоналарини ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб қуйидаги ишлаб чиқариш мажмуаларга бўлиш мумкин:

- минерал ўғитлар, ноорганик моддалар ва энергетика, олтинкон ва кимё саноатлари учун кимё реагентлар ишлаб чиқариш мажмуаси;
- органик кимё, сунъий тола ва полимер материаллар ишлаб чиқариш мажмуаси;
- ўсимликларни муҳофаза қилиш кимё воситалари ишлаб чиқариш мажмуаси;
- кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш мажмуаси.

“Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари 170 дан ортиқ кимё маҳсулотлар турлари ишлаб чиқарилади. [10]

Сўнги йилларда соҳада яратилган пойдевор кимё саноати салоҳиятини яқин 3-5 йил давомида барқарор ўсиш динамикасини таъминлай олади. Бироқ, кимё саноатининг барча йўналишларини узоқ муддатли барқарор ривожланишига мустақкам замин яратиш учун соҳани трансформация қилиш жараёнларини, энг илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда жадаллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда [1]. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлашда кимё саноати корхоналарини рақобатбардошлигини оширишда бизнесни бошқариш моделларини қўллаш ҳамда такомиллаштириш зарур.

Бошқа саноат соҳалари каби кимё саноати корхоналари ҳам бизнесни бошқариш моделини ишлаб чиқишда мавжуд бозорларни чуқур тадқиқ этади, шу билан бирга:


- корхона ходимлари, уларни таркиби, малака даражаси, қўнимсизлик ҳолати, мотивация берувчи тренинглари ҳамда захира кадрлар билан ишлаш тизимини ташкил этилганлиги;
- ишлаб чиқариш қуввати, имкониятлари, мавжуд талабга мувофиқлиги;
- корхонани молиявий салоҳияти, молиявий мустақиллик даражаси;
- молиялаштиришда кредитлар жалб этиш имконияти;
- бозорда ўз имкониятларини ошириш мақсадида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини мавжудлигини эътиборга олади.

Бизнесни бошқариш модели тадбиркорлик, самарали рақобат стратегияси, маркетинг стратегияси, иқтисодий стратегия, операция стратегия ҳамда барқарор ўсиш стратегияларини ўз ичига

олган турли бизнес таркибий қисмларидан иборат бўлади. Шунингдек, бизнесни бошқариш модели инновацион лойиҳаларни бизнес учун иқтисодий қийматга айлантиради, корхона қиймат занжирида ўз ўрнини аниқ белгилаб, қандай қилиб иқтисодий самарадорликка эришиш ҳақида йўналишлар белгилаб беради (1-чизмага қаранг).

зимидаги барча элементлар интеграциясини таъминлайди. Агар ташкилий моделда ўзгаришлар содир бўлса, ўзгаришни функционал ҳамда ахборот моделига таъсирини баҳолаш лозим.

Шундай қилиб бизнесни бошқариш модели бу sanoat корхоналари бизнесини юритишда рақобатбардошликни таъминловчи бозор талабига мосла-



1-чизма. Кимё sanoati корхоналарида бизнесни бошқариш модели¹.


Бизнесни бошқариш моделини учта таркибий қисмдан иборат:

- функционал модел бунда бошқарув тизими бизнес жараёнларини вертикал ёки горизонтал шаклда бошқаради;
- ташкилий моделда корxonани ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларни бошқариш тизимига эътибор қаратилади;
- ахборот моделида эса корхонадаги ахборотлар оқимини муайян алгоритм асосида бошқаради (2-чизмага қаранг).

шувчан тизим ҳисобланади.

Умуман олганда кимё sanoati корхоналарига бизнесни бошқариш моделини татбиқ этиш натижасида қуйидагиларга эришилади:

- sanoat корxonаси аниқ стратегик йўналиш асосида бошқарув тизимини ташкил этади;
- барча раҳбар-ходимларни функционал вази-фалари, горизонтал ёки вертикал бошқарув тизими асосида юритилади;
- корxonани бозор қийматини оширишга, бренд стратегиясини бошқаришга, инвестицион жозиба-



2-чизма. Кимё корхоналарида бизнесни бошқариш моделини таркибий қисмлари¹.

Бизнесни бошқариш моделини ушбу таркибий қисмлардан иборат бўлиши корхона бошқарув ти-

дорликка эришилади;

- депсиниб турган кимё sanoati корхоналарига

¹ Муаллиф ишланмаси

² Муаллиф ишланмаси

модел асосида инновация киритилади, рақобатда устунликка эришиш бўйича курашишни аниқ миссияси ишлаб чиқилади;

– корхоналарни ички ва ташқи муҳит омиллари

таҳлилий ўрганилади, бизнесдаги йўқотишларни олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори <https://lex.uz/docs/5288160>
2. Котельников В.Ю. Теп3: Новые бизнес-модели для новой эпохи быстрых перемен, движимых инновациями - М: Эксмо, 2007 г. - 96 с.
3. Сооляттэ А.Ю. Бизнес-модель - ключ к развитию бизнеса на основе инновация // Менеджмент инноваций. – 2010 г. - №1 (09). – С. 6-15.
4. Федоренко А. Стратегия предприятия vs. Бизнес-модель предприятия. 2011. - Режим доступа: <http://socium.com.ua/2011/02/business-strategy-vs-business-model/#more-1190>.
5. Чан Ким У, Моборн Р. Стратегия голубого океана. – М: Манн, Иванов и Фербер, 2013. – 304 с.
6. Чесборо Г. Открытые бизнес-модели: IP – менеджмент. – М.: Поколение, 2008. – 352 с.
7. Шингарев А.В. Построение бизнес-модели корпорации, ориентированной на развитие. - 2002. - Режим доступа: <http://www.aup.ru/books/m74/3.htm>.
8. Эффективные модели бизнеса. 2002. - Режим доступа: <http://www.strategy.com.ua/Articles/Content?Id=110>.
9. Hamel G., Prahalad K. Competing for the Future. – Boston: Harvard Business Review Press, 1996. – 384 p.
10. <https://uzkimyosanoat.uz/uz/company/history>

УЎТ: 336.025

Кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий бошқарув услугларининг роли ва асосий хусусиятлари Роль и основные особенности методов финансового управления в деятельности малого бизнеса The role and key features of financial management methods in the activities of small business entities

Жасурбек МАХМУДОВ,

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий бошқарув услулари аҳамияти ёритилган. Шунингдек, мақолада тадбиркорлик субъектлари фаолиятида молиявий бошқарув услулари ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

В статье рассматривается значение методов финансового менеджмента в деятельности малого бизнеса. В статье также исследуются особенности методов финансового менеджмента в деятельности субъектов хозяйствования.

The article discusses the importance of financial management methods in the activities of small businesses. The article also examines the specifics of financial management methods in the activities of business entities.

Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодийнинг анча кенг тарқалган соҳаларидан ҳисобланади. Кичик бизнес ва йирик бизнес ўртасидаги асосий фарқ шундаки, уни яратиш катта инвестицияларни талаб қилмайди, бизнесни юритиш учун сарфланадиган харажатлар йирик бизнесни қараганда анча паст, ишчилар сони нисбатан кам, аммо ушбу кичик бизнес субъектларининг ўзгарувчан бозор конъюктурасига тезда мослашиш имкониятлари юқори бўлади. Кичик бизнес иқтисодийнинг барча тармоқларида кенг тарқалган бўлиб иқтисодийнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Кичик бизнес субъектлари ривожланишининг ҳозирги босқичи улар фаолиятида молиявий бошқарув тизимини самарали ташкил этишга янги ёндашувларни назарда тутди, бунда асосий вазифа субъектлар фаолиятининг

хусусиятларига қараб самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш тизимини шакллантиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Бу жараёнда улар фаолиятида молиявий бошқарувни самарали ташкил этиш орқали молиявий барқарорликни ошириш истиқболда юқори натижаларга эришишга имкон беради. Мазкур жараёнда улар молиявий ҳолатини таҳлил қилиб бориш ва шунга мос ҳолда молиявий қарорлар қабул қилиш бевосита молиявий бошқарувнинг муҳим эканлигидан далолат беради.

Фикримизча, кичик бизнеснинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишининг асосий хусусиятлари қуйи-

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, бошқарув, молия, молиявий бошқарув, суғурта, банк хизматлари.

дагилардан иборат:

- молиявий таҳдиднинг анъанавий усуллари хилма-хиллиги, субъектлар фаолият турини ҳисобга олган ҳолда аниқ таҳлил объектларини ажратиш ва асослашни талаб қилади;

- молиявий ҳисоботнинг соддалаштирилган шакллари мувофиқ шакллантирилган таҳлил ахборот базасининг чекланганлиги;

- кичик бизнес субъектларининг молиявий ҳолатини баҳолаш усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги.

Кичик бизнес – ҳар қандай мулкчилик шаклидаги кичик корхоналар ва фуқаролар-тадбиркорларнинг (жисмоний шахсларнинг) ўз таваккалчилигида фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган мустақил, тизимли иқтисодий фаолиятдир. Амалда бу кичик бизнес субъектларининг ўз иқтисодий манфаатларини амалга оширишга қаратилган ҳар қандай фаолияти (саноат, тижорат, молиявий, сўғурта ва бошқалар) орқали ифодаланади¹. И.А. Скрипачевнинг таъкидлашича, кичик бизнес субъектларининг молияси молиявий ресурсларни шакллантириш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари бўлиб, улар қуйидаги манбалардан шаклланади: ўз ва қарз маблағлари.

Кичик бизнеснинг молиявий бошқаруви бир қатор хусусиятларга эга:

- кичик бизнес йирик миқдордаги молиявий харажатларни талаб қиладиган тармоқларда мавжуд бўлиши мумкин эмас;

- ликвид активларнинг етишмаслиги, активларнинг умумий таркибида асосий воситалар улушининг деярли аҳамиятсизлиги;

- кичик бизнес субъектлари капитали таркибида ссуда капитали улушининг юқорилиги кузатилади. Кичик бизнесда молиявий бошқарув – бу бошқарувнинг тамойиллари, шакл ва усуллари тизимидир. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий бошқарувни ташкил этишжа айнан мазкур бошқарув тамойил ва усуллари мақсадга мувофиқ қўлланилиши натижасида фаолият самарадорлигига эришилади.

Кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий бошқарув усуллари – бу молиявий муносабатларнинг хўжалик жараёнига таъсир қилиш усулла-

ридан иборат бўлиб, мазкур усуллар асосан икки йўналишда – молиявий ресурслар ҳаракатини бошқариш ва харажатлар ҳамда фойда нисбати билан боғлиқ бўлган тижорат муносабатлари бўйича фаолият юритади. Бу бевосита ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятдаги белгиланган вазифалар ҳамда ҳисоб-китоблар билан узвий боғлиқдир.

Молиявий усулларнинг таъсири одатда маблағларнинг шаклланиши ва фойдаланилишида намоён бўлади. Молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида корхоналар кўпинча прогнозлаш ва режалаштириш усулларидан фойдаланадилар. Одатда, кичик бизнестга эгаллик қилувчи мулкдор молиявий режа кўрсаткичлари бажарилиши ва унинг самарадорлигини назорат қилади, чунки, кичик бизнес субъектлари йирик корхоналарга нисбатан чекланган молиявий ресурсларга эгаллик қилади². Бу ҳолат эса, улар фаолиятида молиявий ресурсларни бошқаришда деярли қийинчилик туғдирмайди.

Кичик бизнес субъектларининг ташкилий тизимасида стандарт ёндашув нуқтаи назаридан, йирик ва ўрта корхоналар билан таққослаганда, молиявий директорнинг вазифаларини бевосита директорнинг ўзи бажаради ва бухгалтер молиявий қарорларни амалга оширади.

Кичик бизнес субъектлари учун молиявий бошқарувнинг асосий мезонлари қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

- белгиланган лимит доирасидаги даромадлар нисбати;

- белгиланган чегара доирасидаги ходимлар сонининг нисбати;

- белгиланган лимит доирасида бошқа корхоналарнинг устав капиталидаги иштироки улуши нисбати.


Кичик бизнес субъектларидаги молиявий фаолиятни даромадлар ва молиявий ресурсларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш, мажбуриятларни бажариш каби вазифаларни кейинчалик амалга ошириш билан бошлангич капитални шакллантиришга қаратилган ҳаракатлар тизими сифатида тавсифлаш мумкин³.

Кичик бизнес субъектлари даромадларининг ҳаракати уларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги

¹ Шермет, А.Д., Малое предпринимательство: организация, экономика, управление: учебное пособие. – М.: Инфра-М, 2018. – 480 с. 2.

² Тэпман, Л.Н. Риски в экономике: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2018. – 380 с.

³ Стоянова Е. С. Финансовый менеджмент: теория и практика. [Текст] / Е. С. Стоянова - М.: Перспектива, 2012. – 357 с.



1-чизма. Кичик бизнес субъектларининг бошқа контрагентлар билан молиявий муносабатлари.

бошқа субъектлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларини амалга ошириш жараёни орқали юзага келади. Кичик бизнес субъектларида молиявий муносабатлар схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.

Кичик бизнес субъектларининг барча молиявий муносабатларини пул оқимлари таркиби бўйича ифодалаш мумкин.

Кичик бизнес субъектлари барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳам ҳажм, ҳам вақт бўйича ижобий ва салбий оқимлар даражаси ҳисобланади. Бу, айниқса, кичик бизнес субъектлари учун муҳим,

чунки, уларда йирик корхоналар каби молиявий ресурс ва маблағлар захиралари мавжуд эмас. Уларнинг моҳияти келажакдаги молиявий даврнинг ҳар бир оралиғида корхоналар тўлов қобилиятининг етарли даражасини бир вақтнинг ўзида таъминлашдан иборат. Соф пул оқимини максимал даражада ошириш ўз-ўзини молиялаштириш тамойили асосида кичик бизнеснинг иқтисодий ривожланиш суръатларини оширишни таъминлайди, ташқи молиялаштириш манбаларига қарамликни камайтиради ва унинг бозордаги рентабел-



2-чизма. Кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги пул оқимлари.

лигини оширади⁴.

Молиявий бошқарувни самарали ташкил этишга тўғри ёндашув муҳим аҳамиятга эга бўлган кичик бизнесда молиявий фаолият одатда мулкдорнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Бу корхонага пулни тежаш, қўшимча даромад олиш ва тўлов қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради.

Кичик бизнес субъектларини молиявий бошқариш усуллари асосий вазифалари куйидагилардан иборат:


- сотилган маҳсулот ёки хизматлар учун маблағларни олиш;
- корхонанинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча турдаги харажатларни пул маблағлари билан таъминлаш (етказиб берувчилар, ходимлар, ижарачилар ва бошқалар билан ҳисоб-китоблар);
- тадбиркорликни ривожлантиришга инвестиция киритиш;
- молия институтлари билан ўзаро манфаатли шартларда ҳамкорлик қилиш (банклар, суғурта компаниялари ва бошқалар);
- давлат ва маҳаллий ҳокимият олдидаги молиявий мажбуриятларни бажариш (солиқлар ва йиғимларни тўлаш);
- кичик бизнес субъектларининг молиявий

барқарорлиги ва тўлов қобилиятини сақлаш. Ушбу вазифаларни самарали тарзда амалга ошириш бўйича фаолият режалаштириш, молиявий назорат ва молиявий ҳолат таҳлиliga бевосита боғлиқ бўлади⁵.

Молиявий режалаштиришнинг асосий жиҳати молиявий барқарорликни таъминлаш учун энг мақбул ва фойдали молиявий режани тузишдан иборат бўлади. Молиявий режа – ишлаб чиқариш, молиявий ва инвестиция фаолиятининг келажакдаги самарадорлиги ҳамда натижаларини башорат қилишга асосланган режа сифатида ифодаланади. У кичик корхона фаолияти натижалари бўйича товар-моддий захиралар, молиявий оқимлар тўғрисида тасаввур берадиган кўрсаткичларни акс эттиради.

Кичик бизнес субъектларида молиявий бошқарув усуллари маҳсулотларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажаришдаги барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятни амалга ошириш ва стратегик мақсадларга эришиш учун зарур ҳажмдаги турли манбалардан маблағларни шакллантириш имконини беради⁶.

Кичик бизнес субъектлари молиявий ресурсларни бошқарган ҳолда янги иш ўринларини яратди, ялпи миллий маҳсулот сифатини оширади ва мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларини белгилаб



3-чизма. Кичик бизнес субъектларида молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари.

⁴ Шермет, А.Д., Малое предпринимательство: организация, экономика, управление: учебное пособие [Текст]. – М.: Инфра-М, 2018. – 480 с.

⁵ Лошкарев, В.Г. Организация бизнеса с нуля. Советы практика. Обновленное издание. 1-е издание [Текст], ПИТЕР. 2018 – 192 с.

⁶ Nguyen, K.M. Financial management and profitability of small and medium enterprises: DBA thesis / K.M. Nguyen / 2001. – Southern Cross University, Lismore, NSW. – 278 p.

беради, чунки, айнан уларнинг фаолияти асосида тез ўзгарувчан бозор талабларига мос равишда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш орқали истеъмолчиларнинг асосий қисми эҳтиёжи қондирилади⁷. Молиявий бошқарув қарорларини қабул қилишда масъулиятнинг юқори даражаси кичик бизнес субъектларининг фаолият юритишидаги асосий хусусият ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакатда кичик бизнес иқтисодий ривожланиш ва аҳоли бандлигини оширишда катта роль ўйнайди.

Кичик бизнес субъектлари молиявий бошқарувнинг тадқиқ қилинган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни таклиф қилиш мумкин:

1. Корхона тузилмасида айланма маблағларни (акциялар, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари ва қисқа муддатли мажбуриятлар) бошқариш тизимини яратиш. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини бошқаришнинг самарали тизими уларнинг тўлов қобилияти ва ликвидлигини оширишга имкон яратади.

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий режалаштиришдан самарали фойдаланиш лозим. Бу жараёнда молиявий режалаштиришни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- корхонада мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- корхона молиявий фаолиятининг белгиланган мақсадларга эришишини чеклайдиган йўналишларини тадқиқ қилиш. Режалаштириш жараёнининг юқоридаги технологиясига мувофиқ, унинг барча босқичлари кетма-кетлигига риоя қилинаётганлигини таҳлил қилиш, агар оғишлар бўлса, унда оғишларнинг сабабларини аниқлаш лозим. Кейинги қадам кичик бизнесда молиявий режалаштириш алгоритмининг амалга ошириш учун тегишли чораларни кўришдан иборат бўлади.

3. Кичик бизнес субъектлари молиявий фаолиятида молиявий назоратга жараёنли ёндашувни қўллаш тавсия этилади. Жараёнли ёндашувнинг моҳияти операция ва ҳодисаларнинг мақсадли кетма-кетлигидан иборат бўлади. Масалан, комплекс молиявий режани шакллантириш жараёни. Жараёнли ёндашувнинг якуний натижаси корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш ва корхона фао-

лиятини истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқлаштириш бўлади⁸.

4. Корхонада тузилган барча режалар учун усул ва воситаларни танлашда ягона ёндашувдан фойдаланиш лозим, чунки, молиявий режалаштириш ва назорат қилиш тизими корхонада бутун режалаштириш тизимининг ажралмас элементи сифатида қаралиши керак.

5. Солиқларни режалаштиришнинг самарали тизимини яратиш. Солиқларни режалаштириш солиқ менежментининг ажралмас қисми сифатида солиқ солинадиган базалар ва солиқ ставкалари, қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ имтиёзлари ва давлат томонидан белгиланадиган шу каби омилларни тизимлаштириш ва таҳлил этиш асосида молиявий рағбатлантириш борасидаги яратилган имкониятлардан фойдаланишга қулай шароит яратади. Солиқ тўловлари миқдорини бошқаришга маҳсулот ассортиментини ўзгартириш ва ички захиралардан самаралироқ фойдаланиш орқали эришилади. Ушбу солиқларни режалаштириш усули “солиқ харажатларини ҳисобга олиш” деб аталади.

6. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида чуқур операцион таҳлидан (CVP – таҳлил) фойдаланиш тавсия этилади. Бу харажатларни бошқаришнинг элементи бўлиб, унинг моҳияти хўжалик юритувчи субъект молиявий натижаларининг маҳсулот, товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда ҳажмларига боғлиқлигини ўрганишидир. Ушбу турдаги таҳлидан нарх белгилашда фойдаланиш мумкин. Операцион таҳлил принципи тўғридан-тўғри ўзгарувчан харажатларни тўғридан-тўғри доимий харажатлар билан бирлаштиришдан иборат. Кейин оралиқ маржа ҳисобланади.

7. Кичик бизнес субъектларида операцион тезкор таҳлил технологиясидан фойдаланиш лозим. Асосий янгилик – бу таҳлил қилинган омил бўйича операцион левераж кучидан фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу усул операцион таҳлилни ўтказиш алгоритмининг соддалаштиради ва ундан амалий мақсадларда кенг фойдаланиш имконини беради.

8. Янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, замонавий жиҳозларни сотиб олиш ва мавжуд ускуналарни модернизация қилиш.

9. Кичик бизнеснинг молиявий фаолиятида

⁷ Иванова А. П. Стоимостные критерии оценки эффективности управления [Текст] / А. П. Иванова // Финансы. -2016. - № 2. – С. 17-20.

⁸ Briozzo, A. Corporate governance, financing and gender: A study of SMEs from Argentinean Securities Markets / A. Briozzo, D. Albanese, D. Santoliquido // Contaduría y Administración. - 2017. - Volume 62, Issue 2. - P. 358-376.

харажатларни камайтириш учун ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш зарур. Шу асосда онлайн-дўконни яратиш орқали қуйидаги қўшимча имкониятларга эришиш мумкин бўлади: – савдо майдончасини ижарага олиш харажатларини камайтириш; – иш ҳақи харажатларини камайтириш;

– ассортиментни кенгайтириш.

10. Кадрлар сиёсатининг замонавий технологияларидан фойдаланиш. Кичик бизнесни ривожлантириш билан шуғулланадиган мутахассисларнинг асосий гуруҳини яратиш орқали янги инновацион ишланмаларни жорий этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шеремет, А.Д., Малое предпринимательство: организация, экономика, управление: учебное пособие. – М.: Инфра-М, 2018 г. – 480 с. 2.
2. Тэпман, Л.Н. Риски в экономике: Учеб, пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2018 г. – 380 с.
3. Стоянова Е.С. Финансовый менеджмент: теория и практика. / Е.С. Стоянова - М.: Перспектива, 2012 г. – 357 с.
4. Шеремет А.Д., Малое предпринимательство: организация, экономика, управление: учебное пособие. – М.: Инфра-М, 2018 г. – 480 с.
5. Лошкарев В.Г. Организация бизнеса с нуля. Советы практика. Обновленное издание. 1-е издание, ПИТЕР. 2018 г. – 192 с.
6. Иванова А.П. Стоимостные критерии оценки эффективности управления / А. П. Иванова // Финансы. 2016 г. - №2. – С. 17-20.
7. Nguyen, K.M. Financial management and profitability of small and medium enterprises: DBA thesis / K.M. Nguyen / 2001. – Southern Cross University, Lismore, NSW. – 278 p.
8. Briozzo A. Corporate governance, financing and gender: A study of SMEs from Argentinean Securities Markets / A. Briozzo, D. Albanese, D. Santoliquido // Contaduría y Administración. – 2017. – Volume 62, Issue 2. – P. 358-376.

УЎТ: 339.138:378.658.562(576.1)

Олий таълим рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиялари

Маркетинговые стратегии повышения конкурентоспособности высшего образования

Marketing strategies for rising competitiveness of higher education

Дилшод НИШОНОВ,
ТДИУ изланувчиси.

Аннотация

Илмий мақолада олий таълим тизимида маркетингнинг ўрни, олий таълим рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш йўллари баён этилган. Унга таъсир кўрсатувчи омиллар илмий тадиққот манбаларини ўрганиш асосида таснифланган. Таълим муассасасининг рақобатбардошлик даражасини аниқлашнинг математик модели тавсия этилган. Тошкент давлат иқтисодий университетини фаолияти ва рақобатбардошлик омиллари статистик таҳлил қилинган.

В научной статье описывается роль маркетинга в системе высшего образования, разработка маркетинговых стратегий и способы их реализации в повышении конкурентоспособности высшего образования. Факторы, влияющие на конкурентоспособность вузов, классифицируются на основе изучения источников научных исследований. Предложена математическая модель определения уровня конкурентоспособности образовательного учреждения.

Статистически проанализирована деятельность Ташкентского государственного экономического университета и факторы его конкурентоспособности. The scientific article describes the role of marketing in the higher education system, the development of marketing strategies and ways to implement them in improving the competitiveness of higher education. Factors influencing the competitiveness of higher education institutions are classified based on the study of sources of scientific research. A mathematical model for determining the level of competitiveness of an educational institution is proposed. Activities of Tashkent State University of Economics and factors of competitiveness are statistically analyzed.

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий таълим му-

тахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилиши таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ком-

Калит сўзлар: олий таълим, маркетинг, маркетинг хизмати, олий таълим рақобатбардошлиги, олий таълим рақобатбардошлигини ошириш, маркетинг стратегияси.

плекс чора-тадбирлар” қабул қилинди, 2017 йил 27 июлда ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди.

Корхона ва ташкилотлар, илмий тадқиқот муассасалари билан бевосита ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши олий иқтисодий таълим салоҳияти ва рақобатбардошлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис бугунги кунда тайёрланаётган мутахассисларга, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда олий иқтисодий таълим тизимида замонавий маркетинг концепцияси ва стратегияларидан самарали фойдаланиш зарурати ортмоқда.

Тадқиқот методологияси

Олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш мураккаб ва кўп қиррали тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади.

Университетнинг рақобатбардошлигини Х.А. Фасхиева ва И.М. Гараева методологияси ёрдамида баҳолаш мумкин. Улар нарх ва рақобатбардош салоҳият асосида ишлаб чиқилган бўлиб, асосий меъзонлар сифатида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини, университетнинг илмий-услубий ва моддий-техника базасини ривожлантиришни, қамров кенглигини ҳисобга олувчи интеграл кўрсаткич сифатида белгилайдилар. Таълим йўналишлари ва тайёрланаётган мутахассислар сифатида алоҳида аҳамият қаратилади.

Маркетинг нуқтаи назаридан ОТМларнинг рақобатбардошлигини норматив-меъёрий кўрсаткичлар сифати, технологик кўрсаткичлар сифати ва нарх кўрсаткичлари асосида математик формулалар ёрдамида баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Юқоридагилардан келиб чиққанда тадқиқот методологик ёндашуви сифатида аввало ОТМларнинг рақобатбардошлик омилларини аниқланади, рақобатбардошликни баҳолашнинг математик формуласи тақдим этилади, тадқиқот объекти сифатида танланган ОТМнинг рақобатбардошлик омиллари ўрганилади ҳамда рақобатда устунликни таъминлашга қаратилган стратегиялар таклиф этилади.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, мамлакат тараққиётини малака-

ли мутахассислар белгилайди. Замон талабларига жавоб берадиган, илғор фан-техника, технология ютуқларини эгаллаб олган кадрларни етиштирмасдан жамиятни юксалтириб бўлмайди. Мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш асосида ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият – билимли ва интеллектуал ривожланган мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, тайёрланган мутахассисларнинг иқтисодиётда талаб этилиши иқтисодий ривожланиш муаммолари ечимини топишда рақобатбардошлик мезони сифатида хизмат қилади.

Олий иқтисодий таълим муассасалари томонидан кадрлар тайёрлаш жараёнини асосий истеъмолчилар ва буюртмачилар билан ўзаро келишилган дастурлар ва талаблар асосида ташкил этилиши, олий иқтисодий таълим салоҳияти ва рақобатбардошлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Замонавий инновацион иқтисодиётга маркетинг фаолиятининг бутунлай янги концепцияси – инновацион маркетинг концепцияси хос бўлиб, унга кўра корхона (ёки муассаса) ўз фаолияти давомида маҳсулотлар (хизматлар) ва маркетинг усулларини узлуксиз такомиллаштириб бориши керак.

Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги деганда – бу бозорнинг муайян сегментидаги ўзгарувчан шарт-шароитларга олий ўқув юртининг ўз фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўли билан мослашиш қобилияти ва истеъмолчиларнинг битирувчиларга ва алоҳида (таълим, илмий) хизматларига бўлган талабини рақобатчиларнинг таълим хизматларига нисбатан сифат ва қиймат кўрсаткичлари бўйича жозибадор маҳсулотлар билан юқори даражада қондиришидир.

Юртимизда 2000 йилда бирорта ҳам хорижий таълим муассасаси йўқ эди, 2020 йилга келиб уларнинг сони 32 тани ташкил этмоқда. Бу албатта, олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Уларда ўқийдиган талабалар сони 441 минг тани ташкил этмоқда. Энг асосийси, таълим шаклида кундузгидан ташқари сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши таълимга бўлган эҳтиёжни қондиришда муҳим ўрин тутмоқда. 2020-2021 ўқув йилида 73,6 минг талаба сиртқи бўлимларга қабул қилинди, кечки ўқиш шаклида эса 7,3 минг, кундузгида 360,1 минг талаба таҳсил олмоқда.

Миллий таълим тизимини ислоҳ қилишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Билими бўлмаган жойда қолоқлик, нодонлик ва албатта, тўғри йўлдан оғиш бўлади” деган фикри асос сифатида олинди, олий таълим муассасалари сони 77 тадан 141 тага кўпайди, 26 та ривожланган хорижий давлатлардаги олий ўқув юртларининг филиаллари ва хорижий нодавлат олий ўқув юртлари очилди. Таълим жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилмоқда. Мамлакатда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 28 фоизгача (илгари бу кўрсаткич 9 фоиз эди) етказиш шарт-шароитлари яратилди. Президент ташаббуси бўйича Олий таълимни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида:


- университет имижини янада кўтариш,
- уни халқаро эътироф этилган QS (Quacquarelli Symonds) рейтинги талабларига мослаштириш, мамлакатимизни минтақадаги илм-фан ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича “хаб”га айлантириш,
- республика илмий ва олий таълим муассасаларининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш;
- рақобатбардош кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича кенг қўлламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги бозорнинг муайян сегментидаги ўзгарувчан


шарт-шароитларга олий ўқув юртининг ўз фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўли билан мослашиш қобилияти (ички иқтисодий рақобатбардошлик) ва истеъмолчиларнинг битирувчиларга ва алоҳида (таълим, илмий) хизматларига бўлган талабини рақобатчиларнинг таълим хизматларига нисбатан сифат ва қиймат кўрсаткичлари бўйича жозибадор маҳсулотлар билан юқори даражада қондиришидир (ташқи ижтимоий рақобатбардошлик).

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг талабалар сонини таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги уч ўқув йилида талабалар сони тўғрисидаги маълумотларда ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Хусусан, 2018/19 ўқув йилида жами таҳсил олган талабалар сони 5603 нафарни ташкил этган бўлса, 2019/20 ўқув йилида бу кўрсаткич 7186 нафарга етган ёки ўтган ўқув йилига нисбатан 28 фоизга ошган. Қуйидаги диаграмма маълумотларида ўсиш динамикаси бакалаврият, сиртқи, иккинчи ва кечки таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларида бирдек ошганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги принципларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтганлиги сабабли бу йилги қабул квотаси кескин оширилиб, 2020/21 ўқув йилида университетда таҳсил оладиган талабалар сони 9 мингдан ошиши кутилмоқда (2-чизма).



2-чизма. ТДИУ талабалари сони (ўқув йиллари кесимида) [5].



3-чизма. ТДИУ профессор-ўқитувчилари сони (илмий салоҳияти) [5].

2019/20 ўқув йилида университетда жами 368 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият юритган. Уларнинг асосий штатда фаолият юритганлари сони 309 кишини, ички ўриндошлик асосида университет бошқарувида фаолият юритганлари сони 59 кишини ташкил қилган (3-чизма).

Профессор-ўқитувчиларларнинг 36 нафари фан докторлари (DSc), 27 нафари фалсафа фанлари доктори (PhD) ҳамда 91 нафари фан номзодларидир. Университетнинг илмий салоҳияти кўрсаткичи 2019/20 ўқув йилида 49,8 фоизни ташкил этган.

Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан амалга оширилаётган стратегиянинг муваффақиятига боғлиқдир. Олий ўқув юртининг таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлиги тайёрланган мутахассисларнинг сифат кўрсаткичлари билан белгиланади. Таълим сифатини бошқариш икки турда: меъёрий-марказлашган ва бозор муносабатларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

ТДИУда бугунги кунда ўқув жараёни босқич-босқич кредит модул тизимига ўтказилаётганлиги, билим беришда амалий кўникмаларни шакллантириш устувор аҳамият касб этаётгани ҳам оптимал ҳолатдир. Яна бир ижобий тарафи ОТМларини академик мустақиллиги таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар билан боғлиқ. Шуларга мос равишда олий таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот институтлари би-

лан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда, унинг инвестициявий жозибadorлиги оширилиб, хорижий таълим ва илм-фан технологиялари жалб этилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таълим сифатини яхшилаш ҳамда халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш учун олий таълим муассасасини (ОТМ) халқаролаштириш, уни халқаро таълим тизимига интеграциялаш талаб этилади. Олий таълим муассасасини халқаролаштириш, уни халқаро таълим тизимига изчил интеграциясини таъминлаш учун, энг аввало, ОТМ томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифати учун масъулиятни ошириш – ОТМларда бугунги куннинг энг устувор вазифаси бўлиши лозим.

Олий таълим муассасасини халқаролаштиришнинг бир йўналиши сифатида уни жаҳоннинг 1000 та университетлари рейтингига киришини таъминлаш масалалари тўғрисида гапириш мумкин. Тошкент давлат иқтисодийёт университети ўзининг 2017-2030 йилларга мўлжалланган ривожлантириш Дастурида университетнинг нуфузини халқаро даражада ошириш учун уни ўрта муддатли истиқболда жаҳоннинг 1000 та университетлари рейтингига киритиш мақсад қилиб қўйилган.

Авваламбор, шуни қайд этиш лозимки, жаҳонда университетларнинг рейтингини аниқлаб бера-

диган иккита асосий рейтинг тизимлари мавжуд: *Times Higher Education World University Rankings* ва *QS World University Rankings*.

Times Higher Education World University Rankings тизими илмий тадқиқот сиғими муҳим бўлган университетларнинг фаолият самарадорлигини баҳолайди. Ушбу тизимда ҳар томонлама ва мувозанатлашган қиёсий баҳолашни амалга ошириш учун талабалар, олимлар, университет раҳбарлари, саноат ва давлат вакиллари ишонадиган 13 та пухталиқ билан танлаб олинган самарадорлик кўрсаткичлари қўлланилади. Мазкур самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги 5 соҳаларга гуруҳлаштирилган:

1. *Ўқитиши (ўқув муҳит)*. Ушбу соҳанинг салмоқ ўлчови 30 фоизни ташкил қилиб, у қуйидаги беш самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланади: 1) академик обрў-эътибор (15 фоиз); 2) университет профессор-ўқитувчилари сонининг табалалар сонига нисбати (4,5 фоиз); 3) магистрант/докторантлар сонининг бакалавр талабалари сонига нисбати (2,25 фоиз); 4) докторлик илмий даражали ходимлар сонининг жами академик ходимлар сонига нисбати (6 фоиз); 5) институционал даромад (2,25 фоиз).

2. *Илмий тадқиқот (ҳажми, даромад ва обрў-эътибор)*. Ушбу соҳанинг салмоқ ўлчови 30 фоизни ташкил қилиб, у қуйидаги уч самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланади: 1) университетнинг илмий тадқиқотлар борасидаги обрў-эътибори (18 фоиз); 2) илмий тадқиқотлардан тушган даромадлар (6 фоиз); 3) илмий тадқиқотларнинг унумдорлиги (6 фоиз).

3. *Ҳавоалар (илмий тадқиқотларнинг таъсири)*. Ушбу соҳанинг салмоқ ўлчови 30 фоизни ташкил қилиб, у университет ходимлари томонидан чоп этилган илмий ишлар (охирги беш йилда чоп этилган журнал мақолалари, конференция тезислари, китоблар, илмий тўпламлар)нинг жаҳондаги бошқа олимлар томонидан ҳавола қилинишининг ўртача сонини аниқлаш орқали баҳоланади.

4. *Халқаро фаолият (ходимлар, талабалар ва тадқиқотлар)*. Ушбу соҳанинг салмоқ ўлчови 7,5 фоизни ташкил қилиб, у қуйидаги уч самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланади: 1) хорижий талабалар сонининг маҳаллий талабалар сонига нисбати (2,5 фоиз); 2) хорижий профессор-ўқитувчилар сонининг маҳаллий профессор-ўқитувчилар сонига нисбати (2,5 фоиз); 3) халқаро ҳамкор-

лик (2,5 фоиз).

5. *Саноатдан олинган даромад (билимлар трансфер)*. Ушбу соҳанинг салмоқ ўлчови 2,5 фоизни ташкил қилиб, у университетнинг саноат корхоналарига инновациялар ва ихтироларни етказиб бериш ҳамда консалтинг хизматларини кўрсатишдан олинган даромадларини ҳисоблаб чиқиш орқали баҳоланади.

QS World University Rankings тизими университетнинг фаолият самарадорлигини акс этадиган қуйидаги 6 та кўрсаткичларни баҳолашга асосланган изчил методологик базага эга:

1) *Академик обрў-эътибор*. Ушбу кўрсаткичнинг салмоқ ўлчови 40 фоизни ташкил қилиб, у олий таълим соҳасида фаол бўлган 80 мингдан зиёд олимлар орасида жаҳон университетлардаги ўқитиш ва илмий тадқиқот олиб бориш сифати бўйича ўтказиладиган сўровнома асосида ҳисобланади.

2) *Университетнинг иш берувчилар орасидаги обрў-эътибор*. Ушбу кўрсаткичнинг салмоқ ўлчови 10 фоизни ташкил қилиб, у жаҳондаги 40 мингдан зиёд корхона ва ташкилотлар вакиллари орасида ўтказиладиган ҳамда энг билимли, инновацион қобилиятга эга ва самарали ишлай оладиган битирувчиларни етказадиган жаҳон университетларини аниқлаб бериш сўраладиган сўровнома асосида ҳисобланади.

3) *Профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги нисбат*. Ушбу кўрсаткичнинг салмоқ ўлчови 20 фоизни ташкил қилиб, у университет профессор-ўқитувчилари сонининг талабалар сонига нисбати кўринишида аниқланади. Бир талабага тўғри келадиган профессор-ўқитувчилар сонининг кўпайиши ҳар бир профессор-ўқитувчи учун ўқитиш юкини камайтиради, бу эса ўқитишга индивидуал ёндашув нуқтаи-назаридан ўқитиш сифатининг юқорилигидан далолат беради.

4) *Бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган журнал ҳавоалари*. Ушбу кўрсаткичнинг салмоқ ўлчови 20 фоизни ташкил қилиб, у университет илмий тадқиқотларининг таъсирини баҳолашга қаратилган. Кўрсаткич университет ходимлари муаллифлигида чоп этилган журнал мақолаларига охириги 5 йилда қилинган ҳавоалар умумий сонининг профессор-ўқитувчиларнинг умумий сонига нисбати кўринишида аниқланади. Барча журнал ҳавоалари дунёда энг йирик академик журналларнинг маълумотлар базаси ҳисобланган Elsevier's Scopus базасидан олинади.

5) *Халқаро профессор-ўқитувчилар салмоғи*.

Ушбу кўрсаткичнинг салмоқ ўлчови 5 фоизни ташкил қилиб, у университетда йил давомида камида 3 ой ишлаган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг шу университет профессор-ўқитувчилари умумий сонига нисбати кўринишида аниқланади.

б) *Халқаро талабалар салмоғи.* Ушбу кўрсаткичнинг салмоқ ўлчови 5 фоизни ташкил қилиб, у университетда ўқиётган хорижий талабаларнинг шу университет талабалари умумий сонига нисбати кўринишида аниқланади.

Олий таълим муассасаси рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиялари 3 хил бўлиб, уларга харажатлар бўйича устунлик қилиш, дифференциация ва ихтисослашув стратегиялари киради. Бунда уларнинг мақсадлари хизматлар нархини, яъни, контрактини пасайтириш, таълим хизматлари турларини янада кенгайтириш, таклиф этиш дифференциация стратегияси мақсади бўлса, хизмат кўрсатишни чуқурлаштириш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни мақсад қилган ихтисослашув стратегияларидан самарали фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Булар асосида олий таълим муассасасини ривожлантиришда портфель стратегиялардан, рақобатли стратегиялардан ва функционал стратегиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса

Инновацион маркетинг технологияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳақиқатда мав-

жуд маҳсулотлар билан эмас, балки унинг ишлаб чиқиладиган концепцияси билан иш кўради. Бу нарса анъанавий маркетингдан фарқли равишда инновацион маркетинг соҳасида маркетинг тадқиқотлари усулларига муайян ўзига хослик юклайди. Бугунги кунда ТДИУда босқичма-босқич кредит модули тизимига ўтказилаётганлиги, талабаларга билим беришда амалий кўникмаларни шакллантириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Бугун олий таълим тизимида харажатлар бўйича устунлик қилиш, дифференциация ва ихтисослашув стратегияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, чунки, буни бугунги кун талаб этмоқда. Юртимизда жаҳоннинг энг ривожланган давлатлар тажрибаси асосида олий таълимни ривожлантиришнинг учта устувор йўналиши белгиланди. Биринчиси, олий таълим муассасаларида харажатларни тежаш орқали рақобатда устунликка эришиш билан боғлиқ. Иккинчиси, янги ўқитиш тизимини, кенг таълим хизматларини жорий этишни назарда тутди. Учинчиси, олий таълимни жозибадорлигини оширишга, эгалланмаган сегментларни эгаллашга қаратилгандир. Мана шу устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бугун олий таълимни рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, айниқса ўсиш имкониятларининг маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фасхиев Х.А. Оценка конкурентного потенциала и конкурентоспособности высшего учебного заведения / Х.А. Фасхиев, И.М. Гараев – URL:<http://ineka.ru/scitech/>
2. Қирғизбоев М. Янги Ўзбекистоннинг нури уфқлари. // Халқ сўзи, 2021 йил 17 ноябрь. №246 (8026).
3. Захарова И.В. Маркетинг образовательных услуг. / И.В. Захарова. – Ульяновск: УЛГТУ, 2008 г.
4. Гулямов С.С., Гойибназаров Б.К., Отажонов Ш.И., Мирбабаев Ф.А. Наука и образование: интеграция и взаимодействие. В сб. статей Международная конференции “Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны” (Ташкент, 16-17 февраля 2012 г.). – Т., 2012. С. 86-88.
5. ТДИУ 2017-2020 йилги статистик маълумотлар.

УДК: 004.4

Интеллектуальное системное наполнение объектов автоматизированной системы социального развития на базе SQL

SQL базасида ижтимоий ривожланишнинг автоматлаштирилган тизим объектларини интеллектуал тизимли тўлдирилиши

Intellectual system filling of objects of the automated system of social development on the basis of SQL

Феруза НОРКОБИЛОВА,
директор информационно-ресурсного центра,
Каршинский инженерно-экономический институт.

Аннотация

Многомерный сравнительный анализ уровней социально-экономического развития внутриреспубликанских регионов; макроэкономический анализ и прогнозирование рыночного равновесия и эффективности развития национальной экономики; анализ и прогнозирование развития отраслей материального производства и сферы услуг населению в территориальном разрезе; регулирование производственно-хозяйственной деятельности на региональном уровне; оценка, согласование и принятие обоснованных управленческих решений.

Республика ичидаги вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини кўп ўлчовли қиёсий таҳлил қилиши; бозор мувозанати ва миллий иқтисодиётни ривожлантириши самарадорлигини макроиқтисодий таҳлил қилиши ва прогноз қилиши; ҳудудий шароитда моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини таҳлил қилиши ва прогноз қилиши; ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини минтақавий даражада тартибга солиши; бошқарув қарорларини баҳолаш, мувофиқлаштириши ва қабул қилиши.

Multidimensional comparative analysis of the levels of socio-economic development of intra-republican regions; macroeconomic analysis and forecasting of market equilibrium and the effectiveness of the development of the national economy; analysis and forecasting of the development of branches of material production and services to the population in the territorial context; regulation of production and economic activities at the regional level; assessment, coordination and adoption of informed management decisions.

Для полного и адекватного отражения процессов прогнозирования показателей уровня жизни населения нами предложена автоматизированная система социального развития (АССР).

Система АССР охватывает следующие комплексы функциональных задач: многомерный сравнительный анализ уровней социально-экономического развития внутриреспубликанских

регионов; макроэкономический анализ и прогнозирование рыночного равновесия и эффективности развития национальной экономики; анализ и прогнозирование развития отраслей материального производства и сферы услуг населению в территориальном разрезе; регулирование производственно-хозяйственной деятельности на региональном уровне; оценка,

Ключевые слова: система АССР, анализ, равновесия эффективности, прогноз, язык SQL, модель.

СИСТЕМЫ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ

согласование и принятие обоснованных управленческих решений.

Процесс представления знаний и ИС АССР включает следующие взаимосвязанные этапы:

1. Выбор объектов по классу «Уровни исследования», представленному в разрезе республики в целом, а также областей, районов (городов), отраслей и хозяйств.


2. Выбор признаков по классу «Индикаторы экономической реформы», куда отнесены группы признаков: ПЗ-противозатратность, т.е. признаки перехода от затратного к противозатратному механизму управления экономикой путем создания конкурентной среды, либерализации цен, оценки восприимчивости реформируемой системы к НТП и т.д.; ФС – финансовая стабилизация, включающая признаки устойчивости бюджета, кредитного финансирования, поддержки покупательной способности национальной валюты, эффективность платежной системы и т.п.; ЭУР – эффективное управление ресурсами; РСР – расширение самостоятельности предприятий; АЧП – активизация человеческого потенциала с учетом признаков отхода от уравниловки, усиления распределения по труду, реализации прав выбора деятельности и т.п.; АПД – активизация производственной деятельности, охватывающей признаки расширения товарного производства, усиление инвестиционной активности и т.п.; СОР – социальная ориентированность реформы, характеризующаяся признаками занятости населения, уровня жизни, адресной социальной защиты, защиты потребительского рынка и т.п.

3. Систематическое наблюдение (слежение) за состоянием объектов АССР с помощью региональных социально-экономических мониторингов (РСЭМ). Главной целью РСЭМ является сбор, изучение и подготовка информации для принятия и анализа экономических решений на различных уровнях управления АССР. Предлагается интеграционный вариант создания РСЭМ, в котором мониторинг трактуется как результат перегруппировки традиционных информационно-управленческих функций, объединяющий элементы социально-экономической статистики, экономического анализа и прогнозирования.

4. Обобщение знаний о тенденциях развития многоуровневых АССР в условиях социально ориентированной рыночной экономики. Процедура представления знаний реализуется на ПЭВМ с использованием возможностей объектно-ориентированного программирования на языке SQL и меню пользователя «проблема-объект (уровень) задача-метод (модель)-программа».

При моделировании развития АССР весьма ценным представляется выявление предпочтений экспертов или группы экспертов относительно ценности различных альтернативных вариантов развития АССР в процессе диалога эксперта с ЭВМ.

Сочетание формализованных и неформализованных компонентов в имитационной системе позволяет вести поиск наиболее предпочтительных или оптимальных с точки зрения экспертов вариантов решений.



Предлагаемая имитационная система АССР строится по блочному принципу (рис.1). Всего в модели существуют 5 блоков: блок управления (Б1), блок работы с данными (Б2), блок анализа данных (Б3), блок построения эконометрической модели (Б4), блок расчетов основных показателей АССР (Б5).

Список литературы:

1. Кейнс Дж. Избранные произведения. Пер. с англ. – М.: Экономика, 1993 г. – 436 с.
2. Портер М. Международная конкуренция: пер. с англ. под ред. Щепшина В.Д. – М.: Международные отношения, 1993 г. – 886 с.
3. Strassmann P. The business value of computers. New Canaan: The Information Economics Press, 1990. 530 p.
4. David P. The dynamo and the computer: an historical perspective on the modern productivity paradox // The American Economic Review. 1990. Vol. 88. № 2. P. 355-361.
5. Information Technology and the Corporation of the 1990s: research Studies / ed. by T. J. Allen, M. S. Scott Morton. New York; Oxford: Oxford University Press, 1994.
6. Блиянц К.М. Особенности оценки эффективности информационных технологий в управленческой деятельности в АПК // «Региональные проблемы преобразования экономики». 2016 г. №1. С. 38-43.

Переход топливно-энергетического сектора
к условиям «зеленой» экономики
Ёқилғи-энергетика соҳасининг “яшил” иқтисодиёт
шароитига ўтиши
Transition of the fuel and energy sector to the conditions of the
«green» economy

Марина АБДУРАШИДОВА,
старший преподаватель кафедры
«Корпоративная экономика
и бизнес-аналитика»
Ташкентского государственного
экономического университета.

Аннотация

«Зеленая» экономика – это экономика с эффективным использованием природных ресурсов, широким применением возобновляемых, ресурсосберегающих, без и малоотходных технологий, с низкими выбросами парниковых газов, существенным снижением рисков для окружающей среды. В статье рассматриваются правовые основы, системное закрепление приоритетных направлений и комплекс мер государственной политики в области использования возобновляемых источников энергии, повышения энергоэффективности в отраслях экономики, социальной сфере и уровня диверсификации топливно-энергетического баланса, финансового стимулирования производителей ВИЭ, а также укрепление энергетической безопасности Узбекистана.

“Яшил” иқтисодиёт – бу табиий ресурслардан самарали фойдаланиши, қайта тикланадиган, ресурсларни тежайдиган, чиқиндисиз ва кам чиқинди технологиялардан кенг фойдаланиши, иссиқхона газлари эмиссияси пастлиги ва экологик хавфларни сезиларли даражада камайтирадиган иқтисодиётдир. Мақолада қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида ҳуқуқий асос, устувор йўналишларни мунтазам мустаҳкамлаши ва давлат сиёсати чора-тадбирлари мажмуи, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ёқилғи-энергетика балансини диверсификация қилиши даражасида энергия самарадорлигини ошириши, қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқарувчиларни моддий рағбатлантириши, шунингдек, Ўзбекистоннинг энергия хавфсизлигини мустаҳкамлаши масалалари муҳокама қилинади.

A “Green” economy is an economy with efficient use of natural resources, extensive use of renewable, resource-saving, waste-free and low-waste technologies, with low greenhouse gas emissions, and a significant reduction in environmental risks. The article discusses the legal framework, the systematic consolidation of priority areas and a set of state policy measures in the field of renewable energy sources, energy efficiency improvement in economic sectors, the social sphere and the level of diversification of the fuel and energy balance, financial incentives for renewable energy producers, as well as strengthening the energy security of Uzbekistan.

Ключевые слова: «зеленая» экономика, возобновляемые источники энергии, экология, энергоэффективность, природные ресурсы.

